Украина	Украина Давстандарти

3 Россия Федерацияси Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш давлат қўмитасининг 2001 йил 4 сентябрдаги 370-ст-сон қарори билан ГОСТ 7.25-2001 давлатлараро стандарти Россия Федерациясининг бевосита давлат стандарти сифатида 2002 йил 1 июлдан амалга киритилган.

4 ГОСТ 7.25-80 ЎРНИГА

## ДАВЛАТЛАРАРО СТАНДАРТ

---

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича  
стандартлар тизими

### БИР ТИЛЛИ АХБОРОТ-ҚИДИРУВ ТЕЗАУРУСИ

Ишлаб чиқиш қоидалари, тузилиши, таркиби  
ва тақдим этиш шакли

System of standards on information, librarianship and publishing.  
Monolingual thesaurus for information retrieval.  
Rules for its development, structure, composition and form of presentation

---

Жорий этиш санаси 2002-07-01

#### 1 Қўллаш соҳаси

Ушбу стандарт рус тили лексикасидан фойдаланишга йўналтирилган ва автоматлаштирилган ахборот тизимлари ҳамда илмий-техник ахборот тармоқлари доирасида ишлаб чиқиладиган ахборот-қидирув тезаурусларини (бундан буён — АҚТ) ишлаб чиқиш қоидалари, тузилиши, таркиби ва тақдим этиш шаклини белгилайди.

#### 2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда куйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

ГОСТ 7.0-99 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Ахборот-кутубхона фаолияти, бляблиография. Атамалар ва таърифлар

ГОСТ 7.47-84 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Ахборот тиллари ва атамаларга оид маълумотлар луғатлари учун коммуникатив формат

ГОСТ 7.49-84 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. ИТАДАТ рубрикатори. Тузилиши, фойдаланиш ва юриштиш қоидалари

## ГОСТ 7.25-2001

ГОСТ 7.67-94 (ИСО 3166-88) Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Мамлакатлар номларининг кодлари

ГОСТ 7.73-96 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Ахборотни қидириш ва тарқатиш. Атамалар ва таърифлар

ГОСТ 7.74-96 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Ахборот-қидирув тиллари. Атамалар ва таърифлар

ГОСТ 7.75-97 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Тиллар номларининг кодлари

ГОСТ 7.77-98 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Илмий-техник ахборотнинг давлатлараро рубрикатори. Тузилиши, фойдаланиш ва юритиш қоидалари

### 3 Таърифлар

Ушбу стандартда қуйидаги атамалар тегишли таърифлари билан қўлланилади:

3.1 АҚТ лексик бирлиги (ЛБ): Дескриптор ёки аскриптор сифатида АҚТга киритилган сўз, сўз бирикмаси ва табиий тилнинг мураккаб сўзининг лексик жиҳатдан аҳамиятли компоненти.

3.2 ЛБ эквивалентлик класс: Ахборот тизимидаги ҳужжатларнинг асосий мазмунини аниқлаш учун аҳамиятининг фарқи муҳим аҳамиятга эга бўлмаган лексик бирликлар йиғиндиси.

3.3 Бошқа атамалар ГОСТ 7.0, ГОСТ 7.73, ГОСТ 7.74 га мувофиқ.

### 4 Ахборот-қидирув тезаурусининг тузилиш қоидалари

4.1 Ўз тузилиши бўйича АҚТ икки турга бўлилади:

— ўз лексик бирликлари орасида дескриптор ва аскрипторларни ажратувчи тезауруслар;

— барча ЛБлари дескрипторлар ҳисобланадиган тезауруслар.

АҚТнинг тузилиши қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

— АҚТнинг мавзули қамровини аниқлаш;

— ЛБ массивини йиғиш;

— АҚТнинг сўзлигини шакллантириш;

— луғат мақолалари ва кўрсаткичларни тузиш;

— АҚТни расмийлаштириш;

— АҚТни экспертиза қилиш ва рўйхатга олиш.

#### 4.2 АҚТни мавзули камровини аниқлаш

АҚТни мавзули камровини аниқлаш ГОСТ 7.49га мувофиқ ИТА давлат рубрикатори ёки ГОСТ 7.77га мувофиқ ИТА давлатлараро рубрикатори асосида абонентлар (фойдаланувчилар)нинг ахборотга бўлган эҳтиёжини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади. Мавжуд ёки лойиҳалаштирилаётган ахборот фондининг таркиби ва абонентларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини таҳлил қилишда, фондларни комплекшлаш амалга ошириладиган ёки абонентлар сўровларига мос келадиган Рубрикаторнинг куйи даражадаги барча рубрикалари белгиланади.

#### 4.3 Лексик birlikлар массивини йиғиш

ЛБ массивини йиғиш ишлари бошлангунга қадар ишлаб чикувчи берилган мавзу бўйича рўйхатга олинган тезаурусларнинг мавжудлигини аниқлаш мақсадида депозитар фондга мурожаат қилиши керак.

Бундай тезауруслар мавжуд бўлганда, уларни ушбу тизимга жорий этиш имконияти баҳоланади.

Лексикани бошлангич йиғиш ҳужжатлар ва/ёки сўровларнинг ишончли коллекциясидан ЛБни ажратиш орқали амалга оширилади.

Олинган ЛБ массивига қўшимча равишда ушбу тезаурусни тузиш услубига мувофиқ қуйидаги манбалардан ажратилган, мавзуга мос келадиган ЛБлар киритилиши мумкин:

ИТА давлат рубрикатори (ГОСТ 7.49);

илмий-техник ахборотнинг тегишли тизими рубрикатори;

энциклопедик, изоҳли ва атамашунослик луғатлари ҳамда маълумотно-малари;

атамашунослик стандартлари;

техник-иқтисодий ахборот таснифлагичлари;

Универсал ўлик таснифлаш (УЎТ) ва таснифлашнинг бошқа тизимлари жадваллари;

коммуникатив форматлардаги норматив (нуфузли) луғатлар.

Мамлакатлар ва бошқа географик birlikларнинг номлари ГОСТ 7.67 талабларига, тилларнинг номлари — ГОСТ 7.75 талабларига мос келиши керак.

#### 4.4 АҚТнинг сўзлигини шакллантириш

4.4.1 АҚТнинг сўзлигига қуйидаги турдаги ЛБ киритилиши мумкин:

якка ҳолдаги сўзлар (от, сифат, феъл, равишлар);

отли сўз бирикмалари;

мураккаб сўзларнинг лексик жиҳатдан ахамиятли компонентлари;

сўз ва сўз бирикмаларининг кискартмалари.

4.4.2 Агар асосий сўз сифатида отлардан иборат бўлса ва қуйидаги шартлардан бири бажарилса, сўзликка сўз бирикмаларини киритишга рухсат этилади:

— сўз бирикмаларининг маъноси унинг компонентлари маъносидан келиб чиқмайди.

*Мисоллар*

ЧЕРНЫЙ ЯЩИК,  
АБСОЛЮТНО ЧЕРНОЕ ТЕЛО,  
ЦАРСКАЯ ВОДКА;

— сўз бирикмаларининг компонентларидан ҳеч бўлмаганда биттаси бошқа бирикмалар таркибида ишлатилмайди ёки ҳар доим бошқа маънода ишлатилади.

*Мисоллар*

ТОРГОВЛЯ НА ВЫНОС,  
ЛЕГКАЯ ПРОМЫШЛЕННОСТЬ;

— ушбу сўз бирикмаси учун АҚТ сўзлигида тўлиқ синонимлар мавжуд.

*Мисол*

НАТРИЯ ХЛОРИД=ПОВАРЕННАЯ СОЛЬ;

— ушбу сўз бирикмаси атоқли от билан барқарор сўз бирикма бўлиб ҳисобланади.

*Мисоллар*

ТАБЛИЦА МЕНДЕЛЕЕВА,  
ЗАКОН БОЙЛЯ-МАРИОТТА;

— сўз бирикмасининг алоҳида сўзлари жуда кенг маънога эга.

*Мисол*

МАШИНЫ сўзи куйидаги сўз бирикмаларида:

СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАШИНЫ,  
ЭЛЕКТРИЧЕСКИЕ МАШИНЫ;

— ушбу сўз бирикмаси учун АҚТ сўзлигида умумқабул қилинган аббревиатура мавжуд.

*Мисоллар*

ПОВЕРХНОСТНО-АКТИВНЫЕ ВЕЩЕСТВА=ПАВ,  
УНИВЕРСАЛЬНАЯ ДЕСЯТИЧНАЯ КЛАССИФИКАЦИЯ=УДК,  
ИНФОРМАЦИОННО-ПОИСКОВЫЙ ТЕЗАУРУС=ИПТ,  
ЭЛЕКТРОННО-ВЫЧИСЛИТЕЛЬНАЯ МАШИНА=ЭВМ,

— сўз бирикмаларини алоҳида компонентларга ажратиш кидирув учун муҳим бўлган семантик боғлиқликни йўқотишга олиб келади.

Мисол

«ЯЗЫК ПРОГРАММИРОВАНИЯ» ЛБни ажратиш «АЛГОЛ», «КОБОЛ», «ФОРТРАН» каби ЛБлар билан боғлиқликни белгилаш имконини бермайди.

Санаб ўтилган шартларга жавоб бермайдиган сўз бирикмалари компонентларга ажратилади.

4.4.3 Якка отларнинг келишик шаклларини бош келишик билан алмаштириш лозим. Сўз бирикмаларидаги асосий отларнинг келишик шакллари бир вақтнинг ўзида мослашган аниқловчиларнинг келишик шакллари ўзгартириш орқали бош келишик шакли билан алмаштирилади.

4.4.4 АҚТда лексикографик манбалар ёхуд саноат каталоглари амалиёти анъанасига мувофиқ бирлик ёхуд кўпликдаги шакллардаги отлар ва атокли сўз бирикмаларида ифодаланган ЛБларни кетма-кет тақдим этилиши қабул қилинган бўлиши керак. АҚТнинг сўз бошисида ЛБ миқдорининг шаклини танлаш принциплари кўрсатилиши керак.

4.4.5 Сифат ва сифатдошлар шакллари бош келишикка келтирилиши лозим. Бирликдаги сифат ва сифатдошлар мужской род шаклига келтирилади.

4.4.6 Феълларни феълдан ясалган отлар билан алмаштириш тавсия этилади. Сўзликка киритилган феъллар инфинитив шаклида келтирилади.

4.4.7 АҚТ сўзлигига киритиладиган мураккаб сўзларнинг компонентлари ушбу ихтисосликда умумқабул қилинган мураккаб сўзларнинг кенг фойдаланиладиган қисмлари бўлиши керак. Мураккаб сўзнинг иштирок этмайдиган компоненти дефис билан алмаштирилади.

*Мисоллар*

ЭЛЕКТРО-  
ГИДРО-  
ВОДО-  
ТЕРМО-

4.4.8 Аббревиатуралар мавжуд бўлганда сўзликка уларнинг мос келувчи тўлиқ шакллари ҳам киритилиши керак.

*Мисоллар*

ИПТ — ИНФОРМАЦИОННО-ПОИСКОВЫЙ ТЕЗАУРУС,  
ОКГ — ОПТИЧЕСКИЙ КВАНТОВЫЙ ГЕНЕРАТОР,  
УКВ — УЛЬТРАКОРОТКОВОЛНОВЫЙ

4.4.9 Қисқартмалар библиографик таърифларда сўзларни қисқартиришга қўйиладиган талабларга мос келиши керак.

4.4.10 Санаб ўтилган ЛБ турлари бўлмаган ҳоллардагиша 4.4-банди талаблари бажарилмаслиги мумкин.



## 4.5 Луғат мақолаларининг тузилиши

4.5.1 АҚТнинг луғат мақолаларини тузишда 1-жадвалга мувофиқ лексик birlikларга ҳаволалар ёзиб қўйилади.

1-жадвал. Ҳаволаларнинг турлари ва маънолари

Ҳаволанинг тури	Рус тилидаги белгиланиши	Символи белгиланиши	Ҳаволанинг маъноси	Инглиз тилидаги аналог
1 Аскриптордан эквивалент дескрипторга ҳавола	см.	→	смотри (қар.)	USE
2 Дескриптордан эквивалент аскрипторга ҳавола	с	=	синоним	UF (used for)
3 Аскриптордан унинг бир нарча муқобил алмаштирувчи дескрипторларга ҳавола	на	=:	используй альтернативно (муқобил равишда фойдалан)	-
4 Аскриптордан унинг алмашувчи дескрипторлар комбинациясига ҳавола	ик	=+	используй комбинацию (комбинациядан фойдалан)	-
Ҳаволанинг тури	Рус тилидаги белгиланиши	Символи белгиланиши	Ҳаволанинг маъноси	Инглиз тилидаги аналог
5 Дескриптордан юқори турувчи дескрипторга ҳавола	в	<	выше (юқори)	BT (broader term)
6 Дескриптордан юқори турувчи родли дескрипторга ҳавола	вр	:<	выше-род (юқори-род)	BTG (broader term generic)

## Жадвалнинг давоми

7 Дескриптордан бутунликни билдирувчи юкори турувчи дескрипторга ҳавола	вц	<	выше-целое (юкори-бутун)	BTP (broader term partive)
8 Дескриптордан қуйи турувчи дескрипторга ҳавола	н	>	ниже (қуйи)	NT (narrower term)
9 Дескриптордан қуйи турувчи турга оид дескрипторга ҳавола	нв	>	ниже-вид (қуйи-тур)	NTG (narrower term generic)
10 Дескриптордан қисмни билдирувчи қуйи турувчи дескрипторга ҳавола	нч	>	ниже-часть (қуйи-қисм)	NTP (narrower term partive)
11 Дескриптордан ассоциатив боғланган дескрипторга ҳавола	а	- (чизик)	ассоциация	RT (related term)
12 Дескриптордан альтернатив танлашда ушбу дескриптор билан алмашинадиган дескрипторга ҳавола («иа»га тесқари ҳавола )	са	:=	сравни альтернативный выбор (муқобил танлашни солишт.)	-
13 Дескриптордан ушбу дескрипторни ўз ичига олган комбинация билан алмашинадиган дескрипторга ҳавола («ик»га тесқари ҳавола)	ск	+ =	сравни комбинацию (комбинацияни солишт.)	-

14 Техник тескари хавола	ср	:	солишт.	–
15 Маъноси ва қўллаш соҳасини аниқлаштириш	лп	/.../	лексик изоҳ	SN (scope note)

4.5.2 Ҳаволалар ушбу ЛБнинг бошқалар билан боғлиқлигини белгилайди ва қуйидаги операцияларни бажариш натижаси бўлиб ҳисобланади:

- ЛБнинг турлилигини бартараф этиш;
- эквивалентлик муносабатларини белгилаш;
- индексация қилишда эквивалентлик классини ифодаловчи дескрипторни танлаш (дескриптор ва аскрипторларни фарқловчи 1-турдаги АҚТ учун);
- дескрипторларнинг иерархик ва ассоциатив муносабатларини белгилаш.

4.5.3 ЛБнинг турлилиги релятор ёки турлилик характери ва АҚТдан фойдаланиш усулига қўра лексик изоҳ билан бартараф этилади.

4.5.3.1 Релятор ЛБ қисми бўлиб, уни маълум тушунча тоифасига ёки предмет-мавзу соҳасига киритган ҳолда, унинг маъносини аниқлаштиради. Реляторни қисқартма орқали ифодалашга руҳсат этилади.

*Мисоллар*

СТАБИЛИЗАТОР (ЭЛЕКТРОТЕХН.),

СТАБИЛИЗАТОР (КИМ.),

СТАБИЛИЗАТОР (АВИАЦИЯ),

СМАЗКА (ЖАРАЁН),

СМАЗКА (МОДДА).

Реляторлар сифатида маъноси АҚТнинг кириш қисмида тушунтириладиган кодли белгилардан фойдаланишга йўл қўйилади.

*Мисоллар*

СТАБИЛИЗАТОР (45)

СТАБИЛИЗАТОР (61)

СТАБИЛИЗАТОР (55.47)

Бунда, релятор сифатида ИТА давлат рубрикатори тегишли рубрикаларнинг кодларидан фойдаланилган.

4.5.3.2 Лексик изоҳ ЛБ қисми ҳисобланмайди ва ЛБ маъносини ушбу АҚТда қўриб чиқилмайдиган бошқа маънолардан фарқловчи табиий тилдаги изоҳ берувчи матн ҳисобланади.

*Мисоллар*

МЛЕКОПИТАЮЩИЕ (куруқликдаги турлар),  
 АЭРОПЛАН (фақат 1940 йилгача бўлган хужжатлар учун)  
 СПЛАВЫ МЕДИ (асосий компоненти мис бўлган қотишмалар).

4.5.4 Агар бир ЛБни бошқасига алмаштириш ахборотни кидириш учун аҳамиятли бўлган матн маъносининг ўзгаришига олиб келмаса, ЛБ АҚТда эквивалент деб эълон қилинади.

4.5.4.1 Эквивалентлик куйидагилар ўртасида ўрнатилади:

— абсолют синонимлар, хусусан — ЛБ аббревиатуралари ва тўлик шакллари ўртасида.

*Мисоллар*

ИПТ=ИНФОРМАЦИОННО-ПОИСКОВЫЙ ТЕЗАУРУС,  
 ГЕОМЕТРИЯ РИМАНА=РИМАНОВА ГЕОМЕТРИЯ,  
 НАГРЕВ=НАГРЕВАНИЕ,  
 КОНУСНЫЙ=КОНИЧЕСКИЙ=В ФОРМЕ КОНУСА;

— стилистик синонимлар ўртасида (агар фойдаланиш соҳасидаги фарк АҚТ вазифалари учун аҳамиятсиз бўлса)

*Мисоллар*

ПНЕВМОНИЯ=ВОСПАЛЕНИЕ ЛЕГКИХ,  
 АДГЕЗИЯ=ПРИЛИПАНИЕ,  
 ЛЕНТА ЛИПКАЯ=ЛЕНТА КЛЕЙКАЯ;

— нисбий синонимлар ўртасида (агар маъноларнинг мос келмаслиги АҚТ вазифалари учун аҳамиятсиз бўлса)

*Мисоллар*

СТОЛ=ДИЕТА=ПИТАНИЕ,  
 БЮРО=КОНТОРА=ФИРМА,  
 ВИНТ=БОЛТ.

4.5.4.2 Маъноси бўйича турли, лекин семантик боғлиқ бўлган ЛБлар ўртасида ҳам, агар ушбу тушунчаларнинг айнан ўхшашлиги ахборот тизимининг ишлаши учун фойдали бўлган ҳолларда эквивалентликни ўрнатишга рухсат этилади.

*Мисоллар*

УСТОЙЧИВОСТЬ=НЕУСТОЙЧИВОСТЬ,  
 ТОРГОВЛЯ=ПРОДАЖА,  
 РЕКА=РУЧЕЙ,  
 МАСЛО=СМАЗКА.

4.5.5 Дескрипторларни танлаш биринчи турдаги АҚТ тузишда ўтказилади.

4.5.5.1 Эквивалентлик классида дескрипторларни танлаш учун бутун класс намунаси сифатида битта ЛБ танланади.

Агар эквивалентлик классида отлар бўлса, у ҳолда улардан биттаси класс намунаси сифатида қўлланади.

Агар эквивалентлик классида биттадан ортиқ от сўз туркумига оид сўзлар бўлса, шунингдек от сўз туркумига оид сўзлар бўлмаган ҳолларда, қуйидагилар намунани танлаш мезонлари ҳисобланади:

- ЛБ ушбу классининг маъноларини ифодалаш тўлиқлиги;
- илмий-техник атамашунослик бўйича стандартлар ва тавсияларга мувофиқлик;
- қисқалик ва тушунарлилик;
- бошқа тенг шароитларда фойдаланиш (тарқалганлик)нинг энг кўп частотаси ҳужжатлар ва сўровларда.

4.5.5.2 Ҳар бир ЛБ дескриптор ёки аскриптор мақомини олади.

Аскриптор мақоми қуйидаги ҳолларда берилади:

- ЛБ эквивалентлик классига киради, лекин класс намунаси бўлиб ҳисобланмайди;
- ахборотни қидиришда ЛБ маъносини дескриптор мақомини олган бошқа ЛБлар маъноларининг кесишуви сифатида келтирилиши мақсадга мувофиқ;
- ЛБ маъносини битта қидирув образида мос бўлмаган бошқа ЛБ маъноларининг бирлашуви сифатида тақдим этиш мақсадга мувофиқ.

Бошқа ҳолларда ЛБ дескриптор мақомини олади.

4.5.5.3 Аскриптор мақомини олган ЛБ лугат мақолалари уларни алмаштирувчи дескрипторларга ҳаволалар билан таъминланган бўлиши керак.

Мисоллар

1) аскриптор — дескриптор синоними

Тилшунослик Форсий

см. ЯЗЫКОЗНАНИЕ см. ПЕРСИДСКИЙ ЯЗЫК

2) Дескрипторлар комбинацияси билан алмаштириладиган аскриптор

Русча матнлар Алифбо-рақамли белгилар

ик. РУССКИЙ ЯЗЫК ик БУКВЫ

ТЕКСТЫ ЦИФРЫ

2) Бир-бирига зид бўлган дескрипторлар билан алмаштириладиган аскриптор

Сунъий тиллар

на ИНФОРМАЦИОННО-ПОИСКОВЫЕ ЯЗЫКИ

ЯЗЫКИ МЕЖДУНАРОДНОГО ОБЩЕНИЯ

ЯЗЫКИ ПРОГРАММИРОВАНИЯ

4.5.5.4 Агар аскриптор мақомини эквивалентлик классининг намунаси ҳисобланган ЛБ олса, у ҳолда ушбу классга кирувчи барча ЛБ аскриптор мақомини оладилар ва уларнинг лугат мақолаларида алмаштирувчи дескрипторларга ўхшаш ҳаволалар бўлиши керак.

*Мисол*

Форсийдаги матнлар  
ик ПЕРСИДСКИЙ ЯЗЫК  
ТЕКСТЫ

Форс тилидаги матнлар  
ик ПЕРСИДСКИЙ ЯЗЫК  
ТЕКСТЫ

4.5.5.5 Дескрипторлар моддалари улар алмаштирадиган аскрипторларга ҳаволалар билан таъминланган бўлиши керак.

*Мисоллар*

1) ЯЗЫКОЗНАНИЕ  
с лингвистика  
языковедение

ПЕРСИДСКИЙ ЯЗЫК  
с фарси

2) РУССКИЙ ЯЗЫК  
ск русские тексты  
русские тексты  
тексты на фарси

ТЕКСТЫ  
ск персидские тексты

3) ИНФОРМАЦИОННО-  
ПОИСКОВЫЕ ЯЗЫКИ

ЯЗЫКИ ПРОГРАММИРОВАНИЯ

са искусственные языки

са искусственные языки

4.5.6 Иерархик ва ассоциатив муносабатларни ўрнатиш

4.5.6.1 Дескрипторлар учун дескрипторлар билан ифодаланадиган тушунчалар ўртасида лексик-семантик боғлиқликни ақс эгтирувчи парадигмалик муносабатлар ўрнатилади. Боғлиқлик ҳаволалар жадвалига асосан белгиланишни ва боғлиқ дескрипторни ўз ичига олган ҳаволани дескриптор моддасига киритиш йўли билан кўрсатиб ўтилади.

4.5.6.2 Куйидагилар алоқаларнинг асосий турлари ҳисобланади:

- киш-тур,
- қисм-бутун,
- сабаб-оқибат,
- хом ашё-маҳсулот,
- маъмурий исрархия,
- жараён-объект,
- функционал ўхшашлик,
- жараён-субъект,
- хусусият-хусусият ташувчиси,
- антонимия.

4.5.6.3 АҚТдаги муносабатлар (4.5.5-бандда кўриб чиқилган синонимиядан ташқари) иккита классга бўлиниши мумкин: иерархик ва ассоциатив.

4.5.6.4 Иерархик муносабатлар ахборот кидирувининг самарадорлигини ошириш мақсадида керагидан ортиқ индексация қилишда фойдаланиш мумкин бўлган транзитив ва антисимметриялик хусусиятларига эга. Дескрипторлар ўртасидаги алоқани иерархик турдаги муносабатлар сифатида кўрсатиб ўтилгани афзал, агар улар ушбу хусусиятларга эга бўлса. АҚТда қўлланиладиган иерархик муносабатлар алоҳида турларга фаркланиши мумкин.

4.5.6.5 Ҳаволалар жадвалига мувофиқ алоқаларни кўрсатиш орқали АҚТда дескрипторларнинг иерархик муносабатларининг мавжудлиги қайд этилиши керак.

4.5.6.6 Агар қуйи турувчи дескриптор тушунчаси юқори турувчи дескриптор тушунчаси ҳажмига кирса, хил-тур боғлиқлиги икки дескриптор ўртасида ўрнатилади.

*Мисоллар*

МЕБЕЛЬ	СТУЛЬЯ	СТОЛЫ
нв СТУЛЬЯ	вр МЕБЕЛЬ	вр МЕБЕЛЬ
СТОЛЫ		

4.5.6.7 Агар қуйи турувчи дескриптор юқори турувчи дескриптор томонидан белгиланадиган объектнинг компонентини билдирса, қисм-бутун боғлиқлиги икки дескриптор ўртасида ўрнатилади.

*Мисоллар*

АВТОМОБИЛИ	КУЗОВ	ШАССИ
ич КУЗОВ	вц АВТОМОБИЛИ	вц АВТОМОБИЛИ
ШАССИ		

4.5.6.8 Агар битта дескриптор учун биттадан ортиқ бевосита юқори турувчи дескрипторни кўрсатиш мумкин бўлса, у ҳолда иерархик муносабатларда барча дескрипторлар билан боғлиқлик ўрнатилиши керак.

*Мисоллар*

ТЕЛЯТА	
в КРУПНЫЙ РОГАТЫЙ СКОТ	
МОЛОДНЯК ЖИВОТНЫХ	
КОМНАТА	
вр ПОМЕЩЕНИЕ	
вц ДОМ	

4.5.6.9 Иерархик муносабатларни ўрнатишда бўлиниш нуқтаи назаридан қатъи назар, барча қуйи турувчи дескрипторлар билан боғлиқлик

кўрсатилган бўлиши керак. Бўлиниш аспекти ҳавола қилинаётганда изоҳда кўрсатилиши мумкин.

*Мисол*

#### АНТЕННЫ

- н ВЫСОКОЧАСТОТНЫЕ АНТЕННЫ (диапазон)
- НИЗКОЧАСТОТНЫЕ АНТЕННЫ (диапазон)
- ШИРОКОПОЛОСНЫЕ АНТЕННЫ (диапазон)
- ПАРАБОЛИЧЕСКИЕ АНТЕННЫ (конструкция)
- ТЕЛЕСКОПИЧЕСКИЕ АНТЕННЫ (конструкция)
- ШТЫРЕВЫЕ АНТЕННЫ (конструкция)
- ЩЕЛЕВЫЕ АНТЕННЫ (конструкция).

4.5.6.10 Зарур ҳолларда дескриптор моддалардаги иерархик боғлиқлик иккита ва ундан ортиқ даражалар учун кўрсатилиши мумкин. Бундай ҳолларда иерархия даражалари бош ЛБга нисбатан рақамланади.

*Мисол*

#### ПОЛК

- в1 ДИВИЗИЯ
- в1 АРМИЯ
- н1 БАТАЛЬОН
- н2 РОТА
- БАТАРЕЯ

4.5.6.11 Ассоциатив муносабат иерархик муносабатларга ёки синонимик муносабатларга кирмайдиган муносабатларнинг бирлашуви ҳисобланади. Ассоциатив муносабатга синонимия ва хил-тур муносабатлардан ташқари барча турдаги муносабатларни киритишга йўл қўйилади.

4.5.6.12 АҚТнинг юритилишини ва ҳавола ҳужжатларини индексация қилишни таъминлаш мақсадида луғат мақолалардаги ЛБ алоқаларини қайд этувчи ҳаволалар ўзаро муносабатда бўлиши керак, яъни бош ЛБнинг бошқа ЛБ билан боғлиқлигини кўрсатувчи ҳар бир ҳавола учун бошқа ЛБнинг луғат мақоласида тесқари ҳавола бўлиши керак. Ахборот кидирувида тесқари ҳаволадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлмаса, у ҳолда АҚТ юритилишини таъминловчи «сравни» технологик тесқари ҳаволани қўллаш лозим.

4.5.7.1 Дескриптор мақоласида бош дескрипторнинг барча синонимлари кўрсатилади. Ҳар бир синонимик аскриптор учун алмаштирувчи дескриптор кўрсатилади.

4.5.7.2 Хил-тур («выше — род» ва «ниже — вид» ҳаволалари) муносабати бўйича фарқланмаган иерархик алоқа («выше» ва «ниже» ҳаволалари)



ёки ушбу дескриптор хил-тур муносабати бўйича иерархик алоқа билан боғланган дескрипторларнинг ҳар бир жуфти учун юқори турувчи дескриптор мақоласида қуйи турувчи дескрипторга, қуйи турувчи дескриптор мақоласида эса, юқори турувчи дескриптор мақоласига ҳавола бўлиши керак.

4.5.7.3 Қисм-бутун муносабати бўйича иерархик боғланган дескрипторлар учун фақат юқори турувчи дескрипторлардан қуйи турувчи дескрипторга иерархик ҳавола беришга йўл қўйилади ёки аксинча. Бу ҳолларда тесқари иерархик ҳавола кидирувда фойдаланилмайдиган «ср» техник ҳавола билан алмаштирилади.

4.5.7.4 Асқриптор мақолаларида дескрипторларни кўрсатиш учун «на» ва «ик» ҳаволаларга мос равишда «са» («сравни альтернативный выбор») («муқобил танлашни солиштиринг») ва «ск» («сравни комбинацию») («комбинацияни солиштиринг») ҳаволаларидан фойдаланилади.

#### 4.6 Лексик-семантик кўрсаткичнинг тузилиши

4.6.1 Лексик-семантик кўрсаткич АҚТ лугат мақолаларининг тартибга солинган кетма-кетлиги ҳисобланади ва уларни бош ЛБларнинг алифбо тартибида жойлаштириш орқали шакллантирилади.

ЛБни алифбо тартибида жойлаштиришда символларнинг қуйидаги устуворлиги белгиланади:

- дефисдан ташқари оралиқ ва тиниш белгилари (барча тиниш белгиларининг ва улар бирикмаларининг устуворлиги тенг ҳисобланади),

-- рус ҳарфлари,

-- рақамлар,

-- лотин ҳарфлари,

-- бошқа алифболар ҳарфлари ва махсус символлар.

Буида дефис орқали ёзилган ЛБ қўшиб ёзилган шаклдаги каби ўринни оғаллайди.

4.6.2 Идентификаторлар алифбо бўйича тартибга солинган ва лугат мақолаларининг асосий рўйхатидан кейин жойлаштирилган алоҳида рўйхатларга ажратилиши мумкин.

#### 4.7 Тизимли кўрсаткичнинг тузилиши

4.7.1 Тизимли кўрсаткич рубрикациянинг АҚТда қабул килинган гуруҳлаштирилган дескрипторларнинг рўйхати ҳисобланади.

4.7.2 АҚТнинг тизимли кўрсаткичлари қуйидаги уч турга бўлинади:

-- мавзули,

-- тоифали,

-- аралаш.

4.7.3 Мавзули ва аралаш турдаги тизимли кўрсаткични тузишда унинг мавзуга оид қисмида ИТА давлатлараро рубрикатори ёки ИТА давлатлараро рубрикатори билан мослаштирилган аниқ ИТААД рубрикаторининг рубрикаларидан фойдаланиш лозим.

4.7.4 Тоифали ва аралаш турдаги тизимли кўрсаткични тузишда унинг тоифага оид қисмида қуйидаги умумий тоифалардан фойдаланиш лозим:

- фанлар ва фаолият соҳаларининг номи;
- предметлар, материаллар;
- методлар, жараёнлар, операциялар, ходисалар;
- хусусиятлар, катталиклар, параметрлар, тавсифлар;
- муносабатлар, тузилмалар, моделлар, қонулар, қоидалар, абстракт тушунчалар.

4.7.5 Тоифали турдаги тизимли кўрсаткичда ҳар бир дескриптор фақат битта рубрикага тааллуқли бўлиши керак.

4.7.6 Ҳар бир рубрика ичидаги дескрипторлар алифбо тартибда жойлаштирилади.

4.8 Иерархик муносабатлар кўрсаткичларининг тузилиши

4.8.1 Иерархик кўрсаткич иерархик муносабатларнинг тўлиқ тузилишини акс эттиради.

4.8.2 Иерархик кўрсаткич дескриптор рўйхатларининг саноғидан иборат бўлиб, бунда ҳар бир рўйхат юқори турувчи дескриптор бўлмаган дескриптордан бошланади. Ҳар бир дескриптордан кейин бевосита қуйи турувчи дескрипторлар уларнинг иерархиядаги даражасини кўрсатган ҳолда даражани рақамлаш ёхуд график белгилашни қўллаш орқали келтирилади.

*Мисол*

АРМИЯ	АРМИЯ
. ДИВИЗИЯ	1 ДИВИЗИЯ
.. ПОЛК	2 ПОЛК
... БАТАЛЬОН	3 БАТАЛЬОН
.... РОТА	4 РОТА

4.9 Пермутация кўрсаткичининг тузилиши

4.9.1 Пермутация кўрсаткичи ЛБ матнига кирувчи алоҳида сўзлар бўйича, шу жумладан, ЛБ бошида турмайдиганлар бўйича ҳам ЛБни қидириш учун мўлжалланган.

4.9.2 Пермутация кўрсаткичи рўйхатлар саноғидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири ЛБ таркибидаги муҳим сўзлардан бирига мос келади ва ушбу муҳим сўздан иборат бўлган барча ЛБни ўз ичига олади. Рўйхатлар саноғи

мухим сўзларнинг алифбо тартиби бўйича тартибга солинишидан, ичидан эса, рўйхатлар ЛБ матни бўйича тартибга солинган.

4.9.3 Агар АҚТдаги сўз бирикмаларининг сони кўп бўлмаса, у ҳолда сўз бирикмалар пермутациясини бевосита лексик-семантик кўрсаткичда кўрсатиб ўтишга йўл кўйилади. Бунда қатъийлашган шаклдаги сўз бирикмалари дескрипторлар сифатида, бошқа вариантлар эса — синонимик аскрипторлар сифатида келтирилади.

4.10 АҚТ тузилишини автоматлаштириш

4.10.1 ШЭХМдан фойдаланган ҳолда тезаурусларни тузиш АҚТ тузишнинг куйидаги жараёнларини автоматлаштириш имконини беради:

- такрорланадиган таҳлил,
- мақолаларни таҳрир қилиш,
- сўзликни алифбо бўйича саралаш,
- ҳаволаларнинг ўзаро муносабатдалиги ва зид келмаслигини текшириш,
- кўрсаткичларни тузиш,
- талаб этилган шаклда босма ҳолда чиқариш.

4.10.2 АҚТнинг автоматлаштирилган тузилиши уни ГОСТ 7.47га мувофиқ коммуникатив шаклда, ахборотнинг машина элтувчиларида ва компьютер ёрдамида қоғозда босиб чиқарилган ҳамда машина тезаурусининг жорий ҳолатини акс эттирувчи кўрсаткичлар комплекти кўринишида тақдим этиш имконини бериши керак.

4.10.3 Компьютер ёрдамида босиб чиқарилган кўрсаткичларнинг таркиби, тузилиши ва тақдим этиш шакли 4.11-бандга мос келиши керак.

4.11 Тезауруснинг тузилиши, таркиби ва уни тақдим этиш шакли

АҚТ таркибига кириш қисм, асосий қисм (лексик-семантик кўрсаткич) ва қўшимча қисмлар (тизимли, пермутация, иерархик ва б. кўрсаткичлар ҳамда ЛБнинг махсус тоифаларининг рўйхатлари) киради.

Кириш қисми ва лексик-семантик кўрсаткич мажбурий таркибий қисмлари ҳисобланади.

АҚТ таркибига АҚТни ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қўшимча маълумотлардан иборат бўлган иловаларни киритишга рухсат этилади.

4.11.1 Кириш қисми титул варағи ва муқаддимани ўз ичига олади.

4.11.1.1 Титул варағида қуйидагилар келтирилиши керак:

- «ахборот-қидирув тезауруси» атамасини ўз ичига олган ва унинг кўллаш соҳасини кўрсатувчи АҚТнинг номи;

— ишлаб чикувчи ташкилот ва АҚТ муаллифлиги тўғрисидаги қўшимча маълумотлар;

— қайта нашр этилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

— АҚТни яратиш ёки нашр этиш жойи ва йили.

Титул varaгининг расмийлаштирилиши А иловада келтирилган.

4.11.1.2 Мукаддима қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

— ИТА давлатлараро рубрикагори рубрикаларининг кодлари ва номлари билан баён этилган тезаурусни яратишдан мақсад ва уни қўллаш соҳаси;

— АҚТнинг лексикасини йиғиш учун фойдаланилган манбаларга ҳаволалар;

— АҚТни тузишда фойдаланилган норматив ва услубий ҳужжатларга ҳаволалар;

— фойдаланилган лексик манбалар нуфузлигининг асосланишини ўз ичига олган тезаурусни тузиш тартибининг таърифи.

— АҚТ таркиби ва тузилишининг таърифи;

— ЛБ ўртасидаги муносабатлар рўйхати ва уларни белгилаш учун методик асослар;

— ЛБни тақдим этиш учун йўл қўйилган барча символлар ва махсус кискартмаларнинг рўйхати;

— ЛБ жойлашишининг алифбо тартиби (гурли алифбо ҳарфларининг, ҳарф бўлмаган символлар ва б.нинг жойлашиши);

— тезауруснинг миқдорий тавсифлари (мақолаларнинг умумий сони, дескрипторлар, аскрипторлар ва б. сони);

— луғат мақолаларида қўшимча маълумотларнинг таркиби ва уларни тақдим этиш шакллари;

— қуйидаги мазмундаги ҳагбоши: «Тезаурус ГОСТ 7.25га мувофиқ тайёрланган».

4.11.1.3 АҚТ кейинги нашрлари (версияси)нинг мукаддимаси қуйидагилардан иборат бўлиши керак:

— тезауруснинг янги версиясини тузиш зарурлигини асослаш;

— киритилган ўзгартиришлар характери ва кўрсатиш.

4.11.2 Лексик-семантик кўрсаткичда дескриптор ва аскриптор мақолаларни тақдим этиш шакли

4.11.2.1 Дескриптор мақоласи бош дескриптордан, алоқа турларини белгилаган ҳолда у билан семантик боғланган дескрипторлар ва аскрипторлар рўйхатидан иборат.

4.11.2.2 Аскриптор мақоласи аскриптордан ва ахборотни қайта ишлаш ҳамда кидиришда уни алмаштирувчи дескрипторлар ва дескрипторлар комбинациясидан иборат.

4.11.2.3 Лугат мақоласи, шунингдек, қуйдагиларни ўз ичига олиши мумкин:

- дескриптордан фойдаланиш частотаси;
- дескрипторнинг код рақами;
- тизимли кўрсаткич бўйича дескрипторнинг коди;
- таснифлаш индекслари;
- қўшимча семантик ва лексикографик белгилар;
- чет тиллардаги эквивалентлар.

Қўшимча маълумотлар бевосита бош дескриптордан кейин жойлаштирилиши ва ундан ажратиб қўйилиши керак.

Шунингдек, қўшимча маълумотларни асосий бўлмаган ЛБдан кейин кўрсатиб ўтишга йўл қўйилади.

4.11.2.4 Чет тиллардаги эквивалентларнинг тилини кўрсатиш учун ГОСТ 7.75 га мувофиқ лотин тили кодидан фойдаланилади.

4.11.2.5 Дескриптор мақола доирасида атамалар қуйдаги тартибда жойлаштирилади:

- бош дескриптор;
- қўшимча маълумотлар;
- лексик изоҳлар;
- аскриптор, дескриптор синонимлар;
- юкори турувчи дескрипторлар;
- қуйи турувчи дескрипторлар;
- бошқа турдаги муносабатлар билан боғланган дескрипторлар.

4.11.2.6 Бош дескриптор билан битта парадигматик муносабатлар билан боғланган ҳар бир ЛБ гуруҳи ичидаги жойлашишнинг алифбо тартиби бўлиши керак. Агар асосий бўлмаган ЛБлар 4.5.6.9-бандда тутилган изоҳларга эга бўлса, у ҳолда улар алифбо тартибидаги изоҳлар бўйича гуруҳларга ажратилиши мумкин.

4.11.2.7 Дескриптор мақоласида бош дескриптор билан бевосита боғланган барча юкори турувчи дескрипторлар ва қуйи турувчи дескрипторлар келтирилиши керак. Иккинчи ва кейинги даражалардаги иерархик алоқалар фақат зарурат бўлгандагина кўрсатилиши мумкин.

4.11.2.8 Тезауруснинг ЛБ ўртасидаги алоқани кўрсатиш учун белгила-ниши ва тартибга солиниши ҳаволалар жадвалида (4.5.1-6.) келтирилган ҳаволалардан фойдаланиш керак.

Шунингдек, мазмуни АҚТнинг кириш қисмида тушунтирилган-бошқа турдаги алоқаларни кўрсатишга йўл қўйилади. Бу ҳаволаларнинг белгила-ниши ушбу стандартда белгиланганлардан фарқ қилиши керак.

4.11.2.9 Луғат мақоласидаги ҳаволанинг белгиланиши бош дескриптор билан ушбу муносабат орқали боғланган биринчи ЛБдан олдин фақат бир марта келтирилиши мумкин.

4.11.2.10 Луғат мақоласидаги ҳар бир ЛБ янги қаторни эгаллайди. Агар у бир қаторга сизғмаса, у ҳолда унинг давоми бўлган барча кейинги қаторлар ЛБ бошланишига нисбатан сурилиши мумкин.

4.11.2.11 АҚТнинг босма нашрида қуйидаги талабларга риоя қилиниши керак:

— дескрипторлар шрифти ёки аскриптор ва лексик изоҳлардан уларни осон фарқлаш имконини берувчи бошқа усулда ажратилган бўлиши керак;

— реляторлар думалок қавсларда дескриптор охирида дескрипторнинг қолган матни каби шрифти билан оралиқ ташлаб босилиши керак (қия қавслардан фарқ қилувчи қавсларнинг бошқа турини қўйишга йўл қўйилади);

— лексик изоҳлар дескриптор матнидан кейин қия қавсларда оралиқ ташлаб ёки «лп» (лексик примечание) белгиси билан алоҳида қаторда босилиши керак;

— мақоланинг бош ЛБ асосий бўлмаган ЛБ бошланишидан олтига (ёки кўпроқ) кичик ҳарфга тенг масофада чапга суриш орқали ажратилиши керак.

*Мисол*

а) Дескриптор мақоласи

АЛГОРИТМИЧЕСКИЕ ЯЗЫКИ (формализм теории алгоритмов  
см. ТЕОРИЯ АЛГОРИТМОВ)

с языки алгоритмические

машиноориентированные языки

проблемноориентированные языки

в ПРОГРАММНОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ  
ФОРМАЛЬНЫЕ ЯЗЫКИ

н АВТОКОДЫ

АЛГОЛ

ИПЛ

КОБОЛ

КОМИТ

ПЛИ

ФОРТРАН

а АЛГОРИТМЫ

ПРОГРАММИРОВАНИЕ

ср искусственные языки

б) Аскриптор моддалари:

1) Дастурлаш тиллари

см АЛГОРИТМИЧЕСКИЕ ЯЗЫКИ

2) ТИЛЛАР

иа ФОРМАЛЬНЫЕ ЯЗЫКИ

ТАБИЙ ТИЛЛАР

3) Алифбо-рақамли белгилар

ик БУКВЫ

ЦИФРЫ

4.11.3 АҚТ босма кўринишда, микрошаклда ва машина ёрдамида ўқиладиган элтувчиларда тақдим этилади.

АҚТни машина ёрдамида ўқиладиган элтувчиларда тақдим этишда ёзув формати ГОСТ 7.47га мос келиши керак. Кириш қисмини босма кўринишда расмийлаштириш мажбурий ҳисобланади. АҚТ ва унинг қисмларини босиб чиқариш ушбу стандартда белгиланган расмийлаштириш талабларига мос келиши керак.

АҚТни видеотерминалларда тақдим этиш ушбу стандартда белгиланган расмийлаштиришнинг асосий талабларига мос келиши керак.

АҚТни микрошаклларда тақдим этиш ушбу стандартда белгиланган шаклга қўйиладиган талабларга ва микрошакллар учун белгиланган стандарт талабларига мос келиши керак.

## 5 Ахборот-қидирув тезаурусини депозитга қўйиш

5.1 Ушбу стандартга мувофиқ ишлаб чиқилган АҚТлар, шу жумладан уларнинг биринчи наشري ва кейинги қайта нашрлари тегишли миллий депозитар фондда, шунингдек қуйидаги халқаро депозитар фондларда депозитга қўйилиши керак:

— инглиз тилидаги АҚТ, жумладан инглиз тилидаги дескрипторлардан иборат АҚТ:

Thesaurus Clearinghouse,  
The Library,  
Faculty of Information Studies,  
University of Toronto,  
140 St George Street,  
TORONTO,  
Ontario, M5S 1A1,

Canada;

— Рус тилидаги АҚТ, жумладан рус тилидаги дескрипторлардан иборат АҚТ:

МТК 191, сскретариат,

ВИНИТИ,

Ул. Усисвича, 20,

Москва, 125315,

Россия;

Бошқа тиллардаги АҚТ:

Instytut Informacji Naukowej, Technicznej i Ekonomicznej,

Clearinghouse,

ul. Zurawia, 3/5,

00-926 WARSZAWA,

Poland.

5.2 Миллий депозитарийлар депозитга қўйилган АҚТнинг фонди тўғрисидаги ахборотни таркатадилар ва турли ахборот тизимларининг элементларини ўзлаштириш ва лингвистик таъминотнинг мослашувчанлигини таъминлаш мақсадида уларни янги АҚТларни ишлаб чиқувчи шахсларга тақдим этадилар.

5.3 Миллий депозитарийлар тақдим этилган АҚТларнинг ушбу стандартга мувофиқлигини экспертиза қиладилар ва ишлаб чиқувчи шахсга мувофиқлик сертификатини берадилар.



ГОСТ 7.25-2001

**А ИЛОВА**  
(маълумот учун)

**Ахборот-қидирув тезаурусининг титул варағини расмийлаштириш**

---

вазирлик (идора)нинг номи

---

тезаурусни ишлаб чиққан ташкилотнинг номи

УЎТ \_\_\_\_\_ Рўйхатга олинган рақами \_\_\_\_\_

ИТА давлатлараро рубрикатори \_\_\_\_\_

---

кўллаш соҳаси

---

нашр этилган жойи ва йили

бўйича

ахборот-қидирув

**ТЕЗАУРУСИ**

---

УЎТ 002.543.01:006.354

МКС 01.140.20

T62

СТШУТ 0007

Асосий сўзлар: Ахборот-қидирув тезауруси, лексик бирлик, дескриптор, аскриптор, ахборотни қидириш, луғат мақола, парадигматик муносабатлар

---

ГОСТ 7.48-2002

## ДАВЛАТЛАРАРО СТАНДАРТ

---

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича  
стандартлар тизими

### ЎУЖЖАТЛАРНИ КОНСЕРВАЦИЯ ҚИЛИШ

Асосий атамалар ва таърифлар

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш  
бўйича давлатлараро кенгаш

Минск

## Сўз боши

1 Россия миллий кутубхонаси, Россия давлат кутубхонаси, Россия давлат гуманитар университетининг илмий кутубхонаси ва «Илмий-техник ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши» ДТҚ 191 Стандартлаштириш бўйича давлатлараро техник қўмита томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

Россия Давстандарти томонидан КИРИТИЛГАН

2 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш томонидан ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН (2002 йил 12 апрелдаги 4-сон баённома, ёзишмалар бўйича)

Қабул қилиш учун овоз берганлар:

Давлат номи	Стандартлаштириш бўйича миллий орган номи
Озарбайжон Республикаси	Оздавстандарт
Арманистон Республикаси	Армдавстандарт
Беларусь Республикаси	Беларусь Республикасининг Давстандарти
Қозоғистон Республикаси	Қозоғистон Республикаси Давстандарти
Қирғизистон Республикаси	Қирғизстандарт
Молдова Республикаси	Молдовастандарт
Россия Федерацияси	Россия Давстандарти
Тожикистон Республикаси	Тожикистандарт
Туркменистон	«Туркменстандартлары» Бошдавхизмати
Ўзбекистон Республикаси	Ўздавстандарт
Украина	Украина Давстандарти

3 Россия Федерацияси Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлат қўмитасининг 2002 йил 5 июндаги 231-сон қарори билан ГОСТ 7.48-2002 давлатлараро стандарти 2003 йил 1 январдан бевосита Россия Федерациясининг давлат стандарти сифатида амалга киритилган.

4 ГОСТ 7.48-90 ЎРНИГА

## ДАВЛАТЛАРАРО СТАНДАРТ

---

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича  
стандартлар тизими

### ХУЖЖАТЛАРНИ КОНСЕРВАЦИЯ ҚИЛИШ

Асосий атамалар ва таърифлар

System of standards on information, librarianship and publishing.  
Document conservation. Basic terms and definitions

---

Жорий этиш санаси 2003-01-01

#### 1 Қўллаш соҳаси

Ушбу стандарт қоғоз, пергамент ва теридаги хужжатларни консервация қилиш соҳасидаги тушунчаларнинг фан, техника ва ишлаб чиқаришда қўлланиладиган атама ва таърифларини белгилайди.

Ушбу стандарт билан белгиланган атамалар хужжатлар, илмий-техник, ахборот, ўқув ва маълумот нашрларда фойдаланишда барча турдаги кутубхоналар ва илмий-техник ахборот органлари учун мажбурий ҳисобланади. Белгиланган атамаларни, зарур бўлганда, тушунча чегараларини бузмасдан баён этиш шакли бўйича ўзгартириш мумкин.

Ҳар бир тушунча учун стандартлаштирилган атама белгиланган. Стандартдаги асосий атамалар ярим қора шрифт билан ажратилган.

Атамалар — стандартлаштирилган атама синонимларининг қўлланиши тақиқланади.

Стандартда маълумот учун атамалар сифатида инглиз тилидаги эквивалентлари келтирилган.

Стандартда ўзбек ва инглиз тилларидаги атамаларнинг алфавит кўрсаткичлари берилган.

#### 2 Умумий тушунчалар

2.1 хужжатнинг фойдаланиш хусусиятлари: en Service properties  
Фойдаланиш ва сақлаш учун хужжатнинг яроқлигини тавсифловчи воситалар мажмуи

---

- 2.2 **ҳужжатнинг сақланиши:** Ҳужжатнинг фойдаланиш хусусиятларини ушлаб қолиш даражаси билан тавсифланувчи ҳолат en Safe keeping
- 2.3 **ҳужжатнинг эскириши:** Вақт ичида ҳужжатнинг материалларида ўтадиган ва фойдаланиш хусусиятларининг ўзгаришига ва (ёки) йўқолишига олиб келадиган табиий жараён en Ageing (Aging)
- 2.4 **ҳужжатнинг шикастланиши:** Ҳужжат фойдаланиш хусусиятларининг қисман йўқотилиши en Deterioration, Damage
- 2.5 **ҳужжатнинг емирилиши:** Ҳужжат фойдаланиш хусусиятларининг тўлиқ йўқотилиши en Disintegration
- 2.6 **ҳужжатларни консервация қилиш:** Сақлаш, стабиллаш, реставрация қилиш ва нусхасини ишлаб чиқиш тартиби ёрдамида ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаш en Conservation
- 2.7 **ҳужжатларни сақлаш тартиби:** Ҳужжатларни сақланишнинг норматив шартлари en Storage condition
- 2.8 **ҳужжатни стабиллаш:** Ҳужжатнинг эскиришини кечиктирадиган ва шикастланишининг олдини оладиган ишлов бериш en Stabilization
- 2.9 **ҳужжатни реставрация қилиш:** Ҳужжатнинг фойдаланиш хусусиятларини, шунингдек, шакл ва ташқи кўринишини тиклаш en Restoration
- 2.10 **ҳужжатнинг нусхасини тайёрлаш:** Турли технологиялар ёрдамида шу ёки бошқа форматдаги бошқа элтувчида акс эттириш en Copying

### 3 Ҳужжатнинг шикастланиши

- 3.1 **эскириши:** Ишқаланиш натижасида ҳужжат усти ҳолатининг ўзгариши en Wear and tear
- 3.2 **рангнинг ўчиши:** Ҳужжат ранги бирламчи тўлалигининг камайиши en Discoloration
- 3.3 **матн (тасвир)нинг оқариши:** Матн (тасвири) ранги бирламчи тўлалигининг камайиши en Text (image) fading
- 3.4 **муштаҳкам бирлаштириш:** Ҳужжат варақларини усти билан битта яхлит блокка бирлаштириш en Blocking
- 3.5 **биошикастланиш:** Ҳужжатнинг биологик омилдан шикастланиши en Biodeterioration

**3.6 пигментация (биологик):** Биологик омилнинг таъсири остида келиб чиққан бўялган доғларнинг ҳосил бўлиши en Pigmentation

#### 4 Ҳужжатларни сақлаш тартиби

**4.1 санитар-гигиеник тартиб:** Санитария ва гигиенининг норматив параметрлари билан белгиланадиган ҳужжатларни сақлаш шартлари en Sanitary-hygienic condition

**4.2 гигиеник ишлов:** Механик ифлосланишлардан тозалаш en Dusting

**4.3 микологик назорат:** Микроскопик кўзқоринларни ва улар томонидан бузилган ҳужжатларни аниқлаш en Fungi control

**4.4 энтомологик назорат:** Ҳашаротларни ва улар томонидан бузилган ҳужжатларни аниқлаш en Pest control

**4.5 йўқ қилиш чора-тадбирлари:** Дезинфекция, дезинсекция ва дератизация воситаси орқали биологик омилнинг йўқ қилиниши en Combat measures

**4.6 харорат-намлик тартиби:** Ҳарорат ва намликнинг норматив параметрлари билан белгиланадиган ҳужжатларни сақлаш шароитлари en Temperature and humidity condition

**4.7 ёруғлик тартиби:** Ёруғлик таъсирининг параметрлари билан белгиланадиган ҳужжатларни сақлаш шароитлари en Lighting condition

#### 5 Ҳужжатни стабиллаш

**5.1 умумий стабиллаш:** Ягона технология бўйича ҳужжатлар гуруҳининг бир вақтдаги стабиллашуви en Mass stabilization

**5.2 кислотани нейтраллаш:** Ҳужжатга ишқор характеридаги бирикмаларни киритиш en Deacidification

**5.3 ишқорли резерв:** Қоғозда ишқор характеридаги бирикмаларнинг мавжудлиги en Alkaline reserve

**5.4 оғир металлларнинг ионларини блоклаш:** Ҳужжатга оғир металлларнинг ионларини бирлаштирувчи бирикмаларни киритиш en Heavy metals ions blocking

- 5.5 **биологик омилдан ҳимоя қилиш:** Ҳужжатлар ва улар сақланадиган хоналарга биологик омил фаъолиятининг олдини оладиган моддалар билан ишлов бериш en Biological protection
- 5.6 **дезинфекция:** Ҳужжатларни шикастлайдиган микроскопик кўзикаришларни ва бактерияларни йўқ қилиш en Disinfection
- 5.7 **дезинсекция:** Ҳужжатларни шикастлайдиган ҳашаротларни йўқ қилиш en Disinsection
- 5.8 **дератизация:** Ҳужжатларни шикастлайдиган кемирувчиларни йўқ қилиш en Rodent control
- 5.9 **ўрнатил:** Ҳужжатни ҳимоя қилувчи материалларда жойлаштириш en Mounting
- 5.10 **подложка:** Ҳужжатни йиғиш ва (ёки) реставрация қилиш бажариладиган материал en Support
- 5.11 **фазада сақлаш:** Ҳужжатни ҳолатининг исталган фазасида зарарсиз материалдан ишланган контейнерда сақлаш en Phase storage
- 5.12 **инкапсулация:** Ҳужжатни инерт полимер плёнкадан ишланган шаффоф контейнерга солиш en Encapsulation

## 6 Ҳужжатни реставрация қилиш

- 6.1 **реставрация материали:** Ҳужжатни реставрация қилиш учун фойдаланиладиган материал en Restoring material
- 6.2 **таъмирлаш:** Ҳужжатнинг катта бўлмаган механик шикастланишларини йўқотиш en Repair
- 6.3 **тўлдириш:** Ҳужжатнинг йўқотилган қисмларини қўшимча, қуйиб тўлдириш ва (ёки) аэродинамик қолиплаш орқали тиклаш en Filling of missing parts
- 6.4 **илова:** Ҳужжатнинг йўқотилган қисмларини реставрация материал билан тўлдириш en Insertion
- 6.5 **қуйиб тўлдириш:** Ҳужжатнинг йўқотилган қисмларини коғоз ёки коллаген масса билан тўлдириш en Pulp filling process
- 6.6 **аэродинамик қолиплаш:** Қоғоз варганини аэросуспензияли толаларнинг чангитилиши билан қолиплаш (formation) en Acrodynamic forming (formation)
- 6.7 **учма-уч улаш:** Ҳужжатнинг ва реставрация материалнинг бир-бирига тегиб турадиган четларини бириктириш en «Pair to pair» joint



6.8	<b>устма-уст улаш:</b> Хужжатнинг ва реставрация материалнинг устма-уст кўйилган четларини бириктириш	en Overlap joint
6.9	<b>бўлиш:</b> Хужжатнинг varaғини қалинлиги бўйича ажратиш	en Splitting
6.10	<b>узоқдан намлаш:</b> Хужжатнинг намлигини ёрдамчи материал орқали бир текис ошириш	en Humidifying
6.11	<b>механик тозалаш:</b> Хужжат устидаги ифлосланишларни механик йўл билан йўқотиш	en Mechanical cleaning
6.12	<b>ферментли тозалаш:</b> Хужжатнинг ифлосланишини фермент препаратлар билан йўқотиш	en Enzyme cleaning
6.13	<b>кимёвий тозалаш:</b> Хужжатнинг ифлосланишини кимёвий моддалар ёрдамида йўқотиш	en Chemical cleaning
6.14	<b>оқартириш:</b> Ахборот элтувчининг оқлигини ошириш мақсадида кимёвий тозалаш	en Bleaching
6.15	<b>мустаҳкамлаш:</b> Хужжатнинг механик мустаҳкамлигини ошириш	en Strengthening
6.16	<b>мустаҳкамловчи шимдириш:</b> Суюқ фазадаги моддаларни киритиш билан хужжатни мустаҳкамлаш	en Strengthening treatment
6.17	<b>импрегнация:</b> Хужжатни полимер материал эритмасининг шимдирилиши билан мустаҳкамлаш	en Impregnation
6.18	<b>қатламлаш:</b> Хужжатни varaқли реставрация материал билан бириктириш орқали мустаҳкамлаш	en Overlaying
6.19	<b>такрорлаш:</b> Varaқли реставрация материални матн (тасвир)га эга бўлмаган хужжатнинг бир томонига қатламлаш	en Backing
6.20	<b>ламинация қилиш:</b> Хужжат устига илбнкали ёки тўқилмаган реставрация материални кизитиш остида пресслаш ёки ёпишишини таъминлайдиган бошқа усул билан қатламлаш	en Lamination
6.21	<b>ёзилиб кетиши:</b> Мукованинг усти ва корешоғини китоб блокдан ажратиш	en Disbinding
6.22	<b>брошюровкадан чиқариш:</b> Китоб блокнинг дафтарларга ва varaқларга ажратиш	en Pulling
6.23	<b>блокнинг мустаҳкамлаши:</b> Китоб блокнинг корешоғини елимлаш	en Text block strengthening
6.24	<b>муқовани реконструкция қилиш:</b> Даствлабкисига яқин бўлган услуби ва конструкциясини акс эттириш билан янги муқовани ишлаб чиқиш	en Rebinding
6.25	<b>дереставрация:</b> Реставрациягача бўлган материалларни йўқ қилиш	en Disrestoration

## 7 Ҳужжатнинг нусхасини ишлаб чиқиш

- 7.1 **фотонусха:** Фотографик жараён ёрдамида ишланган нусха en Photostat
- 7.2 **ксеронусха:** Электрофотографик жараён ёрдамида ишланган нусха en Photocopy
- 7.3 **микронусха:** 10 ва ундан кўп мартага кичрайтириб ишланган нусха en Microcopy
- 7.4 **электрон нусха:** Рақамли шаклда ишланган нусха en Digital copy

## 8 Ҳужжатдан фойдаланиш хусусиятлари

- 8.1 **чидамлилиги:** Ҳужжатнинг фойдаланиш хусусиятларини узок сақлаб қолиш хусусияти en Permanence
- 8.2 **мустваҳкамлиги:** Ҳужжатнинг механик таъсирларга қарши туриш хусусияти en Durability
- 8.3 **эластиклиги:** Ҳужжатнинг механик таъсирларда қайтарилувчи деформациялар хусусияти en Elasticity
- 8.4 **эскиришга чидамлилиги:** Ҳужжатнинг эскиришга қарши туриш хусусияти en Wear and tear resistance
- 8.5 **ёруғликка чидамлилиги:** Ҳужжатнинг ёруғлик таъсири остида фойдаланиш хусусиятларини сақлаш хусусияти en Light fastness
- 8.6 **биочидамлилиги:** Ҳужжатнинг биологик омил таъсири остида фойдаланиш хусусиятларини сақлаб қолиш хусусияти en Bioproofness

## ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ АТАМАЛАРНИНГ АЛИФБО КЎРСАТКИЧИ

аэродинамик қолиплаш	6.6
ажратиш	6.9
биопикастланиш	3.5
биологик омиддан ҳимоя қилиш	5.5
биочидамлилиги	8.6
устма-уст улаш	6.8

блокнинг мустаҳкамланиши	6.23
брошюровкадан чиқариш	6.22
гигиеник ишлов	4.2
дезинсекция	5.7
дезинфекция	5.6
дератизация	5.8
дереставрация	6.25
такрорлаш	6.19
ёзилиб кетиши	6.21
ёруғлик тартиби	4.7
ёруғликка чидамлилиги	8.5
илова	6.4
импрегнация	6.17
инкапсулалаш	5.12
иншқорли резерв	5.3
йўқ қилиш чора-тадбирлари	4.5
кислотани нейтраллаш	5.2
ксероносуха	7.2
ламинация қилиш	6.20
маги (тасвир)нинг оқариши	3.3
механик тозалаш	6.11
микологик назорат	4.3
микроносуха	7.3
муқовани реконструкция қилиш	6.24
мустаҳкам бирлаштириш	3.4
мустаҳкамлилиги	8.2
мустаҳкамлаш	6.15
мустаҳкамловчи шимдириш	6.16
оқартириш	6.14
оғир металлларнинг ионларини блоклаш	5.4
пигментация (биологик)	3.6
подложка	5.10
рангнинг очиши	3.2
реставрация материали	6.1
санитар-гигиеник тартиб	4.1
хужжатни стабиллаш	2.8
оммавий стабиллаш	5.1
таъмирлаш	6.2

тўлдириш	6.3
узокдан намлаш	6.10
учма-уч улаш	6.7
фазали сақлаш	5.11
ферментли тозалаш	6.12
фотонусха	7.1
харорат-намлик тартиби	4.6
кимёвий тозалаш	6.13
чидамлилиги	8.1
эластиклик	8.3
электрон нусха	7.4
энтмологик назорат	4.4
эскиришга чидамлилиги	8.4
эскириши	3.1
ўрнатиш	5.9
кўйиб тўлдириш	6.5
катламлаш	6.18
хужжатларни сақлаш тартиби	2.7
хужжатнинг шикастланиши	2.4
хужжатнинг емирилиши	2.5
хужжатни консервация қилиш	2.6
хужжатнинг нусха ишлаб чиқиши	2.10
хужжатни реставрация қилиш	2.9
хужжатнинг сақланиши	2.2
хужжатнинг фойдаланиш хусусиятлари	2.1
хужжатнинг эскириши	2.3

**ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ АТАМАЛАРНИНГ  
АЛИФБО КЎРСАТКИЧИ**

aerodynamic forming (formation)	6.6
ageing (aging)	2.3
alkaline reserve	5.3
backing	6.19
biodeterioration	3.5
biological protection	5.5
biproofness	8.6
bleaching	6.14
blocking	3.4
chemical cleaning	6.13
combat measures	4.5
conservation	2.6
copying	2.10
damage	2.4
deacidification	5.2
deterioration	2.4
digital copy	7.4
disbinding	6.21
discoloration	3.2
disinfection	5.6
disinsection	5.7
disintegration	2.5
disrestoration	6.25
durability	8.2
dusting	4.2
elasticity	8.3
encapsulation	5.12
enzyme cleaning	6.12
filling of missing parts	6.3
fungi control	4.3
heavy metals ions blocking	5.4
humidifying	6.10
impregnation	6.17
insertion	6.4
lamination	6.20

light fastness	8.5
lighting condition	4.7
mass stabilization	5.1
mechanical cleaning	6.11
microcopy	7.3
mounting	5.9
overlap joint	6.8
overlaying	6.18
«pair to pair» joint	6.7
permanence	8.1
pest control	4.4
phase storage	5.11
photocopy	7.2
photostat	7.1
pigmentation	3.6
pulling	6.22
pulp filling process	6.5
rebinding	6.24
repair	6.2
restoration	2.9
restoring material	6.1
rodent control	5.8
safe keeping	2.2
sanitary-hygienic condition	4.1
service properties	2.1
splitting	6.9
stabilization	2.8
storage condition	2.7
strengthening	6.15
strengthening treatment	6.16
support	5.10
temperature and humidity condition	4.6
text block strengthening	6.23
text (image) fading	3.3
wear and tear	3.1
wear and tear resistance	8.4

Асосий сўзлар: ҳужжатларни сақлаш, ҳужжатларни консервация қилиш, ҳужжатларни сақлаш тартиби, ҳужжатнинг бузилиши, ҳужжатнинг стабилизацияси, ҳужжатнинг реставрацияси

---

## ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

---

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича  
стандартлар тизими

### ИТАДАТ РУБРИКАТОРИ

Тузилиши, фойдаланиш ва юритиш қоидалари

ГОСТ 7.49-84



ГОСТ 7.49-84

**Фанлар академиясининг фан ва техника бўйича**

**Давлат кўмитаси**

**Стандартлар бўйича Давлат кўмитаси авиация саноати вазирлиги  
томонидан**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН**

**БАЖАРУВЧИЛАР**

Б.В. Кристальный, Р.Р. Карапетян, Л.В. Клыков, Е.Н. Казаков, Н. М. Зотова,  
В.А. Глинский, О.А. Фуралев, М.Б. Синельникова, А.Б. Антопольский,  
Б.Л. Федосимов, В.Н. Белоозеров

**Фан ва техника бўйича Давлат кўмитаси томонидан**

**КИРИТИЛГАН**

А. Арутюнов кўмита аъзоси

**Стандартлар бўйича Давлат кўмитаси 1984 йил 31 мартдаги 1172-сон  
қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН**

## ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

---

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича  
стандартлар тизими**

### ИТАДАТ РУБРИКАТОРИ

**Тузилиши, фойдаланиш ва юритиш қоидалари**

**ГОСТ  
7.49-84**

System of standards "Information,  
Libraries and Publishing". Rubricator of the  
State automated system of scientific and  
technical information. Structure, rules for use and  
maintenance

СТШУТ 0007

---

Стандартлар бўйича Давлат Қўмитаси 1984 йил 31 мартдаги 1172-сон қарори билан амалга киритиш муддати 1985 йил 1 январдан белгиланган

Ушбу стандарт Илмий-техник ахборот давлат автوماتлаштирилган тизими (ИТАДАТ) рубрикаторининг тузилишини, фойдаланиш ва юритиш қоидаларини белгилайди.

Стандарт илмий-ахборот фаолиятини амалга оширадиган илмий-техник ахборот органлари ва бошқа таъкилотлар учун мажбурийдир. Стандартда қўлланиладиган атамалар ва уларнинг таърифи — ГОСТ 7.27-80 ва ГОСТ 7.39-82 бўйича.

### 1 Умумий қоидалар

ИТАДАТ рубрикатори илмий-техник ахборотни (ИТА) ягона мавзу бўйича тартибга солиш учун мўлжалланган. ИТАДАТ рубрикатори ИТА органларида яратиладиган рубрикаторлар тизимининг асоси бўлиб ҳисобланади. ИТАДАТ рубрикатори ўзида универсал мавзули қамровга эга иерархик таснифлаш тизимидан иборат.

## 2 ИТАДАТ рубрикаторининг таркиби ва тузилиши

### 2.1 ИТАДАТ рубрикаторининг таркиби

ИТАДАТ рубрикатори фан, техника ва халқ хўжалиги тармоқлари, шунингдек, тармоқлараро ва комплекс муаммоларнинг таснифлаш тизимидан иборат.

---

ИТАДАТ рубрикатори куйидагиларни ўз ичига олиши керак:  
кириш,  
таснифлашнинг асосий жадвали,  
алифбо-предметли кўрсаткич.

2.1.1 Кириш рубрикатор тавсифи ва ундан фойдаланиш ҳамда уни юритиш бўйича кўрсатмаларни ўз ичига олади.

2.1.2 Таснифлашнинг асосий жадвали кодлар рўйхати ва кодларнинг ўсиш тартибида жойлаштирилган рубрикалар номлар\* ва ҳавола-маълумот аппаратини ўз ичига олади.

2.1.3 Алифбо-предметли кўрсаткич (АПК) рубрикалар номларига кирадиган, ушбу рубрикалар кодларини кўрсатган ҳолда атамаларнинг алифбо рўйхатини ўз ичига олган.

### 2.2 ИТАДАТ рубрикаторининг тузилиши

ИТАДАТ рубрикатори иерархиянинг уч даражасига эга. Биришчи (юқори) даража 100 гача (00 дан 99 гача) рубрикаларни ўз ичига олиши мумкин, юқори турувчи даражанинг ҳар бир рубрикаси куйи турувчи даражанинг 100 гача бўлган рубрикаларини ўз ичига олиши мумкин ёки куйи турувчи рубрикалари бўлмаслиги мумкин.

Юқори даража рубрикалари тўртта шартли мавзуга доир гуруҳдан иборат:

ижтимоий фанлар (00 дан 26 гача бўлган кодлар);

табiiй ва аниқ фанлар (27 дан 43 гача бўлган кодлар);

амалий фанлар ва халқ хўжалиги тармоқлари (44 дан 81 гача бўлган кодлар);

тармоқлараро ва комплекс муаммолар (82 дан 99 гача бўлган кодлар).

---

\* ИТАДАТ рубрикаторидаги таснифлашга оид бўлинишлар — рубрикалар, индекслари эса — кодлар деб аталади.

2.2.1 Ҳар бир рубрика код ва номдан иборат бўлиб, изоҳ ва ҳаволаларга эга бўлиши мумкин.

2.2.1.1 ИТАДАТ рубрикатори рубрикаларининг кодлари нукта билан ажратилган бир, икки ёки уч жуфт араб рақамларидан иборат. Коднинг охирида нукта қўйилмайди.

Мисоллар. 55 МАШИНАСОЗЛИК (I даража)

55.01 Машинасозликнинг умумий масалалари (II даража)

55.01.09 Машинасозлик тарихи Персоналилар (III даража)

2.2.1.2 ИТАДАТ рубрикатори рубрикасининг номи рубриканинг асосий мазмунини очиб беради. У алоҳида сўздан ёки атов гапни ёки субстантив сўз бирикмасини ташкил қиладиган ва зарур тиниш белгиларини ўз ичига олган сўзларнинг кетма-кетлигидан иборат. Номда сўзларнинг тўғри тартиби бўлиши керак (сифат аниқланаётган оғдан олдин туриши керак).

Мисоллар. 45.47 Ўзгартирувчи куч техникаси

61.47 Хушбўй моддалар технологияси

Рубрикаларнинг номлари ИТАДАТ рубрикаторидаги тегини туш, ичларини бир хил белгилаши керак. Турли рубрикаларнинг ўхшаш номларига йўл қўйилмайди, фақат кириш қисмида келтириладиган рубрикаларни ривожлантиришнинг намунали схемалари бундан мустасно.

2.2.1.3. ИТАДАТ рубрикаторида рубрикаларнинг кодлари билан қайд қилинадиган, иерархик алоқаларга қўшимча қилинадиган алоқаларни акс эттириш ва рубрикаларнинг мазмунини аниқлаштириш учун ҳавола-маълумотнома аппарати қўлланилади. Ҳавола-маълумотнома аппаратида изоҳлар ва ҳаволаларнинг учта туридан фойдаланилади:

смотри (қаралсин) («см.» («қар.»))

смотри также (шунингдек қаралсин)

(«см. также» («шунингдек қар.»))

отсылка от («отс. от» («...дан ҳавола»))

Ҳаволаларнинг вазифаси ва қўлланилиши кириш қисмида тушунтириш шarti билан уларнинг бошқа турларини ҳам қўллаш мумкин.

2.2.1.4 «Изоҳ» рубриканинг мазмунини очиб беради ва аниқлаштиради ҳамда унинг рубрикалар гуруҳи билан боғлиқлигини кўрсатиши мумкин, масалан:

### 8.1.33 Коррозия ва коррозиядан ҳимоя қилиш

Изоҳ. Халқ ҳўжалигининг муайян тармоқларида коррозия ва коррозиядан ҳимоя қилиш масалалари рубрикаларда ХХ.01.97 ва ХХ.ХХ.97 коднинг охири билан акс эттирилган.

2.2.1.5 «қар.» ҳаволаси рубрикаторда қабул қилинган тушунчанинг эҳтимолӣ бўлган жойидан манзиллаштиради ва рубрикалар такрорланишининг олдини олади.

2.2.1.6 «шунингдек, қар.» мазмуни бўйича кесишувчи рубрикаларнинг аспектларини эҳтимолӣ чегаралаш билан, рубрикалар ўртасидаги боғлиқликни кўрсатиш учун қўлланилади.

2.2.1.7 «...дан ҳавола» ҳаволаси «қар.» ҳаволасига тескари ҳисобланади ва «кр.» ҳаволаси бор рубрикада қўйилади.

### 3 ИТАДАТ рубрикаторидан фойдаланиш

ИТАДАТ рубрикаторининг барча функцияларини амалга ошириш учун ягона принциплар бўйича амалга ошириладиган ИТАДАТ рубрикатори бўйича ҳужжатларни ва сўровларни индексация қилиш асос ҳисобланади.

ИТАДАТ рубрикаторидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади:

— ИТА органларининг илмий-техник ахбороти фаолият мавзусини таърифлаш;

— алмашиш мақсадида ахборот массивларини шакллантириш;

— ахборот массивларини тизимлаштириш ва ахборот нашрларини шакллантириш;

— ИТА органларидаги рубрикаторларни тузиш;

— кенг мавзудаги ахборот қидируви.

3.1 ИТАДАТ рубрикаторидан илмий-ахборот фаолияти қуйидаги турларининг мавзусини таърифлаш учун фойдаланилади:

— анъанавий ва машина ўқийдиган элтувчилардаги фондларни комплектлаш ва сўриш;

— ахборот нашрлари;

— ахборот хизмат кўрсатишнинг ахборот массивлари билан алмашиш;

— ахборот бирлашмалари ва тизимларининг аъзолари ўртасида мавзунинг тақсимланиши ва бириктирилиши.

3.2 Алмашиш мақсадида ахборот массивлари ИТАДАТ рубрикаторининг рубрикалари ёки унинг асосида тузилган ИТААТ рубрикаторлари бўйича шакллантирилади.

Абонентларнинг профилига мувофиқ шаклландиган ахборот массиви ўсиш бўйича тартибга солинган, ИТАДАТ рубрикатори рубрикаларининг кодларининг рўйхати кўринишида тақдим этилади.

3.3 ИТА органлари томонидан чиқариладиган ахборот нашрларини шакллантиришда ИТАДАТ рубрикаторидан фойдаланиш мажбурий ҳисобланади.

Агар алоҳида нашр (серия)нинг мазмуни ёки ахборот нашри бўлимининг мазмуни ИТАДАТ рубрикатори рубрикасининг тўлдирилиши билан мос келса, у ҳолда унинг сарлавҳаси ушбу рубриканинг номи билан мос келиши керак.

Агар мавзули алоҳида нашр (серия) ёки бўлим бир нечта рубрикаларни қамраб олса, у ҳолда унинг сарлавҳаси рубрикалар рўйхатидан иборат бўлиши ёки ИТА органининг ихтиёрига кўра белгиланади, масалан, агар ахборот нашрининг алоҳида нашри (серияси) 49.47 рубрикасида ташқари 49 «Алоқа» бўлимининг барча рубрикаларини, шунингдек, 49 «Электроника. Радиотехника» бўлимининг 47.43, 47.45, 47.47, 47.51 рубрикаларини ўз ичига олса, у ҳолда унга «Электр алоқа» сарлавҳаси берилиши мумкин.

Ахборот нашри алоҳида нашри (серияси) ёки бўлимининг мавзуси нашрда ИТАДАТ рубрикаторининг ёки унинг асосида тузилган рубрикаторларнинг коди (кодлари) билан ифода этилиши керак.

Ахборот нашрининг ҳар бир алоҳида нашри (серияси)да, йилда камида бир марта ИТАДАТ рубрикаторининг тегишли кодлари ёки унинг асосида тузилган рубрикаторларнинг кодлари билан ушбу нашр рубрикаларининг тизимлаштирилган рўйхати жойлаштирилади.

Халқаро ва умумиттифоқ таснифлагичлар асосида тузилган ахборот нашрларда ИТАДАТ рубрикатори бўйича таниқил этилган тизим кўрсаткичлари мажбурий.

3.4 ИТА органлари ИТАДАТ рубрикагори асосида ўз рубрикаторларини тузади.

Турли хил мустақил функциялар (фондларни, нашрларни комплекташ, магнит тасмалари билан алмашиш, ретроспектив қидирув ва ҳ.) учун битта ИТА органида рубрикалар рўйхати ва иерархия чуқурлиги билан фарқ қиладиган алоҳида рубрикаторлар бўлиши мумкин.

ИТА органларининг рубрикаторлари, зарур бўлганда, қуйи даражадаги рубрикалар билан тўлдирилиши мумкин бўлган ИТАДАТ рубрикаторининг рубрикалар танлови бўйича тузилади, ИТА органлари рубрикаторларининг чуқурлиги чекланмайди.

Рубрикаторларнинг мажбурий қисмлари қуйидагилар ҳисобланади:  
юритиш,  
таснифлашнинг асосий жадвали.

ИТА органи рубрикаторининг хавола-маълумотнома аппарати ИТАДАТ рубрикаторининг хавола-маълумотнома аппаратиغا зид бўлмаслиги керак.

#### 4 ИТАДАТ рубрикаторини юритиш

4.1 ИТАДАТ рубрикаторини юритиш рубрикаторнинг давлат машина эталонини саклаш, доимий равишда ўзгартиришлар киритиш ва улар тўғрисида ИТА органларига хабар беришни назарда тутати ҳамда ИТАДАТ Ахборот тилларини юритишнинг автоматлаштирилган тизими (АТЮАТ) доирасида амалга оширилади.

4.2 ИТАДАТ рубрикаторини ўзгартириш тўғрисидаги таклифлар ИТАДАТнинг бош органига ИТА бутуниттифоқ, марказий тармоқ ва республика органлари томонидан тақдим этилади. Бошқа барча ИТА органлари ўзгаришлар тўғрисидаги ўз таклифларини юкори турувчи тегишли ИТА органлари орқали юборадилар. Бирлашмаларга кирадиган ИТА органлари ўз таклифларини бирлашмаларнинг бош органлари орқали юборадилар.

4.3 ИТАДАТ рубрикаторини ўзгартириш тўғрисидаги қарорларни ИТДК қошидаги Таснифлаш бўйича идоралараро комиссия қабул қилади.

Катталик	Бирлик		
	Номи	Белгиланиши	
		Халқаро	Ўзбек
<b>ЎВ АСОСИЙ БИРЛИКЛАРИ</b>			
Узуьлик	метр	M	м
Масса	килограмм	Kg	кг
Вақт	секунда	S	с
Электр токининг кучи	ампер	A	А
Термодинамик харорат	кельвин	K	К
Модданинг миқдори	моль	Mol	моль
Ёруғлик кучи	кандела	Cd	кд
<b>ЎВ ҚЎШИМЧА БИРЛИКЛАРИ</b>			
Текис бурчак	радиан	Rad	рад
Фазовий бурчак	стерадиан	Sr	ср

**МАХСУС НОМЛАРГА ЭГА БЎЛГАН ЎВ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
БИРЛИКЛАРИ**

Катталик	Бирлик			ЎВ асосий ва кўшимча бирликлари орқали ифодалаш
	Номи	Белгиланиши		
		халқаро	Ўзбек	
Частота	герц	Hz	Гц	$c^{-1}$
Куч	ньютон	N	Н	$m \cdot kg \cdot c^{-2}$
Босим	паскаль	Pa	Па	$m^{-1} \cdot kg \cdot c^{-2}$
Энергия	джоуль	J	Дж	$m^2 \cdot kg \cdot c^{-2}$
Кувват	ватт	W	Вт	$m^2 \cdot kg \cdot c^{-3}$
Электр миқдори	кулон	C	Кл	$c \cdot A$
Электр қувватлиги	вольт	V	В	$m^2 \cdot kg \cdot c^{-3} \cdot A^{-1}$
Электр снгими	фарад	F	Ф	$m^{-2} \cdot kg^{-1} \cdot c^4 \cdot A^2$
Электр қаршилиги	ом	$\Omega$	Ом	$m^2 \cdot kg \cdot c^{-3} \cdot A^{-2}$
Электр ўтказувчанлик	сименс	S	См	$m^2 \cdot kg^{-1} \cdot c^3 \cdot A^2$
Магнит индукция оқими	вебер	Wb	Вб	$m^2 \cdot kg \cdot c^{-2} \cdot A^{-1}$
Магнит индукцияси	тесла	T	Тл	$kg \cdot c^{-2} \cdot A^{-1}$
Индуктивлик	генри	H	Гн	$m^2 \cdot kg \cdot c^{-2} \cdot A^{-2}$
Ёрунлик оқими	люмен	lm	лм	кд · ср
Ёригиланлик	люкс	lx	лк	$m^{-2} \cdot кд \cdot ср$
Радионуклиднинг активлиги	беккерель	Bq	Бк	$c^{-1}$
Ионловчи нурланишнинг қабул қилган дозаси	грей	Gy	Гр	$m^2 \cdot c^{-2}$
Нурланишнинг эквивалент дозаси	зиверт	Sv	Зв	$m^2 \cdot c^{-2}$



ГОСТ 7.50-2002

## ДАВЛАТЛАРАРО СТАНДАРТ

---

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича  
стандартлар тизими

### ҲУЖЖАТЛАРНИ КОНСЕРВАЦИЯ ҚИЛИШ

Умумий талаблар

Стандартлаштириш, метрология ва сертифицирлаштириш  
бўйича давлатлараро кенгаш

Минск

346

### Сўз боши

1 Россия миллий кутубхонаси, Россия давлат кутубхонаси, Россия давлат гуманитар университети Илмий кутубхонаси ва «Илмий-техник ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши» ДТҚ 191 Стандартлаштириш бўйича давлатлараро техник қўмита томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

Россия Давстандарти томонидан КИРИТИЛГАН

2 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш томонидан ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН (2002 йил 5 мартдаги 2-сон баённома)

Қабул қилиш учун овоз берганлар:

Давлат номи	Стандартлаштириш бўйича миллий орган номи
Озарбайжон Республикаси	Оздавстандарт
Арманистон Республикаси	Армдавстандарт
Беларусь Республикаси	Беларусь Республикаси Давстандарти
Қозонистон Республикаси	Қозонистон Республикаси Давстандарти
Қирғизистон Республикаси	Қирғизстандарт
Молдова Республикаси	Молдовастандарт
Россия Федерацияси	Россия Давстандарти
Тожикистон Республикаси	Тожикистандарт
Туркменистон	«Туркменстандартлар» Бошдавхизмати
Ўзбекистон Республикаси	Ўздавстандарт
Украина	Украина Давстандарти

3 Россия Федерацияси Стандартлаштириш ва метрология бўйича давлат қўмитасининг 2002 йил 5 июндаги 232-сон қарори билан ГОСТ 7.50-2002 давлатлараро стандарти бевосита Россия Федерациясининг Давлат стандарти сифатида 2003 йил 1 январдан амалга киритилган.

4 ГОСТ 7.50-90 ЎРНИГА

## ДАВЛАТЛАРАРО СТАНДАРТ

---

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича  
стандартлар тизими

### ҲУЖЖАТЛАРНИ КОНСЕРВАЦИЯ ҚИЛИШ

Умумий талаблар

System of standards on information, librarianship and publishing.  
Document conservation. General requirements

---

Жорий этиш санаси 2003-01-01

#### 1 Қўллаш соҳаси

Ушбу стандарт ҳужжатларни консервация қилиш, шу жумладан сақлаш тартибига, стабилизация қилиш, реставрация қилишнинг технологик жараёнларига, нусхалар тайёрлаш ва бунда фойдаланиладиган материалларга қўйиладиган умумий талабларни белгилайди.

Ушбу стандарт коғоз, тери, пергаментда ёзилган ҳужжатларга тааллуқли.

Стандарт барча турдаги кутубхоналар ва илмий-техник ахборот органлари учун мўлжалланган.

#### 2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда куйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

ГОСТ 7.65-92 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Кино ҳужжатлари, фото ҳужжатлари ва микрошакллардаг ҳужжатлар. Архивда сақланишига қўйиладиган умумий талаблар

ГОСТ 12.1.004-91 Система стандартов безопасности труда. Пожарная безопасность. Общие требования

ГОСТ 12.1.008-76 Система стандартов безопасности труда. Биологическая безопасность. Общие требования

ГОСТ 12.1.014–84 Система стандартов безопасности труда. Воздух рабочей зоны. Метод измерения концентраций вредных веществ индикаторными трубками

ГОСТ 12.1.028–76 Система стандартов безопасности труда. Респираторы ШБ-1 «Лепесток». Технические условия

ГОСТ 12.1.041–2001 Система стандартов безопасности труда. Средства индивидуальной защиты органов дыхания фильтрующие. Общие технические требования

ГОСТ 618–73 Фольга алюминиевая для технических целей. Технические условия

ГОСТ 1562–69 Сыромьять. Технические условия

ГОСТ 2067–93 Клей костный. Технические условия

ГОСТ 3252–80 Клей мездровый. Технические условия

ГОСТ 4194–88 Картон электроизоляционный для трансформаторов и аппаратов с масляным заполнением. Технические условия

ГОСТ 5773–90 Издания книжные и журнальные. Форматы

ГОСТ 7933–89 Картон потребительской тары. Общие технические условия.

ГОСТ 7950–77 Картон перешлетный. Технические условия

ГОСТ 9254–77 Газеты. Размеры

ГОСТ 9347–74 Картон прокладочный и уплотнительные прокладки из него. Технические условия

ГОСТ 9569–79 Бумага парафинированная. Технические условия

ГОСТ 10354–82 Плёнка полиэтиленовая. Технические условия

ГОСТ 18992–80 Дисперсия поливинилацетатная гомополимерная грубодисперсная. Технические условия

ГОСТ 20836–75 Кожа техническая. Технические условия

ГОСТ 2411–80 Картон для радиозондов. Технические условия

### 3 Умумий қоидалар

3.1 Хужжатларни консервация қилиш сақлаш тартиби, стабилизация қилиш, реставрация қилиш ва нусхалар тайёрлаш орқали уларнинг бутлигини таъминлайди.

3.2 Хужжатларнинг ноёблиги, тарихий-маданий аҳамияти, ҳолати ва улардан тез-тез фойдаланишга мувофиқ устуворлигини белгилаган ҳолда хужжатлар консервация қилинади.

3.3 Хужжатлар консервациясини махсус тайёргарликка эга бўлган шахслар бажаради.

#### 4 Хужжатларни сақлаш тартиби

4.1 Хужжатларни сақлаш тартиби ёруғлик, ҳарорат-намлик ва санитария-гигиена тартибларининг норматив параметрларини сақлашни таъминлайди. (А-Г иловалар)

4.2 Ёруғликда сақлаш тартиби

4.2.1 Хужжатлар қоронғиликда ёки тарқоқ ёруғлик билан ёритилган ҳолда сақланади. Хужжатларни куёшнинг тик нурлари билан ёритилишига йўл қўйилмайди.

4.2.2 Сақлаш чоғида хужжатлар юзасида ёритилганлик нормаси 75 лк дан, кўргазмага қўйилганда кўрик пайғида 150 лк дан кўп бўлмайди.

4.2.3 Ёруғлик манбалари тўлқин узунлиги 400 нм дан кам бўлмаган ва 760 нм дан кўп бўлмаган оптик нурланишни таъминлаши керак.

4.2.4 4.2.1-4.2.3 бўйича нормаларга риоя этиш ёпиқ ҳолда ишланган ёритгичлардан фойдаланиш ва ҳар хил турдаги ёруғликдан ҳимояловчи қурilmаларни қўллаш орқали таъминланади.

4.2.5 Ёритиш учун ультрабинафша нурланишдан ҳимояловчи ва иссиқлик ютувчи фильтрли лампалар ёки оптик-толали ёритиш тизимларидан фойдаланиш керак.

4.2.6 Ёритгичлардан хужжат юзасигача бўлган масофа 0,5 м дан кам бўлмайди.

4.2.7 Ёритгичларнинг конструкцияси ёнғин жихатдан хавфсиз бўлиши ва лампанинг тушиб кетиши ва механик шикастланишдан сақлаши керак.

4.2.8 Кўргазмага қўйилган вақтда ёруғлик асбобларини витрина ичига ўрнатишга йўл қўйилмайди. Келувчилар йўқлигида витриналари ёруғлик ўтказмайдиган пардалар билан ёпилади.

4.2.9 Иккита ёнма-ён стандарт китоб жавонларини ёритиш учун алоҳида узгич ўрнатилади.

4.2.10 Хужжатлар сақланадиган хонага киришдан олдин барча ёритиш манбалари ва электр ускуналари ўчирилганлигини кўрсатувчи индикаторли узгич ўрнатилади.

4.3 Ҳарорат-намлик тартиби

4.3.1 Сақланадиган жойда ҳаво эркин айланиши, ҳаво оқими тўхтаб қоладиган зоналарнинг юзага келишига йўл қўймаслик керак.

4.3.2 Хужжатлар сақланадиган хоналарда ҳаво ҳарорати  $(18\pm 2)^{\circ}\text{C}$ , нисбий намлик  $(55\pm 5)$  фоиз, пергамент ва терига ёзилган хужжатлар учун ҳавонинг нисбий намлиги  $(60\pm 5)$  фоиз.

4.3.3 Ҳарорат-намлик тартиби ҳавони кондициялаш тизими ёки иситиш-шамоллатиш воситалари ёрдамида тартибга солинади. 1 соатда ҳавони алмаштириш карралилиги: оқим — 1,0, ҳавони тортиб чиқариш — 1,0.

4.3.4 Ҳавони кондициялаш ва кирувчи-чиқувчи шамоллатиш тизимлари билан жиҳозланмаган, омборхона учун мўлжалланган хоналарда ҳаво ҳарорати ва намлиги рационал равишда шамоллатиш, иситиш ва назорат-ўлчов асбобларининг кўрсаткичларига амал қилиниб, техник воситаларни қўллаган ҳолда нормага келтирилади.

4.3.5 Ҳавонинг ҳарорати ва намлиги ҳафтада икки-уч марта кеча кундузнинг бир вақтида, тартиб бузилган ҳолларда — ҳар куни назорат қилинади ва қайд этилади.

4.3.6 Ўлчов асбоблари ҳар бир хонанинг асосий йўлагига жойлаштирилади ва ҳар бир тарафида иситиш ва шамоллатиш тизимларидан узоқда, полдан ( $1,4 \pm 0,1$ ) м масофада жойлаштирилади.

4.3.7 Ҳужжатлар сақланадиган ёпик жавонлар ва сейфлар ҳафтада камида бир марта шамоллатилади.

4.3.8 Бир хонадан ҳарорат ва намлик параметрлар билан фарқланадиган бошқа хонага жойлаштириладиган ҳужжатлар иқлимга мослаштирилади.

4.3.9 Ўлчов асбоблари уларга қўйиладиган техник талабларга мувофиқ қиёсланади.

#### 4.4 Санитария-гигиена тартиби

4.4.1 Ҳужжатлар сақланадиган хонанинг ҳавосидаги зарарли аралашмалар концентрацияси 1-жадвалда келтирилган санитария нормаларига мос келиши керак.

1-жадвал. Ҳавода зарарли аралашмаларнинг рухсат этилган чегаравий концентрацияси

Аралашманинг номи	Концентрация мг/м <sup>3</sup>	
	максимал бир кунлик	ўртача бир кеча-кундузлик
Олтингургурт ангидриди	0,500	0,05
Азот икки оксиди	0,085	0,04
Хлор	0,100	0,03
Чанг	0,500	0,15
Қурум	0,150	0,05
Ҳаводаги моддалар	0,500	0,05

4.4.2 Хужжатлар сақланадиган хонадаги хавонинг сифати мунтазам равишда текширилади. Хужжатлар сақланадиган хонанинг хавоси таркибида зарарли аралашмалар миқдорини баҳолаш методлари ГОСТ 12.1.014га мувофиқ.

4.4.3 Хужжатлар сақланадиган хоналарда хужжатлар билан ишлашга тааллуқли бўлмаган предметларнинг бўлишига йўл қўйилмайди.

4.4.4 Янги келиб тушган хужжатлар текширилади ва зарурат бўлса гигиеник ва (ёки) дезинфекция ишлови берилди.

4.4.5 Шикастланган хужжатлар изоляция қилинган хонада текширувдан ўтказилади, тозаланади ва вақтинча сақланади.

4.4.6 Бир-икки йилда камида бир марта гигиеник ишлов берилди.

4.4.7 Микологик ва энтомологик назорат фондларни бир йилда икки марта, зарурат бўлса тез-тез текширувдан ўтказиш орқали амалга оширилади.

4.4.8 Шикастланган хужжатлар изоляция қилинади, махсус хонада дезинфекция ва (ёки) дезинсекцияси ўтказилади (Д илова).

4.4.9 Фонднинг дезинсекцияси ва (ёки) дезинсекцияси хужжатларнинг оммавий биологик зарарланганда ва (ёки) интерьер предметлари ва хонанинг конструкция элементлари шикастланганда ўтказилади (Д илова).

## 5 Хужжатларни стабилизация ва реставрация қилиш

5.1 Хужжатларни стабилизация ва реставрация қилиш шикастланиш характери ва даражасини инобатга олган, хужжатларнинг аслик белгиларини максимал равишда сақлаган ҳолда ва фойдаланиш учун қийинчиликлар юзага келтирмасдан амалга оширилади.

5.2 Хужжатларни стабилизация ва реставрация қилиш бўйича ишлар тўғрисидаги маълумотлар реставрация паспорти ёки технологик дафтарда қайд этилади.

5.3 Стабилизация ва реставрация қилишда қўлланиладиган методлар ва материаллар хужжатлар учун зарарсиз бўлиши, жараёнларнинг ортга қайтарилиши, хужжатлар фойдаланиш хусусиятларининг сақланишини таъминлаши керак. Материаллар рН нинг куйидаги қийматига эга бўлиши керак: қоғоз — 6,0—8,5; тери — 4,5—6,0; пергамент — 7,0—8,0; бошқа материаллар — 6,0—8,0 (Е илова).

## 5.4 Хужжатларни стабилизация қилиш

5.4.1 Хужжатларни қоғозда физик-кимёвий, биологик ва механик омилларга нисбатан стабилизация қилиш индивидуал ва оммавий методлар билан амалга оширилади.

5.4.1.1 Хужжатларни физик-кимёвий, биологик ва механик омилларга нисбатан стабилизация қилиш металл ионларини комплекс ҳосил қилувчи бирикмалар билан блокировка қилиш ва матн (тасвир) ёзиш учун фойдаланилган материал хусусиятига кўра кислоталиқни 6,0—8,5 рН гача суюқ ва газ фазасидаги кучсиз ишқор композициялар билан нейтраллаш орқали (1,0—3,0) фоизли ишқор резерв ҳосил қилган ҳолда амалга оширилади.

5.4.1.2 Замбуруғ билан шикастланган хужжатларга нисбатан стабилизация қилиш замбуруғга қарши бирикмалардан фойдаланиб, амалга оширилади ва 10,0 фоиздан кўп бўлмаган намлик ҳажмини таъминлайдиган ишлов берилади.

5.4.2 Физик-кимёвий, биологик ва механик омилларга нисбатан тери ва пергаментдаги хужжатларни стабилизация қилиш индивидуал методлар билан амалга оширилади.

5.4.2.1 Физик-кимёвий ва механик омилларга нисбатан теридаги хужжатларни стабилизация қилиш снгил ишқорли композициялар (суюқ муҳитда), металл ионларини комплекс ҳосил қилувчи бирикмалар билан 4,5-6,5 рН гача блокировка қилиш, нам ютишлиқни 5 фоиз — 6,0 фоизгача ва намлик чиқаришни 4 фоиз — 5,0 фоизгача камайтириш учун ёғ композициялари билан ишлов бериш орқали кислоталиқни нейтраллаш бажарилади.

5.4.2.2 Физик-кимёвий ва механик омилларга нисбатан пергаментдаги хужжатларни стабилизация қилиш узоқдан намлантириш ва ёғ эмульсияси билан ишлов бериш орқали намлик ҳамда ёғ таркибини оширган ҳолда амалга оширилади.

5.4.2.3 Замбуруғлар билан шикастланишга нисбатан хужжатларни стабилизация қилиш замбуруғга қарши бирикмалардан фойдаланилган ҳолда бажарилади.

5.4.3 Механик омилларга нисбатан хужжатларни стабилизация қилиш 5.4.1.1, 5.4.1.2, 5.4.2.1—5.4.2.3-бандлар бўйича олдинда ишлов берилган ҳолда фазали сақлаш, инкапсуляция ва монтаж қилиш орқали амалга оширилади.



## **5.5 Ҳужжатларни реставрация қилиш**

5.5.1 Ҳужжатлар дастлабки шаклини қайта тиклаш, тозалаш ва зарурийлик ва етарлилик припипларига риоя қилган ҳолда, мустаҳкамлаш орқали реставрация қилинади.

5.5.2 Қиритмалар ташқи белгилари ва материалга кўра ахборот элтувчига мос келиши, шунингдек ҳужжатнинг узоқ муддат хизмат қилишини таъминлаши керак.

5.5.3 Ламинация методи орқали реставрация қилишдан олдин 5.4.1.1, 5.4.1.2-бандларга мувофиқ ҳужжатни стабилизация қилиш шарт.

5.5.4 Пергаментдаги ҳужжатлар узоқдан намлиантириш методи орқали унинг намлик таркибини тиклаш орқали реставрация қилинади.

## **6 Ҳужжатларнинг нусхаларини тайёрлаш**

6.1 Ҳужжатлар нусхаларини тайёрлаш фото-, микро-, ксеронусха қилиш методлари орқали ҳамда электрон технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Нусхаларнинг экземплярлар сони ГОСТ 7.65 га мувофиқ.

6.2 Фото-, микро-, ксеронусха методлари орқали ҳужжатларнинг нусхаларини тайёрлаш бир маргадан ошмаслиги керак.

6.3 Кейинги нусха олиш нусхадан амалга оширилади.

6.4 Нусха олишда ҳужжатларнинг механик шикастланишига йўл қўйилмайди.

**А илова**  
(тавсия этиладиган)

**Хужжатларни сақлаш учун хоналар**

А.1 Кутубхоналарнинг янги биноларини қуриш учун жой, уларни жиҳозлаш, эски биноларни реконструкция қилиш усули ва жиҳозлаш амалдаги қурилиш нормаларига мувофиқ танланади.

А.1.1 Хужжатлар сақланадиган бино ва хоналарнинг режаси – оқдидан таъмирлаш тартиби белгиланган ҳодаларга мос келиши керак.

А.1.2 Хужжатлар сақланадиган хоналар маъшиий, ишлаб чиқариш, омбор, лаборатория хоналаридан изоляция қилинган ҳамда улар билан умумий шамоллатиш йўли бўлмаслиги керак.

А.1.3 Хужжатлар сақланадиган хоналарда сув таъминоти, канализация, шунингдек сувни технологик чиқариш қувурлари бўлишига йўл қўйилмайди.

А.1.4 Хужжатлар сақланадиган хоналар устида, тагида ва улар билан тутаиш бўлган, вентиляция ускунасини ўрнатиш учун мўлжалланган хоналар, вибрация манбалари ҳисобланган насос қурилмали бойлер, компрессор, совитувчи ва бошқа машиналар бўлишига йўл қўйилмайди.

А.2 Хужжатлар уларни сақлаш тартибини таъминловчи техник воситалар билан жиҳозланган хоналарда сақланади.

А.2.1 Хужжатларни қабул қилиш, вақтинча сақлаш, иклимга мослаштириш ва дезинфекция қилиш учун изоляция қилинган махсус хоналардан фойдаланилади.

А.3 Бино ва хоналар фавқулодда вазиятлар юзага келадиган ҳолларда ГОСТ 12.1.004 бўйича махсус воситалар билан жиҳозланади.

А.3.1 Хужжатлар сақланадиган ҳар бир хонада фавқулодда вазиятлар юзага келган ҳолларда ходимлар ва хужжатларни тезкор эвакуация қилиш режаси бўлиши лозим.

А.3.2 Хужжатлар сақланадиган бино ва хоналар ёнғин ва қўриқлаш сигналзацияси ҳамда ёнғин ўчириш тизими билан жиҳозланади.

А.3.3 Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун оқимли-тортувчи шамоллатиш, хавони кондициялаш тизимини автомат тарзда ўчиши ва тутун чиқариб ташлаш тизимининг уланиши назарда тутилмиши керак.

А.3.4 Авария чиқиш йўллари ичкаридан осон очилиши керак.

А.3.5 Хужжатлар сақланадиган хонанинг ҳар бир бўлими алоқа воситалари билан жиҳозланади.

## ГОСТ 7.50-2002

А.4 Хужжатлар сақланадиган хоналар металл ва (ёки) ёғоч стационар ва (ёки) кўчма ёнғинга қарши биологик ҳимояланган стеллажлар, жавон ҳамда сейфлар билан жихозланади.

А.4.1 Хужжатлар сақланадиган кутубхона ускунаси зарарсиз қопламага эга бўлиши керак.

А.4.2 Стеллажлар дераза ўрнатиладиган жой ва иссиқлик тизими элементлари бўлган деворларга нисбатан перпендикуляр равишда дераза ва иссиқлик манбаларидан 0,6 м дан кам бўлмаган масофада ўрнатилади.

А.4.3 Хоналар конструкцияси стеллаж ва элементлари йўлақлар билан бўлинади. Йўлақ қуйидаги кенгликдан кам бўлмаслиги керак:

стеллажлар ораси — 0,75 м;

стеллажлар қирралари ораси (асосий йўлақ) — 1,20 м;

девор ва деворга параллел стеллаж ораси — 0,75 м;

девор ва стеллаж қирраси ораси — 0,45 м.

А.4.4 Полдан стеллажнинг пастки токчасигача бўлган масофа 0,15 м дан кам, цокол қавагларда 0,30 м дан кам бўлмаслиги керак.

**Б и л о в а**  
(тавсия этиладиган)

**Хужжатларни жойлаштириш**

Б.1 Хужжатлар тоқчадан осон олинадиган қилиб жойлаштирилади.

Б.1.1 Эркин жойлаштиришда китоб ушлаб турувчи мосламалардан фойдаланилади.

Б.1.2 Фазали сақлашда жойлаштириш ва тўлдириш зичлиги контейнерларнинг эркин ҳаракатланишини таъминлаши керак.

Б.1.3 Хужжатдан тоқчагача бўлган масофа 0,02 м дан кам бўлмаслиги керак.

Б.2 Хужжатлар стеллажларда, жавонларда ва сейфларда вертикал ёки горизонтал ҳолатда сақланади.

Б.2.1 ГОСТ 5773 га мувофиқ муковаланган хужжатлар пастки қисмда вертикал ҳолатда сақланади.

Б.2.2 ГОСТ 9254 га мувофиқ ўлчамдаги газеталар ва баландлиги бўйича 0,41 м дан ошиб кетувчи ностандарт ўлчамдаги хужжатлар горизонтал ҳолатда сақланади. Уюм баландлиги 0,20 м дан кўп бўлмаслиги керак.

Б.2.3 Хужжатлар стеллаж тоқчаси чегарасидан чиқиб турмаслиги керак.

Б.2.4 Кўчма стеллажларда ихчам сақланадиган хужжатлар формат бўйича жойлаштирилади. Хужжатнинг кенлиги бир томонлама жойлаштиришда 0,20 м дан ошмаслиги ва икки томонлама жойлаштиришда — 0,42 м дан ошмаслиги керак.

Б.3 Кичик ҳажм ва (ёки) форматдаги хужжатлар, шунингдек ўрамлар, тикилиши шарт бўлмаган хужжатлар, нодир, пергамент қўлёзмалар турли кўриниш, шакл ва ўлчамдаги контейнерларда сақланади.

Б.3.1 Хужжатлар сақланадиган контейнерлар зарарсиз материаллардан тайёрланади.

Б.4 Хужжатларни транспорт қилинадиган идишда, штабелларда сақлаш, полга, дераза олдига, зина майдончасига ва ушбу мақсадлар учун мўлжалланмаган бошқа жойларга тахлаш мумкин эмас.

**В илова**  
(тавсия этиладиган)

**Фавқулодда вазиятлар ҳолатида ҳатти-ҳаракатларни  
режалаштириш**

В.1 Фавқулодда вазиятлар ҳолатида ҳатти-ҳаракатларнинг режасини таркибига кутубхона дирекцияси ва асосий хизматлар вакиллари, фонд бошликлари кирадиган махсус тузилган ишчи гуруҳ тузади. Режани кутубхона директори тасдиқлайди. Режа мунтазам равишда тузатиб турилади.

В.2 Режани тузишда кутубхона жойлашган район хусусиятлари, кутубхона биносининг ҳолати ва конструкциясининг хусусиятлари билан боғлиқ бўлган фавқулодда вазиятларнинг мумкин бўлган сабаблари инобатга олинади.

В.3 Режани тузишда кутубхонанинг фавқулодда вазиятларини мустақил уддалай олиш ва четдан ёрдам олиш имкониятлари белгиланади.

В.4 Режада куйидаги ҳатти-ҳаракатлар назарда тутилади: фавқулодда вазиятлар ва уларнинг оқибатларини тугатиш даврида профилактик, тайёргарлик (реал фалокат хавфи бўлганда).

В.5 Режа аниқ ҳатти-ҳаракатларнинг ижрочилари ва масъул шахсларнинг рўйхати, уларнинг манзили ва телефон рақамларини ўз ичига олади.

В.6 Режанинг иловасида ишларни ташкил этиш бўйича йўриқнома; кутубхона биносининг биринчи навбатда кутқариладиган ҳужжатларнинг жойлашган ўрни кўрсатилган қаватлар режаси; фондни кутқаришда зарур бўладиган материал ва ускуналар рўйхати; фалокат юзага келганда четдан жалб этиладиган ташкилот ва шахслар рўйхати, уларнинг манзили ва телефон рақамлари бўлиши зарур.

**Г илова**  
(тавсия этиладиган)

**Хужжатларни сақлаш тартибини назорат қилиш  
ва таъминлаш воситалари**

Г.1-жадвал

Номи	Вазифаси, хусусиятлари	Тайёрловчи мамлакат
1 АРТ 06912 <sup>1)</sup> туридаги термометр- гигрометр	Хонадаги ҳароратни ва ҳавонинг нам- лигини ҳамда максимал ва минимал қийматларининг хотираси билан хона- нинг ташқарисидаги ҳаво ҳароратини ўлчаш	Швеция
2 ИВА-6А <sup>2)</sup> туридаги термо- гигрометр	Ҳавонинг ҳарорати ва намлигини ўлчаш учун чиқариладиган датчикли автоном кўчма асбоб	Россия
3 ИВА-6Б <sup>2)</sup>	64 тагача асбобни улаш билан IBM РС билан мослашадиган ҳавонинг ҳарорати ва намлигини ўлчаш учун шчит кўринишида бажарилган асбоб	Россия
4 Универсал термогигрограф (думалоқ бара- банли)	Бир, етти ва ўттиз кеча-кундуз ичида ўлчашрежимига эга ҳавонинг ҳарорати ва намлиги мониторинги	Германия
5 TESTO-601 термогигрометри	Ясси юзалар ҳарорати ва намли- гини ўлчаш учун қилишсимон дат- чикли, максимал ва минимал қиймат- ларининг хотираси функцияси ҳамда қийматларни сақлаш логгерига эга ҳавонинг ҳарорати ва намлигини ўлчаш учун мўлжалланган тез ишла- диган юқори аниқликдаги асбоб	Германия
6 ТКА 01/3 <sup>3)</sup> оптик нурланиш ўлчагичи	Умумий ёруғлик фони, ультраби- нафша нурланиш интенсивлиги ва турли ёруғлик манбаларидан унинг умумий ёруғлик фонидаги улуши	Россия

7 Стандарт (суюкликлар учун) ва ясси (қоғозлар учун) электродлар билан портатив рН – метр	Қоғоз ва бошқа материалларнинг кислоталилигини ўлчаш	Германия
8 АН 112 – Д4) туридаги хавонинг намлагичи	350 м <sup>3</sup> гача бўлган хоналардаги намла-ниш ва бир вақтнинг ўзида тозалаш	Германия
9 Хавонинг куригичи <sup>4)</sup> :	Қуйидаги ҳажмли хоналардаги хавони куригиш	Германия
7228 D3	100 м <sup>3</sup>	
7296 D3	200 м <sup>3</sup>	
7340 M3	600 м <sup>3</sup>	
10 Хавони кон-дициялаш учун марказлаштирил-ган тизим	Хонада хавонинг доимий ҳарорати ва намлигини таъминлаш	
11 Хавонинг рост-ланадиган пара-метрлари билан оқимли -- тор-тувчи шамолла-тиш тизими	Хонага ҳарорат ва намликнинг берил-ган қийматлари билан тозаланган хавонинг берилиши	
12 Чапгютгич:		
“Rainbow” тури-даги сув филь-трли	Ҳаво ва юзаларни чапгдан тозалаш	Англия, Гер-мания
мато фильтрли	Юзаларни чапгдан тозалаш	Россия

1) “РУСТЕРМ” МЧЖ савдо ваколатхонаси орқали етказиб бериш

2) “СЭНТЕМ” МЧЖ орқали харид қилиш

3) “ТКА” ИИК

4) Хавони намлагич ва куригич комплекта ишлатилади.

**Дилова**  
(тавсия этиладиган)

**Биоомил билан курашиш усуллари**

**Д.1 Хужжатларни дезинфекция қилиш**

Д.1.1 Қоғоздаги хужжатларни дезинфекция қилиш куйидагича амалга оширилади:

- фойдаланишга рухсат этилган биоцидлар билан герметизация қилинган камерада фумигация ёрдамида;
- юкори частотали токлар билан электромагнит майдонда ишлов бериш;
- GT метатиннинг, PSPC-82 асимасайднинг, полигексаметиленгуанидин ҳосилаларининг сувдаги эритмалари билан кўлда ишлов бериш.

Д.1.2 Теридаги хужжатларни дезинфекция қилиш GT метатиннинг сувдаги эритмаси ёки тимолнинг спиртли эритмаси билан; пергаментдаги хужжатларни дезинфекция қилиш — тимолнинг спиртли эритмаси билан кўлда амалга оширилади.

Д.1.3 Хоналар ва кутубхона жиҳозларини дезинфекция қилиш полигексаметиленгуанидин ёки катамин ҳосилаларининг сувдаги эритмалари билан бажарилади.

**Д.2 Хужжатларни дезинсекция қилиш**

Д.2.1 Хужжатларни дезинсекция қилиш куйидагича амалга оширилади:

- механик усул билан тозалаш воситасида;
- герметизация қилинган камсрада парадихлорбензол билан фумигация кимёвий усули ёрдамида.

Д.2.2 Хоналарни дезинсекция қилиш куйидагича амалга оширилади:

- чанглотгич билан тозалаш воситасида, ёлғон см ва тузоқлардан фойдаланиш усули орқали;
- турар жой хоналарида фойдаланиш учун рухсат этилган синтетик пиретроидлар классдаги инсектицидлар ёки бошқа препаратлар билан ишлов бериш воситасида кимёвий усул орқали.

Изох — Хужжатлар инсектицидлар билан бевосита алоқада бўлмаслиги керак.



ГОСТ 7.50-2002

### **Д.3 Хавфсизлик техникаси**

Д.3.1 Индивидуал химоя ва хавфсизлик воситалари ГОСТ 12.1.008, ГОСТ 12.4.028, ГОСТ 12.4.041 бўйича.

Д.3.2 Хужжаларни дезинфекция ва дезинсекция қилиш бўйича ишлар тартиби тайёрловчи — корхонанинг тасдиқланган йўриқномаларига мувофиқ.

**Е илова**  
(тавсия этилаидиган)

**Реставрация материаллари, хужжатларни стабилизация қилиш  
ва расмийлаштириш воситалари**

**Е.1 Хужжатларни реставрация қилиш ва муқовалаш учун асосий  
материаллар:**

**Е.1.1 Елим;**

- ун елими;
- крахмал елими;
- ГОСТ 2067 бўйича суюқ елими;
- ГОСТ 3252 бўйича питирёғ елими
- осетр елими;
- пергамент елими;
- желатин асосидаги елим;
- поливинил спирт асосидаги елим;
- целлюлозанинг эрувчан эфирлари асосидаги елим;
- ГОСТ 18992 бўйича поливинилацетат пластифицирланган юкори

даражадаги ёпишқок дисперсия.

**Е.1.2 Қоғоз:**

- массаси 9-20г/м<sup>2</sup> ва 50-90 г/м<sup>2</sup> бўлган реставрацияли;
- форзацли.

**Е.1.3 Каргон:**

- ГОСТ 7950 бўйича муқовабоп;
- ГОСТ 9347 бўйича Б маркадаги қистирмали;
- ГОСТ 24311 бўйича радиозондли;
- ГОСТ 7933 бўйича хром-эрзац;
- хужжатларни консервация қилиш учун кислотасиз.

**Е.1.4 Тери:**

- ГОСТ 20836 бўйича ўсимлик ошланиши;
- ГОСТ 20836 бўйича хром-ўсимлик ёрдамида ошлаш;
- ГОСТ 1562 бўйича хом тери;
- пергамент.

**Е.1.5 Муқовали композицион материал:**

- нитроцеллюлоза қопламали (ледерин) мато асосидаги муқова материали;
- поливинилхлорид қопламали қоғоз асосидаги муқова материали (бумвинил);
- крахмал — каолин қопламали мато асосидаги муқова материали (коленкор).

## ГОСТ 7.50-2002

### Е.1.6 Полимер плёнка:

- ГОСТ 10354 бўйича юқори босимдаги полиэтилен;
- полиэтилен таг каватли полиэтилентерефталат;
- полиэтилен тагкаватли полиамид.

### Е.1.7 Ёзув воситалари:

- М—2М қаттиқлик даражасига эга қора графит қалам;
- бадий акварель бўёқлари;
- бадий гуашь.

## Е.2 Ёрдамчи реставрация материаллари

### Е.2.1 Қоғоз:

- фильтрлаш;
- ГОСТ 9569 бўйича парафинланган;
- силикон.

### Е.2.2 Жунли ва яримжунли мовут.

### Е.2.3 Кигиз.

### Е.2.4 Синтетик тўр.

### Е.2.5 Полиэтилен плёнка.

### Е.2.6 Листли органик шиша.

### Е.2.7 ГОСТ 618 бўйича алюмин каттик ялтироқ фольга.

### Е.2.8 ГОСТ 4194 бўйича Г маркали электр изоляцияли картон.

## Е.3 Хужжатларни стабилизация қилиш воситалари

### Е.3.1 Композициялар:

— нейтраллаш учун: — кальций, магний, тетраборат натрий карбонатлари асосида;

— оғир металллар ионларини блокировка қилиш учун — динатрий тузининг этилендиаминтетрауксус кислотаси (трилон Б), динатрий тузининг диэтилендиаминпентасирка кислотаси асосида;

— ёғловчи — туёқ мойи, вазелин мойи, ланолин асосида.

Е.3.2 Микроскопик кўзикоривлар билан зарарланишнинг профилактикаси учун бирикмалар:

— GT метатин;

— PS—82 асимасайд.

## Е.4 Хужжатларни безаш учун воситалар

### Е.4.1 Тушь қора суюқ.

### Е.4.2 Титан белила.

### Е.4.3 Қора сиёҳ паста.

---

Асосий сўзлар: хужжатларни консервация қилиш, хужжатларни сақлаш тартиби, хужжатларни стабилизация қилиш ва реставрация қилиш, нусхаларни тайёрлаш, қоғоз, тери, пергамент

---

**ДАВЛАТЛАРАРО СТАНДАРТ**

---

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича  
стандартлар тизими**

**КАТАЛОГ ВА КАРТОТЕКАЛАР УЧУН ВАРАҚЧАЛАР  
НАШРЛАРНИ КАТАЛОГЛАШТИРИШ  
МАЪЛУМОТЛАР ТАРКИБИ, ТУЗИЛИШИ  
ВА НАШРГА ОИД РАСМИЙЛАШТИРИШ**

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш  
бўйича давлатлараро кенгаш  
Минск

**Сўз боши**

1 Матбуот бўйича Россия Федерацияси Давлат кўмитасининг Россия китоб палатаси, «Илмий-техник ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши» ТҚ 191 Стандартлаштириш бўйича техник кўмита томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

Россия Давстандарти томонидан КИРИТИЛГАН

2 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш томонидан ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ (1998 йил 26–28 майдаги 13–98-сон баённома)

Қабул қилиш учун овоз бердилар:

Давлат номи	Стандартлаштириш бўйича миллий орган номи
Арманистон Республикаси	Армдавстандарт
Белоруссия Республикаси	Белоруссия Давстандарти
Қозоғистон Республикаси	Қозоғистон Республикаси Давстандарти
Қирғизистон Республикаси	Қирғизстандарт
Молдавия Республикаси	Молдавастандарт
Россия Федерацияси	Россия Давстандарти
Тожикистон Республикаси	Тожиқдавстандарт
Туркменистон	Туркменистон Бош давлат инспекцияси

3 Россия Федерацияси Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлат кўмитасининг 1998 йил 9 октябрдаги 336-сон қарори билан ГОСТ 7.51–98 давлатлараро стандарти 1999 йил 1 июлдан Россия Федерациясининг бевосита давлат стандарти сифагида амалга киритилди.

4 ГОСТ 7.51–84 ЎРНИГА

© Стандартлар нашриёти НМК, 1998

## ДАВЛАТЛАРАРО СТАНДАРТ

---

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича  
стандартлар тизими**

### **КАТАЛОГ ВА КАРТОТЕКАЛАР УЧУН ВАРАҚЧАЛАР НАШРЛАРНИ КАТАЛОГЛАШТИРИШ МАЪЛУМОТЛАР ТАРКИБИ, ТУЗИЛИШИ ВА НАШРГА ОИД РАСМИЙЛАШТИРИШ**

System of standards on information, librarianship and publishing  
Presentation of cards for catalogues and files Catalogization in publications.  
Content, structure and publishing presentation of data

---

**Жорий этиш санаси 1999—07—01**

#### **1 Қўллаш соҳаси**

Ушбу стандарт каталог ва картотекалар учун варақчаларга (бундан кейин — варақчалар), нашрда келтириладиган аннотацияланган варақча макетига (бундан кейин — АВМ), шунингдек, электрон каталоглар учун маълумотлар таркибига тааллуқлидир.

Стандарт варақчаларда (ҳам анъанавий, ҳам автоматлаштирилган усул билан шакллантириладиган) ва АВМда келтириладиган маълумотларнинг таркиби ва жойлашиш тартибига қўйиладиган умумий талабларни, шунингдек нашрга оид расмиёлаштириш қоидаларини белгилайди.

Ушбу стандарт қоидалари Мустақил ҳамдўстлик давлатлари ҳудудида жойлашган китоб палаталари, кутубхоналар, нашриётлар, илмий-техник ахборот органлари, чоп этишга тайёрловчи ҳамда варақча ва АВМларни босмадан чиқарувчи кутубхона коллекторлари томонидан уларнинг ташкилий-ҳуқуқий тузилмасидан, идоравий тегишлилиги ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, қўлланишга мўлжалланган.

## 2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда қуйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:  
ГОСТ 7.1-84 Библиографическое описание документа. Общие требования и правила составления

ГОСТ 7.9-95 Реферат и аннотация. Общие требования

ГОСТ 7.11-78 Сокращение слов и словосочетаний на иностранных европейских языках в библиографическом описании

ГОСТ 7.12-93 Библиографическая запись. Сокращение слов на русском языке. Общие требования и правила

ГОСТ 21550-76 Карточки информационные картотечные. Технические условия

## 3 Варақча матнини баён қилишга қўйиладиган талаблар

3.1 Варақча матни элементлари

3.1.1 Варақча матни қуйидаги элементлардан иборат:

— библиографик ёзув ёки ҳаволалар ва маълумотли хабарлар;

— варақчага тегишли чикувчи маълумотлар.

3.1.2 Варақчада ушбу стандартда кўрсатилмаган қўшимча маълумотларни келтириш белгиланмайди.

3.2 Библиографик ёзув

3.2.1 Библиографик ёзув элементларини келтиришга қўйиладиган талаблар 1-жадвалда берилган.

1-жадвал. Библиографик ёзув элементларининг таркиби ва жойлашиш тартиби

Библиографик ёзув элементлари	Марказлашган каталоглаштириш, кутубхона ва кутубхона коллекторларининг варақчалари	ИТА органлари варақчалари	Нашрда келтирилган АВМ
Библиографик ёзув сарлавҳаси	М	Ф	М
Библиографик тавсиф	М	М	М



Библиографик ёзув элементлари	Марказлашган каталоглаштириш, кутубхона ва кутубхона коллекторларининг варақчалари	ИТА органлари варақчалари	Нашрда келтирилган АВМ
Библиографик ёзув ва унинг алоҳида элементларининг таржимаси, транскрипцияси ва транслитерацияси	М	Ф	Ф
Аннотация ёки реферат	Ф	Ф	М
Қўшимча библиографик ёзувлар тўғрисида маълумотномалар	М	Ф	Ф
Предметли рубрикалар ёки асосий сўзлар	М	Ф	Ф
Таснифлаш индекслари	М	М	М
Ҳужжат тили тўғрисидаги маълумотлар ва ёки у нашр қилинган мамлакатнинг номи	Ф	Ф	Ф
Муаллифлик белгиси	М	Ф	М
Ҳужжат шифрлари ва кутубхоналар сигллари	Ф	Ф	Ф
Изоҳ — «М» ҳарфи билан библиографик ёзувнинг мажбурий элементлари, «Ф» ҳарфи билан факультатив элементлари белгиланган.			

Ҳужжат тили тўғрисидаги маълумот, у чоп этилган мамлакатнинг номи, муаллифлик белгиси, ҳужжат шифрлари, муассаса ва кутубхона сиглларида ташқари библиографик ёзув элементлари таркиби ва тартиби I-жадвалда кўрсатилган.

Китоб палаталари варақчаларидаги қўшимча библиографик ёзув тўғрисида келтирилган маълумотлар ҳажмини предметли рубрика ёки асосий сўзларни, муаллифлик белгиларини библиография килувчи муассаса белгилаб беради.

3.2.2 Библиографик ёзув сарлавҳаси библиографик тавсифдан олдин ёки унинг устидаги алоҳида қаторга қўйилади.

Марказлашган каталоглаштириш ва нашрда келтириладиган АВМда алоҳида қаторга жойлаштирилади.

3.2.3 Библиографик тавсиф ГОСТ 7.1 талабларига мувофиқ тузилади.

Библиографик тавсифдаги қисқартма сўз ва иборалар — ГОСТ 7.11 ва ГОСТ 7.12 бўйича.

3.2.4 Библиографик ёзув ва унинг алоҳида элементларининг таржимаси, транскрипцияси ва транслитерацияси библиографик ёзувда абзацдан (қўшимча библиографик ёзув тўғрисидаги маълумотлар, предметли рубрикалар ёки таянч сўзлар келтирилгунча) бошланади. Зарур бўлса, бу маълумотлар аннотация ёки реферат, қўшимча библиографик ёзувлар тўғрисидаги маълумот ва предметли рубрикалар ёки асосий сўзлардан кейин хатбошидан бошлаб келтирилади.

3.2.5 Аннотация ёки реферат ГОСТ 7.9 бўйича тузилади ва янги қатордан бошланади.

3.2.6 Қўшимча библиографик ёзувлар тўғрисидаги маълумотлар варақчага асосий библиографик ёзув матнидан кейин хатбошидан бошлаб ёзилади ва рим рақамлари билан белгиланади.

Қўшимча библиографик ёзув тўғрисидаги маълумотларни келтириш тартиби (кетма-кетлиги) ҳамда уларнинг миқдори ҳисобга олинмаган.

3.2.7 Предметли рубрикалар ва асосий сўзлар араб рақамлари билан белгиланади.

Қўшимча библиографик ёзув тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлса, предметли рубрикалар ёки асосий сўзлар маълумотлардан кейин кетма-кет ёзилади, йўқ бўлса, хатбошидан бошлаб ёки бўш оралик — композицияли ёки шрифт билан ажратиб ёзилади.

3.2.8 Таснифлаш индекслари ушбу муассасада (кутубхонада) қабул қилинган таснифлаш тизимларига мувофиқ келтирилади ҳамда варақчадаги матн полосасининг пастки ўнг бурчагида жойлашган бўлади. Библиографик ёзувлар ҳажми катта бўлса, таснифлаш индекслари охириги варақчага ёзилади.

Марказлашган каталоглаштириш варақчаларида таснифлаш индекслари УЎТ (Универсал ўнлик таснифлаш) ва КТБ (Кутубхона-библиографик таснифлаш)ни ўз ичига олади.

Муқова орқа томонининг пастки қисмида ёки нашрнинг охириги саҳифасида келтирилган АВМда «Кутубхона — библиографик таснифлаш Оммавий кутубхоналар учун жадваллар» наشري орқали, «Кутубхона

библиографик таснифлаш. Болалар ва мактаб кутубхоналари учун жадваллар» болалар учун китобларида КБТ таснифлаш индекси жойлаштирилади. УЎТ индекси «Универсал ўлик таснифлаш» наشري орқали келтирилади.

3.2.9 Хужжат тили тўғрисидаги маълумот ва у чоп этилган давлатнинг номи varaқчанинг юқори ўнг бурчагида ёзилади, масалан, нем. тили — Германия.

3.2.10 Муаллифлик белгиси библиографик ёзувнинг чап томонидан иккинчи катор олдидан жойлаштирилади.

Муаллифлик белгиси «Иккиланган муаллифлик белгилари жадвали/ Л.Б.Хавкина» наشري орқали келтирилади.

Автоматлаштирилган харф теришдан фойдаланган ҳолда varaқчаларни тайёрлашда муаллифлик белгиси varaқчанинг матн полосасидаги настки чап бурчақда жойлашади (чиқиш маълумотлари таркибида).

3.2.11 Varaқчаларда хужжатлар шифрлари ҳамда кутубхона ва муассаса сиглларининг жойлашуви ҳисобга олинмаган.

3.2.12 Агар библиографик ёзув битта varaқчага сикмаса, унда унинг матни иккинчи ва кейинги varaқчаларда давом эттирилади. Боғлиқликни йўқотмаслик учун биринчисидан ташқари барча varaқчаларда библиография қилувчи муассаса томонидан белгиланган ҳажмда библиографик тавсиф элементлари келтирилади. Биринчи ва кейинги varaқчаларда, охиригисидан ташқари, матн полосасининг настки ўнг бурчагида белги келтирилади:

Кей.вар.қар. (кейинги varaқчага қаранг).

Барча varaқчалар араб рақамлари билан белгиланади, рақамлар библиографик ёзув устидаги юқори қисм ўртасига қўйилади.

3.3 Varaқчага тааллуқли чиқиш маълумотлари

3.3.1 Varaқчада келтириладиган чиқиш маълумотларининг жойлашиш тартиби ва берилишига қўйиладиган талаблар 2-жадвалда кўрсатилган.

2-жадвал

**Варақчадаги чиқиш маълумотларини келтириш  
ва жойлаштириш тартиби**

Чиқиш маълумотларининг элементлари	Марказлашган каталоглаштириш varaқчалари	Кутубхона ва кутубхона коллекторларининг varaқчалари	ИТИ органлари varaқчалари
Тўлиқ комплектадаги varaқчанинг тартиб рақами	М	Ф	Ф

Чиқиш маълумотларининг элементлари	Марказлашган каталоглаштириш варақчалари	Кутубхона ва кутубхона кол-лекторларининг варақчалари	ИТИ органлари варақчалари
Соҳа ёки мавзули комплект (серия) номери ва номи	М	Ф	Ф
Соҳа ёки мавзули комплект (серия)даги варақчанинг тартиб рақами	М	Ф	М
Қисқартирилган комплектдаги варақчанинг тартиб рақами	М	Ф	Ф
Варақчани тузган ва/ёки чиқарган муассаса (ташкилот)нинг номи	М	М	М
Варақчани тузиш ёки чиқариш санаси	М	М	М
<p><b>Изохлар</b></p> <p>1 «М» ҳарфи билан чиқиш маълумотларининг мажбурий элементлари, «Ф» ҳарфи билан факультатив элементлари белгиланган.</p> <p>2 Варақчага тааллуқли кўрсатилган чиқиш маълумотларидан ташқари варақча матн полосасининг пастки чап бурчагида факультатив тарзда ушбу муассаса (ташкилот)да сақланадиган ҳужжатнинг инвентарь рақами (ёки давлат рўйхатидаш ўтганлиги тўғрисидаги рақам) ҳамда варақчада ўз аксини топгани тўғрисида маълумот келтирилади.</p>			

3.3.2 Чиқиш маълумотлари варақчадаги матн полосасининг пастки чап бурчагида ўз ифодасини топади.

3.3.3 Чиқиш маълумотларининг сана ва рақамлари араб рақамлари билан ёзилади.

3.3.4 Варақчани тузган ва/ёки чиқарган муассаса (ташкилот)нинг номи қисқартирилган шаклда берилади.

3.3.5 Библиографик ёзувнинг иккинчи ва кейинги варақчаларга ўтказилишида чиқиш маълумотлари 2-жадвалга мувофиқ охириги варақчада

берилади. Олдинги varaқчаларда, шунингдек соха ёки мавзули комплект (серия)да тўлик комплектдаги varaқчанинг тартиб рақами кўрсатилади.

3.3.6 Ҳаволалар ва маълумотли хабарлар мавжуд бўлган varaқчаларда ҳавола ёки маълумотли хабар берилган тўлик комплектдаги varaқчанинг тартиб рақамини кўрсатиш зарур. Бундай маълумотлар, одатда, қуйилагича шакл бўйича берилади, масалан: 5018-сон varaқчага.

Бундан ташқари, varaқча номерини кўрсатмасдан соха ёки мавзули комплект (серия) номери кўрсатилади, масалан: Серия 44.

3.3.7 Varaқчаларда расмийлаштириш намуналари Б ва В иловаларда келтирилган.

#### 4 Varaқчаларда расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар

##### 4.1 Varaқча ўлчамлари

4.1.1 Varaқча шакли ва ўлчами гача 125x75 мм ўлчамда бўлиши керак.

4.1.2 Varaқча шакли ва ўлчами тўртмасидаги темир илгак учун тешикни очиш жойи келтирилган параметрларга мос келиши керак.

4.1.3 Varaқчаларда шакли тўртмасидаги темир илгак учун тешик очиш марказлашган қатлаб шаклида — мажбурий, қолганларида — факультатив.

##### 4.2 Varaқчада келтириладиган библиографик ёзувни расмийлаштириш.

4.2.1 Varaқчаларда келтирилган библиографик ёзув маълум ўлчам (формат)даги матн кўришида катор узунлиги 5,5 квадрат тарзида ёзилади.

4.2.2 Varaқчада матн полосасининг жойлапиши хошиялар ўлчамларига қараб белгиланади:

10—15 мм — юқоридаги хошия учун;

17—20 мм — чап хошия учун;

5 мм — ўнг хошия учун.

Пастки хошия библиографик ёзувнинг ҳажмига боғлиқ бўлиб, ҳар хил бўлиши мумкин, лекин 3 мм дан кам бўлмаслиги керак.


Ўзига хос ёзувга эга тилларда (арабча, иероглифик ва бошқа.) тузилган varaқчаларда чап хошиянинг ўлчами 30 мм гача бўлишига йўл қўйилади.

4.2.3 Ҳавола ва сўров маълумотлари мавжуд бўлган varaқчалар учун ҳам матн полосаси формати ва хошияларнинг ўлчами худди шундай.

4.2.4 Varaқчаларнинг четларидан ҳужжат тили тўғрисидаги маълумот, у чоғ этилган давлатнинг номи, муаллифлик белгиси, ҳужжатлар шифрлари ҳамда кутубхона ва муассасаларнинг сиглларини ёзиш учун фойдаланилади.

**А илова**  
(маълумот учун)

**Каталог ва картотекалар учун варақчанинг ўлчами  
ва йўл қўйилиши**



**Билова**  
(маълумот учун)

**Марказлашган каталоглаштириш варақчаларини  
расмийлаштириш намуналари**

**Россия Федерацияси Конституцияси:** Сав. ва жавоблар / [Е.А. Данилов ва бош.]. — М.: Юрид. ад., 1994. — 125, [2] с;

21 см.;

ISBN 5 — 7260 — 0759 — X: Б. н.; 50000 нусха.

1. Данилов, Евгений Алексеевич. — 1. Россия Федерацияси Конституцияси. 2. Россия Федерацияси Давлат ҳукуки.

№ 21842

УЎТ 342.4 (470)(076.2)

8 № 759 №8560 [94 — 28868] п оф

ББК 67.99(2Рос)01

© Рос.кит.палат. 19.12.94 К65

«Книжная палата» нашр.



**Даль, Владимир Иванович.**

Рус халқи мақоллари: В. Даль Тўпл.: 3 ж. — М.:

Рус. кит.: Давл. фирмаси. «Полиграфресурсы», Б.г. — 14 см —  
(Жоши рус сўзи).

ISBN 5 — 268 — 01086 — 7 (Рус. кит.) ( ): Б. н., 45000 нусха.

1-Ж. — 1994. — 637,[1] с.: портр. — ISBN 5— 268— 01430—7  
(Рус. кит.)

— 1. Рус мақол ва маталлари (б.а).

№ 21904

УЎТ 882-8 + 398.9(=82)

58 № 5145 № 8575 [94— 28876]

ББК 82.3(2Рос-Рус)-6

© Рос.кит.палат. 19.12.94 Д15

«Книжная палата» нашр.



**Лажечников, Иван Иванович.**

Асарлар: [6 Ж.] / И.И. Лажечников. - Можайск: ТТО «Можайск — Терра», 1994 — 21 см.: 1994 — 21 см.

ISBN 5 — 7542 — 0001 — 3

4-Ж.: Муз уй: Роман—1994. — 350б.: портр. — ISBN 5 — 7542—0005 — 6 (тарж.): Б. ц., 10000 нусха.

— 1. Россия, 18 аср. (4-ж)(б.а).2. Тарихий роман ва ҳикоялар (б.а)

№ 316 УЎТ 882 Лажечников 2 + 882-31 Лажечников  
55 № 22 № 66 [94— 30878] п оф ББК 84(2Рос-Рус)1  
©Рос.кит.палат. 11.01.95  
«Книжная палата» нашр.

**Нивен, Ларри.**

Империя осколкаси:[Тўплам] / Ларри Нивен; [Ингл. тил. С. Мироллюбов ва б. тарж.; Расс. А.Куташов]. — СПб.:

Шимол — Ғарб, 1994. — 637, [2] с.: ил.; 22 см.

Мазм.: Ердан Совға: Роман; Ҳикоялар: ўзгача юрив-чи югуриши; Лефиаван; Қўлдаги читтак. Вақт машинасидаги бўри; Камерадаги ўлим; Телба оломон; Шиша ханжар сири; Нейтрон юлдуз; Империя осколкаси, ва б.

ISBN 5 — 8352 — 0352-7 (тарж.): Б. ц., 20000 нусха.

— 1. Илмий-фантастик роман ва ҳикоялар (б.а)

№ 317 УЎТ820(73)-31Нивен  
55 № 23 № 67 [94— 31074] п оф ББК 84(7АҚШ)  
© Рос.кит.пал.11.01.95 Н601  
«Книжная палата» нашр.





**Пайпс, Ричард.**

Рус инкилоби: [3ж.: Муаллифлашт. инг. тарж.]. — М.: Росспэн, 1994  
— 22 см.

Нашр тарж. The Russian revolution / Richard Pipes (New York, 1990).

ISBN 5—86004—018—0.

К.1. 1994. — 397, [1] б. — Библиогр. изоҳ.: 370-391б.

— Пом кўрс.: 392 — 397 б. — ISBN 5—86004—019—9 (тарж.): Б. ц.,  
5000 нусха.

— 1. Россиядаги инкилобий ҳаракатлар — Тарих, 20 аср.

2. Россия — Тарих, 20 аср.

№ 21834

УЎТ [947+957] «1905/1917»

3 № 554 [94—28964] п оф

ББК 63.3(2)52

© Рос.кит.пал. 19.12.94 П

«Книжная палата» нашр.



**Бизнес-харита—94:** [Соҳа: Маълумотнома: 35 кит.]. — М.: Бизнес—  
харита, 1994 — 21 см.

Муқовада фақат китобцинг сарлавҳаси.

[КИТ. 21]: Кимё ва нефть — кимё саноати; Кокс, нефть ва газни қайта  
ишлаш маҳсулотлари. Кимёвий моддалар. Лок-бўёқ маҳсулотлари ва шланг-  
массадан ишланган маҳсулотлар. Фармацевтик препаратлар, парфюме-  
рия, маиший кимё товарлари. Резинотехник маҳсулотлар, [к. 2]: Кавказ,  
Ўрта Осиё, Қозоғистон, Белоруссия, Молдова, Украина, Балтика давлат-  
лари. — 1994. — 351, [1] с.: схем. — Корхона ва маҳсулот турлари бўйича  
алифб. кўрс. 318 — 352 б. — ISBN 5—87487—435—6: Б. ц., 2000 нусха.

1. Жилд сарлавҳаси. — 1. Кимё саноати, корхоналар — Маълумот-  
номалар (кит. 21). 2. Нефть — кимё саноати, корхоналар — Маълумотно-  
малар (кит. 21).

№ 21835

УЎТ 334.716(470)(035.5) +

5 № 1145 [94-29319] п оф 66(474 476+477/478.9+479.2+574/575)

© Рос.кит.пал. 19.12.94 Б598

ББК 35

«Книжная палата» нашр.



**Хлынов В.**

Бозор иқтисодиётини умумдавлат миқёсида режалаштириш: Япония тажрибаси

// Иқтисодчи. — 1994. № 4. — С. 89 — 94.

№ 54147 УЎТ 338

3 № 2027 ББК 65.9(5Я)23

РКП 12.09.94

«Книжная палата» нашр.

**Григорьев О.**

Учинчи йўл: [Россияда иқтисодий ислохотларни амалга оширини йўллари хақида]

// Ишбилармон дунё. — 1995. — 30 июль. — С. 10

№ 5244

РКП 30.07.95

УЎТ 338(470)

ББК 65.9(2Рос)



**Ҳавола ва маълумотли хабарлари бўлган варақчалар**

**Листрова, Юлия Тимофеевна**

кар.

Листрова — Правда, Юлия Тимофеевна.

№ 692 варақчага

Серия 56

© Рос. кит. пал. 17.01.94

«Книжная палата» нашр.



**Н.М. Федоровский номидаги минерал хом ашё Бутунроссия ИТИ**  
1992 й. гача қар.

**Н.М.Федоровский номидаги минерал хом ашё БИТИ**

№ 19544 варақчага  
Серия 17

© Рос.кит.пал. 10.11.93

«Книжная палата» нашр.



**Ленинград ўрмон хўжалиги ИТИ**

қар.

**Санкт-Петербург ўрмон хўжалиги ИТИ**

№ 19554 карт.га  
Серия 32

© Рос.кит.пал. 10.11.93

«Книжная палата» нашр.



**Вилова**  
(маълумот учун)

**Нашрда келтирилладиган аннотацияланган  
варақча макетини расмийлаштириш намунаси**

**Лоуренс Д.Г.**

Л. 81 Леди Чаттерлининг жазмани: Роман/ингл. тарж. И.Багров, М.Литвинова; Сўнгсўз Н.Пальцев, — М.: Кит. палатаси, 1994. — 272 б. — (Омм. кут).

ISBN 5—7000—0286—8 (Қўш. адад)

Д.Г.Лоуренснинг «Чаттерли хонимнинг жазмани» романининг тақдири ажойиб. У 1928 йилда ёзилган бўлиб, ўша даврда жамоатчилик ахлоқига ҳақорат деб топилган эди. Инсон ҳаётининг сир тutilган томонига мурожаат ўша давр инглиз оммасини таҳқирлагандек бўлди. Фақат 1960 йилга келиб ромanning тўлиқ матни муаллиф ватанида нашр қилинди.

Ромanning марказий мавзуси — қиз қалбида аёллик ҳисларининг уйғонишидир. Кузатувчан адиб кўзи, аёллар психологиясининг нозик томонларини билиш, маҳоратли стилистика Лоуренс асарига XX асрнинг энг яхши Европа романлари қаторидан жой олишига имкон берди.

УЎТ 820  
ББК 84(4Вл)



---

Асосий сўзлар: варақчалар; каталоглар; картотекалар; нашрдаги каталоглаштириш; библиографик ёзув; ҳаволалар; маълумотли хабарлар; чиқиш маълумотлари; библиографик ёзувнинг сарлавҳаси; библиографик тавсиф; таржима; транскрипция; библиографик ёзув ва унинг алоҳида элементларининг транслитерацияси; аннотация ёки реферат; қўшимча библиографик ёзувлар тўғрисида маълумотномалар; предмет рубрикалари ёки асосий сўзлар; тасниф индекслари; ҳужжат тили тўғрисидаги маълумотлар; муаллифлик белгиси; ҳужжат шифрлари; кутубхона сикллари; нашрда келтирилдиган аннотацияланган варақча макети; марказлашган каталоглаштириш; варақчанинг тартиб рақами; тузиш ёки чиқариш санаси; мавзули комплект рақами; инвентарь рақами; варақча ўлчамлари; библиографик ёзувни расмийлаштириш; магн полосаси; варақча хошиялари

---

**ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**

---

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича  
стандартлар тизими**

**ИЛМИЙ-ТЕХНИК ҲУЖЖАТЛАРДА МОДДА ВА  
МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ  
РАҚАМЛИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

**УМУМИЙ ТАЛАБЛАР**

**ГОСТ 7. 54-88**

Стандартлар бўйича давлат кўмитаси

Москва

383

## Сўз боши

**1 Стандартлар бўйича Давлат кўмитаси томонидан ИШЛАБ  
ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН****ИЖРОЧИЛАР**

техн. фанлари д-ри А.Д.Козлов; филол. фанлари номзоди Л.А. Алексе-  
ева; биол. фанлари номзоди А.Д.Ольшанецкая; кимё фанлари номзоди В.Г.  
Рябова; физ.-мат. фанлари д-ри И.И. Плахота

**2 Давстандартининг 1988 йил 19 августдаги 2956-сон қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН**

3 Биринчи текширув муддати 1990 йил.

Текширув даврийлиги йилда бир марта

4 Стандарт Фан ва техникага оид рақамли маълумотлар тўплаш ва  
баҳолаш Халқаро кўмитасининг (КОДАТА) рақамли маълумотларни  
тақдим этиш бўйича тавсияларига тўлиқ мос келади.

5 ГОСТ 7.33-81 ва ГОСТ 7.46-84 ўрнига

**6 ҲАВОЛА ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ТЕХНИК ҲУЖЖАТЛАР**

Ҳавола берилган НТХнинг белгиланиши	Банд, кичик банднинг рақами
ГОСТ 7.1-84	1.3., 2.1.3., 2.2.2.
ГОСТ 7.32-81	4.3
ГОСТ 8.207-76	2.3.1
ГОСТ 8.310-78	1.1
ГОСТ 8.344-79	4.2
ГОСТ 8.417-81	3.7.2

**ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича  
стандартлар тизими**

**ИЛМИЙ-ТЕХНИК ҲУЖЖАТЛАРДА МОДДА ВА  
МАТЕРИАЛЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ  
ТЎҒРИСИДАГИ РАҚАМЛИ МАЪЛУМОТЛАРНИ  
ТАҚДИМ ЭТИШ**

**ГОСТ  
7.54-88**

Умумий талаблар

System of standards on information, librarianship and publishing. Representation of numerical data on properties of substances and materials in scientific-technical documents. General requirements

**Жорий этиш санаси 01.01.89**

Ушбу стандарт илмий-техник ҳужжатларда модда ва материаллар хусусиятлари тўғрисидаги рақамли маълумотларни\* тақдим этишга қўйиладиган талабларни белгилайди.

Ушбу стандарда белгиланган талаблар ҳужжатларнинг куйидаги турларига тааллуқли:

илмий-тадқиқот ишлари (ИТИ) тўғрисидаги ҳисоботлар, модда ва материаллар хусусиятларининг рақамли тавсифларини олиш яқуний натижа ҳисобланган даврий ва давомли нашрларда ҳамда даврий бўлмаган тўнламларда жойлаштириладиган мақолалар;

\* «Рақамли маълумотларни тақдим этиш» тушунчаси моддалар, материаллар хусусиятлари тўғрисидаги рақамли маълумотлар тавсифини ҳамда у бирга келадиган тадқиқот натижаларини ва ҳисоб-китобларни аке эттириш, таъкидий баҳолаш ёки аниқлаштириш учун бирга келадиган зарурий ахборотни ўз ичига олади.



модда ва материаллар хусусиятларининг рақамли маълумотлари асосий (ёки фрагментли) мазмуни ҳисобланадиган обзорлар, маълумот нашрлари ва монографиялар;

модда ва материаллар хусусиятларининг рақамли тавсифлари тақдим этилган диссертациялар авторефератлари, диссертациялар ва сақлаш учун топширилган кўлёмалар.

Стандарт ихтироларнинг таърифларида ва чет тиллардан таржима қилинган илмий нашрларда келтирилган рақамли маълумотларга тааллуки эмас.

Стандарт илмий-техник ҳужжатларни тузиш ва чиқаришда мажбурийдир.

Стандарт талаблари Фан ва техника учун рақамли маълумотлар йиғиш ва баҳолаш халқаро қўмитасининг (КОДАТА) рақамли маълумотларни тақдим этиш бўйича тавсияларга мос келади.

## 1 Умумий қоидалар

1.1 Модда ва материаллар хусусиятларининг рақамли маълумотлари бўлган илмий-техник ҳужжатлар ишончли ва замонавий ахборотдан иборат бўлиши керак. Ишончлилик ва рақамли маълумотлар тоифаси — ГОСТ 8.310-78 бўйича.

1.2 Илмий-техник ҳужжатни тайёрлашда ИТИ, диссертация тўғрисидаги ҳисоботни ҳимоя қилишга қадар, мақола, реферат, монографиянинг муаллифлик нуسخаси ёки маълумот нашрини матбуотга имзолангунга қадар модда ва материаллар хусусиятлари тўғрисидаги маълумотларни маҳаллий ва хорижий адабиётларда пайдо бўладиган манбалардан киритиш лозим.

Рақамли маълумотларни танлашда биринчи навбатда расмий тасдиқланган куйидаги норматив ҳужжатлардан фойдаланиш зарур: давлат ва тармоқ стандартлари, стандарт ва тавсия этиладиган маълумотли маълумотлар жадваллари, стандартлар ва СЭВ ҳамда КОДАТА, ИЮПАК, ИСО, МЭК, МОЗМ ва танқидий баҳоланган рақамли маълумотлардан иборат манбалар (илмий нашрлар, маълумотлар банки массивлари).

1.3 Илмий-техник ҳужжатларда муаллифлар томонидан ва улар томонидан бошқа манбалардан ўзлаштирилган рақамли маълумотларни бири-биридан фарқлаш лозим.

Ўзлаштирилган манбаларга, шу жумладан фойдаланилган норматив ҳужжатларга ҳаволалар, стандарт маълумотли маълумотларнинг (СММ) жадваллари ва тавсия этиладиган маълумотли маълумотлар (ТММ) жадвалларининг сақлаш учун топширилган қўлёзмалари - ГОСТ 7.1-84 бўйича.

Жадвалларда рақамли маълумотлар ўзлаштирилган манбаларга ҳаволалар жадвал номида ёки матнли хабарда келтирилади. Агар жадвалларда бир вақтнинг ўзida муаллиф томонидан олинган ва турли манбалардан унинг томонидан ўзлаштирилган рақамли маълумотлар келтирилса, манбаларга ҳаволалар сатрма-сатр келтирилади.

## **2 Илмий-техник ҳужжатларда рақамли маълумотларни тақдим этишга қўйиладиган талаблар\***

2.1 Экспериментал рақамли маълумотларни тақдим этишга қўйиладиган талаблар

2.1.1 Илмий-техник ҳужжатларда бевосита тажрибада олинган рақамли маълумотлар келтирилиши керак. Маълумотлар миқдори уларни мустақил равишда қайта ишлаш ва ишончлилигини баҳолаш учун етарли бўлиши керак.

2.1.2 Тадқиқот (синов) усулини танлаш асосланиши керак. Тажриба таърифлашда тадқиқот объектининг олинishi, ишлов берилиши, сақланиши тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган, тадқиқотнинг якуний натижаларига таъсир эгувчи унинг тавсифлари (кимёвий таркиби, софлик даражаси, физик ҳолати, тузилиши, заҳардрилиги, портлаш хавфи, ишлаб чиқариш технологияси тўғрисидаги маълумотлар) келтирилган бўлиши керак.

2.1.3 Аввал наشر қилинган тадқиқот (синов) усулидан фойдаланишда ГОСТ 7.1-84 бўйича манбага ҳавола келтирилиши керак. Аввал наشر қилинган методга киритилган ўзгартиришларнинг, шунингдек янги (модификацияланган) тадқиқот методининг таърифи уни аке эттириш учун етарли бўлиши керак.

Тажрибанинг ўзгартирилган шароитларида олинган маълумотлар келтирилиши керак.

---

\* Рақамли маълумотларни маълумот наشرларда тақдим этишга қўйиладиган талаблар 3-бўлимда берилган.

2.1.4 Ўлчаш натижалари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган фойдаланиладиган асбоб ва ускуналарнинг ҳамда тажриба учун махсус ишлаб чиқарилган қурилмаларнинг метрологик тавсифлари келтирилиши ва таърифланиши керак.

Серияли чиқариладиган ўлчов воситалари учун норматив-техник ҳужжат бўйича уларнинг тури ва аниқлик классификацияси мўъайян бўлиши лозим. Ўлчаш қурилмаларини синаш ва қиёслаш натижалари, уларни калибрлаш меъодлари, ўлчашларнинг намунали ўлчовларини кўрсатган ҳолда келтирилган бўлиши керак. Ўлчаш воситаларининг тавсифлари (шовкинлар даражаси, барқарорлик, сезувчанлик, сиғдириш хусусияти) кўрсатилган бўлиши керак.

Аввал таърифланган қурилмаларга ҳавола келтирилиши керак. Биринчи марта қўлланган ўлчаш аппаратураси ва воситалари тўлиқ таърифланиши керак\*.

2.1.5 Таърибани таърифлашда текшириладиган намуналар (объектлар)нинг сони, битга намуна (объект)да ўтказилган ўлчовлар сони кўрсатилган бўлиши керак. Стандарт намуналарини (намуна ўлчов) назорат қиёслаш таъриблари (қиёслаш ўлчовлари) тўғрисида маълумотлар келтирилиши зарур.

2.1.6 Ўлчаш асбоблари кўрсаткичлари бўйича қайд этилган маълумотларда якуний рақамли натижаларни олиш учун фойдаланилган ҳисоблаш нисбатлари ва тенгликлари кўрсатилган бўлиши керак.

2.1.7 Ушбу метод учун янги, ноанъанавий якуний рақамли натижаларни олишга олиб келувчи тажриба (тадқиқот) шартлари батафсил таърифланиши, таърибанинг аввали ишларга нисбатан юқорида аниқлигини таъминловчи хусусиятлари кўрсатилиши керак.

Олинган маълумотларга таъсир этувчи омиллар, масалан, атроф-муҳит параметрлари (ҳарорат, босим, намлик ва б.), ўзгарган якуний натижаларни олишга имкон берадиган ўлчаш воситаларининг ўлчанадиган объектларнинг хусусиятларига таъсири кўрсатилиши керак.

2.1.8 Таърибга оид рақамли маълумотлар сарлавҳа қўйилган жадвал кўринишида тақдим этилган бўлиши керак. Графиклар ёки тенграммалар

---

\* Агар манфаатдор вазирлик (идора) 2.1.2- 2.1.4 ва 2.1.6-бандларда санаб ўтилган маълумотларнинг тўлиқ нашр этилишини мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисобласа, у ҳолда ушбу маълумотлар келтирилмайди.

Фойдаланилган норматив-техник ҳужжатга ҳавола 2.1.2 –2.1.5-бандларга мувофиқ мажбурий эмас.

кўринишидаги тажрибага оид маълумотларни тақдим этишни, уларнинг жадвал кўринишидаги ёзувлари билан алмаштириб бўлмайди, график (номограмма)лар маълумотлар тақдим этишнинг ягона мумкин бўлган ёки қулай шакли ҳисобланадиган ҳоллар бундан мустасно.

2.2 Ҳисоб-китобга оид рақамли маълумотларни тақдим этишга кўйиладиган талаблар

2.2.1 Модда ва материалларнинг хусусиятлари тўғрисидаги ҳисоб-китобга оид рақамли маълумотлар илмий-техник ҳужжатларда таҳлилий ифода ва жадваллар билан тақдим этилиши керак. Тақдим этилган ҳисоб-китобга оид маълумотлардаги аҳамиятли рақамлар сони ҳисоб-китобнинг маълум қилинган аниқлигига мос келиши керак. Рақамли маълумотларнинг аппроксимациясида аппроксимация хатолиги ва аппроксимацияланган маълумотларнинг аргументлар диапазонлари келтирилиши зарур. Ўзлаштирилган тажриба маълумотларининг аппроксимациясида уларнинг манбаларига ҳавола берилиши лозим.

2.2.2 Аввал баён қилинган ҳисоб-китоб қилиш усулидан фойдаланишда ГОСТ 7.1-84 бўйича манбага ҳавола келтирилиши керак. Ҳисоб-китоб қилишнинг янги усули (услуг), назарий модель ёки эмпирик боғлиқлик батафсил баён қилиниши керак.

2.2.3 Қайга ҳисоблаш коэффициентининг ва фойдаланилган константаларнинг қиймати, уларнинг қайси манбалардан ўзлаштирилганлигини кўрсатган ҳолда келтирилиши керак.

2.2.4 Рақамли маълумотларни қайта ишлашнинг статистик методлари, хатоликларнинг ҳисоб-китоб қилиш услубларининг кўрсатилиши ва тегишли библиографик ҳавоалар берилиши керак.

2.3 Рақамли маълумотларни таҳлил қилиш натижаларини тақдим этишга кўйиладиган талаблар

2.3.1 Рақамли маълумотларни тақдим этишда илмий-техник ҳужжатларда уларнинг ишончлилигини баҳолаш ҳамда тасодифий ва мунтазам хатоликлар келтирилган бўлиши керак. Маълумотларнинг келтирилган хатоликлари ГОСТ 8.207-76 га мувофиқ тақдим этилиши керак.

2.3.2 Фойдаланилган рақамли маълумотларнинг ишонччилигини баҳолаш усулини кўрсатиб ўтиш зарур; маълум усулларга ҳавоалар берилиши керак; ушбу соҳа учун янги ва ноанъанавий усуллар асосланиши ва баён қилиниши керак.

2.3.3 Илмий-техник ҳужжатларда тақдим этилган рақамли маълумотларни бошқа тадқиқотчиларнинг натижалари билан таққослаш натижалари

келтирилган бўлиши керак, олинган маълумотларнинг аниқлиги замонавий талаблар даражасига мос келиши белгиланган.

Маълум назарий моделлар ва эмпирик қонуниятлар ўртасидаги фарқ ҳамда эҳтимолий сабаблари кўрсатилган бўлиши керак.

2.3.4 Рақамли маълумотларга ишлов беришда фойдаланилган ЭХМнинг алгоритмлари ва (ёки) дастурлари ёхуд баён қилиниши, ёхуд ўзлаштирилган манбага хавола берилиши керак.

### **3 Маълумот нашрларда рақамли маълумотларни тақдим этишга қўйиладиган талаблар**

#### **3.1 Материалларни тизимлаштириш**

Маълумот нашрда материалларни қуйидаги тизимлаштириш принципларидан бири танланиши керак: бирга келадиган ахборотнинг энг кичик рақамли маълумотлари ёхуд моддалар ва материаллар бўйича, ёхуд аниқ анъанавий хусусиятлари ёки материал ва хусусиятларни ифодалашнинг мантикий асосланган тартиби бўйича гуруҳларга ажратилиши керак. Нашрнинг луғатли ва луғатсиз таркибий тузилиш принциpidан фойдаланиш мумкин. Нашрнинг луғатли таркибий тузилиш принциpidан фойдаланилганда ахборот хабарлари алифбо кема-кетлигида жойлаштирилади.

#### **3.2 Сўз боши**

Маълумот нашрларнинг сўз бошиси маълумот нашрнинг вазифасини, унда тақдим этилган рақамли маълумотларнинг тўлиқлилик ҳамда ишончлилик даражасини белгилайди.

#### **3.3 Кириш**

Кириш (ёки кириш қисм) билимнинг мазкур соҳасидаги асосий назарий қондаларнинг қисқа характеристикаси, рақамли маълумотлар олишга оид мавжуд усулларнинг қисқа обзори, маълумотларни танлаш ва баҳолаш принципининг асослари, тақдим этилган маълумотлар массивининг умумий характеристикасидан иборат бўлиши керак.

#### **3.4 Асосий қисм**

3.4.1 Луғатсиз турдаги маълумот нашрнинг асосий қисми модда ва материаллар хусусиятларининг рақамли қийматли жадваллари билан биргаликда матнли хабарлар ва расмлар (график, нормограммалар) тақдим этилган бўлиши керак.

3.4.1.1 Танланган рақамли қийматли жадваллар кетма-кет рақамланади.

Изох — Маълумот нашрни қисмларга бўлинганда жадвал жойлашган боб рақамини мажбурий равишда кўрсатган ҳолда, боб ичидаги жадвалларни рақамлаш қўлланиши мумкин.

3.4.1.2 Жадвал (жадваллар гуруҳи) дан олдин келувчи матнли хабарлар куйидагилардан иборат бўлиши керак:

1) жадвал ёки график кўринишидаги рақамли маълумотларни тўғри тушуниш учун зарур бўлган модда ва материаллар тўғрисидаги маълумотлар;

2) жадвал (график)га киритиладиган рақамли маълумотлар олинадиган ўлчаш усуллари ва шартларининг қисқа баёни;

3) рақамли маълумотларни ҳисоблаш тенгнамаси;

4) жадвалдан олдин келадиган матндаги, ёхуд жадвалнинг ўзидаги, ёхуд жадвал билан биргаликда мустақил кўринишидаги рақамли маълумотларнинг ишончлилигини кўрсатиш.

3.4.1.3 Сифат боғлиқлигини кўрсатиш учун, шунингдек маълумотлар тақдим этишнинг ягона мумкин бўлган ёки қулай шакли ҳисобланадиган ҳолларда расмлар (графиклар, номограммалар)ни келтириш лозим. Улар координата сеткаси билан таъминланиши керак.

Графикларда рақамли қиймат ва унинг ноаниқлик даражаси (агар у маълум бўлса) кўришиб туриши керак.

Кўп параметрли боғлиқликлар уларни куриш аниқлигини кўрсатган ҳолда келтирилади.

3.4.2 Таркибий тузилиши лўғат принципидаги маълумот нашрдаги ҳақиқий ахборотни ўз характерига кўра график, аналитик боғлиқликларнинг жадваллари кўринишида тизимлаштириш имкони бўлмаган ҳолларда фойдаланилади.

Бундай нашрни асосий қисмининг матни модда ва материаллар таърифининг сўзлиги ва намунавий схемаларига мувофиқ тузилиши, ифода қилинган фикрнинг аниқлигига амал қилган ҳолда қисқа ва аниқ баён қилиниши керак ва маълумот мақсадларига кирмайдиган назарий коидаларни ўз ичига олмаслиги керак.

### 3.5 Иловалар

Зарурат бўлганда, маълумот нашр куйидаги иловаларни ўз ичига олиши мумкин: рақамли маълумотларни олиш (баҳолаш) услублари, халқаро таш-

килотлар тавсияларининг магни (парчаси), қўлланадиган ностандарт ата-малар лугати.

### 3.6 Кўмакчи кўрсаткичлар

Модда ва материаллар тўғрисидаги рақамли маълумотлар мавжуд бўлган маълумот нашрда кўмакчи кўрсаткичлар (норматив-техник хужжатларнинг предмет кўрсаткичи, номли кўрсаткич, премутация ва б.) унинг мазмуни билан белгиланади.

3.7 Рақамли маълумотларни жадвалларда тақдим этишга қўйиладиган талаблар

3.7.1 Бирламчи нашрлардан ўзлаштирилган жадвалдаги рақамли маълумотлар ҳисоб-китобнинг маълум аниқлигига мос келадиган аҳамиятли рақамлар миқдори билан келтирилиши керак.

3.7.2 Жадвалдаги қийматларнинг интервали уларнинг эҳтимолий интерполяциясини ҳисобга олган ҳолда танланиши керак.

Жадвалда фойдаланилган физик катгаликларнинг бирликларини кўрсатиш — ГОСТ 8.417-81 бўйича.

3.7.3 Рақамли маълумотлар қийматларининг ҳаголиклари жадвалдан олдин келадиган магнда, жадвалнинг номида ёки алоҳида устунда, жадвалнинг ўзида ёки мустақил кўринишда жадвал билан бирга келтирилади.

### 3.8 Маълумот нашрларни чиқаришни келишиш тартиби

3.8.1 Нашриёт ёки нашр этувчи ташкилот маълумот нашрнинг буюртмасини ва таҳрир қилинган муаллифлик асл нусхасини келишиш учун МДХ Давстандартига (ВНИЦ МВ) юборади.

Изоҳ — МДХ халқлари тилларида тузилган маълумотнома келишиш учун рус тилидаги таклифлари билан юборилади.

3.8.2 МДХ Давстандарт (ВНИЦ МВ) модда ва материаллар тўғрисидаги стандарт маълумотли маълумотларни ишлаб чиқиш бўйича бош ва таянч ташкилотлари билан биргаликда бир ой муддатда маълумотнома мазмунининг экспертизасини ташкил қилади ва нашриётга «Давлат стандарт маълумотли маълумотлар хизмати томонидан келишилган» титул ёзувини ёзиш ҳуқуқини беради.

## **4 Модда ва материаллар хусусиятлари тўғрисидаги рақамли маълумотларни давлат стандарт маълумотли маълумотлар хизматига (ДСММХ) жорий этиш**

4.1 Модда ва материаллар хусусиятларини тавсифловчи рақамли маълумотлар Марказий маълумотлар банкига киритиш учун МДХ Давстандарт (ВНИЦ МВ)га тақдим этилиши керак.

4.2 Модда ва материалларнинг хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар ГОСТ 8.344-79 га мувофиқ МДХ Давстандарти ВНИЦ МВга аттестация қилиш учун тақдим этилиши керак. МДХ Давстандарти томонидан бериладиган гувоҳнома маълумотларни халқ хўжалигига жорий этилишини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

4.3 ИТИ ва диссертация тўғрисидаги ҳисоботда модда ва материалларнинг хусусиятларини тавсифловчи рақамли маълумотлар мавжуд бўлса, ҳужжатнинг титул varaғида ГОСТ 7.32-81 га мувофиқ «ДСММХ» белгиси қўйилади.



ГОСТ 7.55-99

## ДАВЛАТЛАРАРО СТАНДАРТ

---

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича  
стандартлар тизими**

### **АСОСИЙ ҚОИДАЛАР**

**Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш  
бўйича давлатлараро кенгаш**

**Минск**

**394**

## Сўз боши

1 Россия Фанлар академиясининг Илмий ва техник ахборот Умумроссия институти ва Россия Федерациясининг Фан ва технологиялар вазирлиги, Стандартлаштириш ва сифат бўйича таснифлаш, атамашунослик ва ахборот Умумроссия илмий-тадқиқот институти; «Илмий-техник ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши» ДТК 191 стандартлаштириш бўйича Давлатлараро техник кўмита томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

Россия Давстандарти томонидан КИРИТИЛГАН

2 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш томонидан ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН (1999 йил 6–8 октябрдаги 16–99-баённомаси)

Қабул қилиш учун овоз берганлар:

Давлат номи	Стандартлаштириш бўйича миллий орган номи
Беларусь Республикаси	Беларусь Давстандарти
Қирғизистон Республикаси	Қирғизстандарт
Россия Федерацияси	Россия Давстандарти
Тожикистон Республикаси	Тождавстандарт
Ўзбекистон Республикаси	Ўздавстандарт
Озарбайжон Республикаси	Оздавстандарт
Туркменистон	Туркменистон Бош давлат инспекцияси

3 Россия Федерацияси Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлат кўмитасининг 2000 йил 16 февралдаги 39-сон қарори билан ГОСТ 7.55-99 давлатлараро стандарти бевосита Россия Федерациясининг давлат стандарти сифатида 2001 йил 1 январдан амалга киритилган.

4 ГОСТ 7.55-89 ЎРНИГА

## ДАВЛАТЛАРАРО СТАНДАРТ

---

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича  
стандартлар тизими

### АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

System of standards on information, librarianship and publishing

---

Жорий этиш санаси 2001 йил 1 январь

#### 1 Қўллаш соҳаси

Ушбу стандарт ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича давлатлараро стандартлар (АКНИС) тизимида асосий ҳисобланади ва унинг вазифаси, тарқалиш соҳаси ва таркиби, шунингдек давлатлараро стандартлаштириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш ва режалаштириш тартибини белгилайди.

Стандарт Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида келишилган сиёсатни ўтказиш тўғрисидаги битимга (бундан кейин — Битим) мувофиқ ишлаб чиқилган — Москва 13.03.92-12/1.

Ушбу стандарт қоидалари бошқа турдаги ахборот учун фойдаланилиши мумкин.

#### 2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандарда қуйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

ГОСТ 1.0-92 Давлатлараро стандартлаштириш бўйича ишларни ўтказиш тартиби. Умумий қоидалар

ГОСТ 1.2-97 Давлатлараро стандартлаштириш бўйича ишларни ўтказиш тартиби. Давлатлараро стандартлаштириш бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, қўллаш, янгилаш ва бекор қилиш тартиби

ГОСТ 1.5-93 Давлатлараро стандартлаштириш бўйича ишларни ўтказиш тартиби. Стандартларни тузиш, баён қилиш, расмийлаштириш ва мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

### 3 Таърифлар

Ушбу стандартда куйидаги атамалар тегишли таърифлари билан кўлланилган:

давлатлараро стандарт, ГОСТ: ГОСТ 1.0 бўйича Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлатлараро кенгаш томонидан қабул қилинган стандарт.

давлатлараро стандартлаштириш: ГОСТ 1.0 бўйича давлатлараро манфаатни ифодалаган объектларни стандартлаштириш.

### 4 Умумий қоидалар

#### 4.1 Давлатлараро стандартлаштириш мақсадлари

4.1.1 Давлатлараро стандартлаштиришнинг асосий мақсадлари куйидагилар ҳисобланади:

— маҳсулот, хизматлар ва жараёнлар сифати масалаларида истеъмолчилар ва битимнинг ҳар бир иштирокчиси бўлган давлат манфаатларини ҳимоя қилиш;

— маҳсулот ва давлатлараро манфаатни ифода этувчи бошқа талабларнинг мослашуви ва ўзаро алмашувини таъминлаш.

4.1.2 АКНИС тизимининг мақсади ва вазифаси бўлиб, давлатлараро манфаатни ифода этувчи ва куйидагиларни таъминловчи ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, тақдим этиш, ҳисобга олиш, сақлаш, кидириш ва тарқатишга нисбатан ягона нормалар, қоидалар ва кўйиладиган талабларни белгилаш ҳисобланади:

— Илмий-техник ахборот ва ҳужжатлаштириш битими иштирокчилари бўлган давлатлар иқтисодиётининг ахборот таъминоти бўйича ИТИ органлари, кутубхоналар, нашриётлар ва нашр этувчи ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлиги;

— илмий-техник ахборотнинг тўдиқлиги ва унинг қийёсийлиги;

— давлатлар ҳужжатли фондларининг сақланганлиги ва улардан самарали фойдаланиш;

— илмий-техник ахборот автоматлаштирилган тизимларининг мослашуви;

— илмий-техник ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши соҳасида халқаро нормалар ва қоидаларни жорий этиш.

4.2 Давлатлараро стандартлаштиришнинг асосий принциплари

Давлатлараро стандартлаштиришнинг асосий принциплари куйидагилар ҳисобланади:

— Битимнинг барча манфаатдор иштирокчи давлатларининг ўзаро етказиб бериладиган маҳсулот сифатини таъминлаш бўйича келишувга эришиш учун ўзаро иштирилиши;

— давлатлараро стандартнинг ижтимоий, иқтисодий, техник жиҳатдан зарурлиги ва Битимнинг иштирокчи давлатлари томонидан қўлланилиши учун мақбуллигини ҳисобга олган ҳолда, давлатлараро стандартни ишлаб чиқишнинг мақсадга мувофиқлиги;

— давлатлараро стандартларнинг халқаро ва минтақавий стандартлар билан уйғунлаштирилишини таъминлаш;

— маҳсулот ва хизматларни сертификатлаштириш мақсадида давлатлараро стандартларнинг яроқлилиги;

— давлатлараро стандартларнинг фан, техника ва илғор тажрибалинг замонавий ютуқларига мувофиқлигини таъминлаш.

4.3 АКНИС тизими учта қуйи тизимлардан иборат:

— илмий-техник ахборот;

— кутубхона иши ва библиографик фаолият;

— таҳрир-нашриётчилик иши.

## **5 АКНИС тизими стандартларининг тарқалиш соҳаси, таркиби ва белгиланиши**

5.1 АКНИС тизими давлатлараро стандартлари илмий-ахборот фаолият, кутубхона ва таҳрир-нашриётчилик иши воситалари, шакллари, методлари ва жараёнларига тааллуқлидир.

5.2 АКНИС тизимини стандартлаштиришнинг асосий объектларига куйидагилар қиради:

— атамалар ва таърифлар;

— ахборотнинг ҳужжатли манбалари;

— ахборот-кутубхона ва таҳрир-нашриётчилик технологияси;

— ИТИ органлари, кутубхоналар, нашриётлар ва нашр этувчи ташкилотлар фаолиятининг ташкилий аспекти.

5.3 АКНИС тизими умумтехник ва ташкилий-услубий давлатлараро стандартларни ўз ичига олади.

5.4 АКНИС тизими давлатлараро стандартлари стандартлаштириш объектлари гуруҳлари доирасидаги стандартлаштириш объектла-

рига қўйиладиган умумий талаблар, нормалар ва қоидалар учун ишлаб чиқилади.

5.5 АКНИС тизими давлатлараро стандартларини белгилаш индексдан (ГОСТ); тизимни белгиловчи 7 рақамдан; ажратувчи нуктадан; стандартнинг рўйхатга олинган рақамли номери ва тире билан ажратилган йилнинг тўлиқ белгиланишидан иборат.

Давлатлараро стандартнинг белгиланишига мисол:  
ГОСТ 7.55-2000

## **6 Стандартлаштириш бўйича ишларни мувофиқлаштириш ва режалаштириш**

6.1 Давлатлараро стандартлаштириш бўйича ишларга раҳбарлик қилишни Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро кенгаш ва «Илмий-техник ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши» ДТҚ 191 амалга оширади, унинг котибиятини юритиш Россия Давстандартига юклатилган.

6.2 АКНИС тизими доирасида давлат стандартлаштириш бўйича ишларга умумий раҳбарлик қилишни миллий стандартларни ишлаб чиқадиغان стандартлаштириш бўйича миллий орган амалга оширади.

6.3 ДТҚ 191 стандартларни ишлаб чиқишни Давлатлараро стандартлаштириш бўйича ишлар дастури (режаси)га мувофиқ ёки ташаббусчилик тартибида амалга оширади.

6.4 Давлатлараро стандартлаштириш режасини стандартлаштириш бўйича давлатлараро стандартлаштириш режасини миллий органлар томонидан тақдим этилган таклифлар асосида Давлатлараро Кенгаш Техник котибияти тузади.

6.5 Давлатлараро стандартлаштириш режаси Давлатлараро Кенгаш томонидан қабул қилинади.

6.6 Давлатлараро стандартни ишлаб чиқишни ташкил қилиш ГОСТ 1.2 га мувофиқ амалга оширилади.

6.7 Давлатлараро стандартларни ишлаб чиқишда ГОСТ 1.5 даги умумий қоидалар ва ГОСТ 1.0 да белгиланган давлатлараро стандартлаштириш принциплари ва вазифаларига риоя қилиниши керак.

ГОСТ 7.55-99

---

УЎТ 02:006; 002:006; 655.4/.5: 006.354 МКС 01.140.40 Т62 СТШУТ 0007

Асосий сўзлар: тизим, стандарт, ахборот, кутубхона, наشريётчилик  
иши

---

**ДАВЛАТЛАРАРО СТАНДАРТ**

---

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича  
стандартлар тизими**

**ХУЖЖАТЛАРНИ ИНДЕКСЛАШ  
ТИЗИМЛАШТИРИШ ВА ПРЕДМЕТЛАШТИРИШГА  
ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

**Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш  
бўйича давлатлараро кенгаш**

**Минск**



## Сўз боши

1 Россия давлат кутубхонаси ва «Илмий-техник ахборот, кутубхона ва наشريётчилик иши» ТҚ 191 Стандартлаштириш бўйича давлатлараро техник қўмита томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

Россия Давстандарти томонидан КИРИТИЛГАН

2 Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлатлараро келгаш томонидан ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН (2003 йил 13 мартдаги 11-сон баённома, ёзишмалар бўйича қабул қилинган)

Қабул қилиш учун овоз берганлар:

Давлат номи	Стандартлаштириш бўйича миллий орган номи
Озарбайжон Республикаси	Оздавстандарт
Арманистон Республикаси	Армстандарт
Беларусь Республикаси	Беларусь Республикаси Давстандарти
Грузия	Грузстандарт
Қозоғистон Республикаси	Қозоғистон Республикаси Давстандарти
Қирғизистон Республикаси	Қирғизстандарт
Молдова Республикаси	Молдовастандарт
Россия Федерацияси	Россия Давстандарти
Тожикистон Республикаси	Тожикистандарт
Туркменистон	«Туркменстандартлары» Бошдавхизмати
Ўзбекистон Республикаси	Ўздавстандарт
Украина	Украина Давстандарти

3 Ушбу стандарт ИСО 5963-85 «Документация. Методы анализа документов, определения их темы и подбора индексировующих терминов» халқаро стандартининг асосий норматив қоидалари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган

4 Россия Федерацияси Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Давлат қўмитасининг 2003 йил 29 майдаги 170-ст—сон қарори билан ГОСТ 7.59—2003 давлатлараро стандарти 2004 йил 1 январдан Россия Федерациясининг бевосита давлат стандарти сифатида амалга киритилган.

5 ГОСТ 7.59-90 ЎРНИГА

## ДАВЛАТЛАРАРО СТАНДАРТ

---

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича  
стандартлар тизими

### ХУЖЖАТЛАРНИ ИНДЕКСЛАШ ТИЗИМЛАШТИРИШ ВА ПРЕДМЕТЛАШТИРИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН УМУМИЙ ТАЛАБЛАР

System of standards on information, librarianship and publishing.  
Indexing of documents. General requirements for classifying  
and subject indexing

---

Жорий этиш санаси 2004-01-01

#### 1 Қўллан ш соҳаси

Ушбу стандарт индекслашда қўлланиладиган хужжатларни тизимлаштириш ва предметлаштириш ҳамда ахборот-қидирув тилларини индекслашга қўйиладиган умумий талабларни белгилайди.

Стандарт кутубхоналар, илмий-техник ахборот органлари, китоб палаталари, тахририят ва нашриётлар учун мўлжалланган.

#### 2 Норматив ҳаволалар

Ушбу стандартда қуйидаги стандартларга ҳаволалардан фойдаланилган:

ГОСТ 7.66-92 (ИСО 5963-85) Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Хужжатларни индекслаш. Координатли индекслашга қўйиладиган умумий талаблар

ГОСТ 7.73-96 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Ахборотни қидириш ва тарқатиш. Атамалар ва таърифлар

ГОСТ 7.74-96 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Ахборот-қидирув тиллари. Атамалар ва таърифлар

ГОСТ 7.76-96 Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича стандартлар тизими. Хужжатлар фондини комплектлаш. Библиография қилиш. Каталоглаштириш. Агамалар ва таърифлар

### 3 Агамалар ва таърифлар

Ушбу стандартда қуйидаги атамалар тегишли таърифлари билан қўлланилган:

3.1 тизимли каталог учун алифбо-предметли кўрсаткич, АПК: ГОСТ 7.76 бўйича.

3.2 адекват предметли рубрика: ГОСТ 7.74 бўйича.

3.3 библиографик ёзув: ГОСТ 7.76 бўйича.

3.4 таснифлашнинг ёрдамчи жадваллари: ГОСТ 7.74 бўйича.

3.5 ёрдамчи таснифлаш белгиси: Асосий таснифлаш белгиси бўйича ҳосил қилинган, синф чегарасида деталлаштириш учун қабул қилинган таснифлаш белгиси.

3.6 тизим каталогининг қўшимча варақчаси: Тизим каталогидаги жойи ҳужжат тизим каталогида кўп марта акс эттирилганда тўлиқ индекс таркибига кирган иккинчи ва кейинги таснифлаш индекслари билан белгиланадиган варақча.

3.7 предмет рубрикасидаги инверсия: Максимал маъно юкланишига эга бўлган сўзни предмет рубрикасининг етакчи сўзига ёки кўп аъзоли предмет рубрикасидаги кичик сарлавҳанинг биринчи сўзига чиқариш учун сўзларнинг тўғри тартибини ўзгартириш.

3.8 индекслаш: ГОСТ 7.74 бўйича.

3.9 ахборот-қидирув тизими: ГОСТ 7.73 бўйича.

3.10 ахборот-қидирув тили: ГОСТ 7.74 бўйича.

3.11 ахборот қидируви: ГОСТ 7.73 бўйича.

3.12 каталог индекси: Ушбу каталог варақчаси жойлаштирилиши керак бўлган каталогнинг бўлимини кўрсатувчи, тизим каталог ичидаги таснифлаш индекси.

3.13 таснифлаш формуласи: Таснифлаш қарорини белгилаб берувчи таснифлаш индекслари жойлашининг бир хиллаштирилган тартиби.

3.14 таснифловчи бўлиниш (класс ёзуви): ГОСТ 7.74 бўйича.

3.15 таснифлаш белгиси: ГОСТ 7.74 бўйича.

3.16 комбинация қилинган предметли рубрика: ГОСТ 7.74 бўйича.

3.17 предметли рубрикалар мажмуаси: ГОСТ 7.74 бўйича.

3.18 лексик бирлик: ГОСТ 7.74 бўйича.

3.19 кўп аъзоли предметли рубрика: Лексик бирликлари бир-биридан ажратувчи белги билан ажратилган мураккаб предметли рубрикаси. Кўп аъзоли предметли рубриканинг биринчи элементни сарлавҳа деб аталади, сарлавҳадан ажратувчи белги билан ажратилган ҳар бир кейинги элементлар эса, предметли рубриканинг кичик сарлавҳаси деб аталади.

3.20 умумлаштирувчи предметли рубрика: ГОСТ 7.74 бўйича.

3.21 таърифловчи предметли рубрика: ГОСТ 7.74 бўйича.

3.22 тизим каталогининг асосий варақчаси: Тизим каталогига жойи тўлиқ индекс таркибидаги биринчи индекс билан аниқланадиган каталог варақчаси.

3.23 асосий таснифлаш белгиси: Бирон бир предмет соҳасини ақс эттирган таснифлаш тузилишини ташкил қилиш учун қабул қилинган таснифлаш белгиси.

3.24 асосий таснифлаш жадваллари: Асосий таснифлаш белгилари бўйича таснифловчи бўлинишларнинг иерархик жадвалларини ўз ичига олган таснифлаш жадвалларининг таркибий қисми.

3.25 таснифлашнинг тармок жадваллари: Билимнинг тегишли тармоғи бўйича тўлиқ жадвалларни, ёндош тармоклар бўйича таснифлаш жадвалларидан олинган қисқартирилган таглаб олишларни, шунингдек, комбинация қилинган индексларни ўз ичига олган таснифлаш жадваллари.

3.26 хужжатнинг қидирув кўриниши: ГОСТ 7.74 бўйича.

3.27 тўлиқ индекс: Ушбу хужжат ақс этган каталогнинг барча бўлинишларини кўрсатувчи тизим каталогига жойи таснифлаш индекси.

3.28 тоқча индекси: Фондни тизим билан жой-жойига қўйганда хужжатнинг сақланиш жойини кўрсатувчи таснифлаш индекси.

3.29 предметлангириш: ГОСТ 7.74 бўйича.

3.30 предметли каталог: ГОСТ 7.76 бўйича.

3.31 предметлаштирини формуласи: ГОСТ 7.74 бўйича.

3.32 оддий предметли рубрика: ГОСТ 7.74 бўйича.

3.33 тизимлаштириш: ГОСТ 7.74 бўйича.

3.34 тизимли назорат картотекаси: Таснифлаш индексларининг тизим тартибида ташкил қилинган, тизим каталоги учун алифбо-предметли кўрсаткичнинг предметли рубрикаларини қайд қиладиган хизмат характеридаги ёрдамчи картотека.

3.35 тизимли каталог: ГОСТ 7.74 бўйича.

3.36 мураккаб предметли рубрика: ГОСТ 7.74 бўйича.

3.37 мураккаб индекс: ГОСТ 7.74 бўйича.

3.38 таркибий индекс: ГОСТ 7.74 бўйича.

3.39 предметли рубрикалар рўйхати: ГОСТ 7.74 бўйича.

3.40 предметли каталог (рўйхат, кўрсаткич)нинг ҳавола-маълумотнома аппарати: Предметли рубрикалар ўртасидаги алоқалар ва чегаралашларни кайд қилувчи кўрсатмалар йиғиндиси.

3.41 индекслаш атамаси: ГОСТ 7.74 бўйича.

3.42 предметли рубрикаларнинг тор мажмуаси: ГОСТ 7.74 бўйича.

3.43 таснифлашнинг универсал жадваллари: Билимларнинг барча соҳалари бўйича таснифлаш жадваллари.

3.44 марказлаштирилган индекслаш: Турли ташкилотларда фойдаланиш учун услубий марказларда ёки уларнинг раҳбарлигида ўтказиладиган индекслаш.

3.45 предметли рубрикаларнинг кенг мажмуаси: ГОСТ 7.74 бўйича.

#### 4 Умумий қондалар

4.1 Индекслашда ҳужжатнинг асосий мазмунини индекслаш атамалари кўринишидаги ҳужжатнинг асосий мазмунини ҳужжатнинг қидирув образида (ХҚО) зарур ва старли даражадаги тўлиқлик ҳамда аниқлик билан, зарур бўлганда эса — самарали ахборот қидирувини таъминлаш учун унинг шаклини ва мазмунини (бундан кейин -- ҳужжатнинг мазмуни) тақдим этиш керак.

4.2 Индекслаш объекти бўлиб, алоҳида ҳужжат, унинг таркибий қисми ёки ҳужжатларнинг йиғиндиси (бундан кейин — ҳужжат) ҳисобланади.

4.3 Индекслашнинг умумий принципларига ва уларни аниқ ташкилотда қўллаш хусусиятларига мувофиқ ҳолда элементи ХҚО бўлган ахборот-қидирув массивининг характери, ушбу ахборот-қидирув тизим (АҚС) фойдаланувчиларининг ахборот эҳтиёжлари характери ҳисобга олган ҳолда, ҳужжатнинг бевосита таҳлил қилиш асосида индекслашни ўтказиш зарур.

4.4 Куйида индекслашнинг икки принципи — таснифловчи ва предметлаштирувчи кўриб чиқилмоқда. Координатали индекслашнинг принциплари ГОСТ 7.66 бўйича.

4.4.1 Индекслашнинг таснифлаш принципи айрим махсус ишлаб чиқилган таснифлаш тизимида ҳужжатнинг мазмунини тақдим этишга ва ушбу тизим класслари ўртасидаги муносабатлари аниқ кўрсатилган таснифлаш индексларининг индекслаш атамалари сифатида ишлатишга асосланади.

Изоҳ — Индекслашнинг таснифлаш принципи иерархик белги бўйича ахборот қидирувини ташкил қилиш имкониятини таъминлайди.

4.4.2 Индекслашнинг предметлаштириш принципи муайян табиий тилнинг тушунча тизимидаги ҳужжатнинг мазмунини тақдим этишга ва

табий тил лексик бирликлари (ЛБ)нинг индекслаш атамалари сифатида фойдаланишга асосланади.

Изох — Индекслашнинг предметлаштириш принципи алифбо белгиси бўйича ахборот қидирувини ташкил қилиш имкониятини таъминлайди.

4.5 Индекслаш принципларидан қайси бири етакчи (ёки ягона) бўлиши а қўра таснифлаш ва предметлаштириш ахборот-қидирув тиллари (АҚТ) фарқланади. АҚТ характерига мувофиқ индекслаш тизимлаштириш ёки предметлаштириш сифатида амалга оширилади, индекслаш атамалари сифатида эса, тегишли равишда таснифлаш индекслари ёки предметли рубрикалардан фойдаланилади.

## **5 Ахборот-қидирув тилларига қўйиладиган талаблар**

### **5.1 Умумий талаблар**

5.1.1 АҚТ таркибига кўп ЛБ ва улар ўртасидаги грамматик (парадигма-тик ва сингагмастик) муносабатлар киради. Грамматик муносабатлар ЛБни тизимга келтиришга имконият беради.

5.1.2 АҚТ элементлари машина ўқийдиган ёки варақча шаклида, микро-элтавчларда, китоб нашри шаклида амалга оширилган бўлиши мумкин.

5.1.3 АҚТ қуйидагиларни бажариши шарт:

— берилган АҚСда акс эттирилган ҳужжатнинг мазмунини, зарур бўлганда — шакли ва вазифасини тўлиқ ва аниқ бериши;

— индекслаш атамаларининг бир хил талқин этилишини таъминлаш;

— кўп аспекти индекслашга йўл қўйиш;

— ўзгартиришларни (қўшимчалар ва тузатишларни) киритишга йўл қўйиш;

— индекслаш, ахборот қидирувининг етарли даражада оддийлиги ва қулайлигини ҳамда ушбу АҚСнинг юритилишини таъминлаш;

— билимларнинг ушбу соҳасида атама тизимининг ҳозирги замон ҳолатини акс эттириш.

5.1.4 АҚТдан фойдаланиш қоидалари тегишли АҚС маълумот-услубий аппаратида қайд этилади.

## **5.2 Таснифловчи ахборот-қидирув тилларига қўйиладиган талаблар**

5.2.1 Таснифловчи АҚТ, одатда, алифбо-предметли кўрсаткичнинг ва қўллаш қоидаларининг асосий ва ёрдамчи жадвалларидан тузилган тасниф-лашнинг универсал ва тармоқ жадваллари кўринишида тақдим этилади.

5.2.2 Таснифлаш жадвалларининг асосий элементи таркибига таснифлаш индекси, сўз ифодаси (класс таърифи), зарур бўлганда, маълумотнома ҳавола аппаратини ўз ичига олган услубий кўрсатмалар кирадиган таснифловчи бўлиниш (класс ёзуви) ҳисобланади.

5.2.3 Таснифлаш индекси рақамли, ҳарfli ёки аралаш (ҳарф-рақамли) белгилар орқали синтактик белгилардан фойдаланган ҳолда ифодаланган битта ёки бир нечта ЛБдан иборат.

5.2.4 ЛБ миқдорига боғлиқ ҳолда таснифлаш индексида оддий, мураккаб ёки таркибий таснифлаш индекслари фарқланади.

5.2.5 Биргаликда ушбу ҳужжатнинг мазмунини ақс эттирадиган бир ёки бир нечта таснифлаш индекслари ҳужжатнинг тўлиқ индекси кўринишидаги ХҚКни ташкил этади.

5.2.6 Таснифлаш АҚТнинг грамматик муносабатлари тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

· таснифлаш жадвалларининг иерархик тузилиши ёрдамида, шунингдек, ҳавола-маълумотнома аппарати ёрдамида қайд этиладиган таснифловчи бўлиниш (класс)лар ўртасидаги парадигматик муносабатлар;

— таснифлаш формуласига мувофиқ ҳосил қилинган мураккаб ва таркибли индекслардаги таснифлаш индекслари ўртасидаги синтагматик муносабатлар.

5.2.7 Ҳужжатнинг тури ва қўйилган вазифалардан келиб чиқиб таснифлашнинг битта ёки бир нечта универсал тизимлари — қуйида келтирилган таснифловчи АҚТни қўллаш зарур:

Кутубхона-библиографик таснифлаш (КБТ);

Илмий-техник ахборотнинг давлат рубрикатори (ИТАДР);

Универсал ўнталик (децимал) таснифлаш (УЎТ);

М.Дьюи ўнталик таснифлаши (ДЎТ);

Ҳукукий ҳужжатлар таснифлагичи (ХХТ);

Стандартиларнинг давлатлараро таснифлагичи (СДТ);

Халқаро патентли таснифлаш (ХПТ).

Зарур бўлганда, шунингдек локал (тармок, махсус) таснифловчи АҚТни ҳам қўллашга йўл қўйилади.

### **5.3 Предметлаштирувчи ахборот-қидирув тилларига қўйиладиган талаблар**

5.3.1 Предметлаштирувчи АҚТ предметли рубрикаларнинг (ПР) рўйхати ва ҳавола-маълумотнома аппарати кўринишида тақдим этилиши керак.

5.3.2 ПР табиий тилнинг сўз ёки сўз бирикмалари, шунингдек, табиий тилда фойдаланиладиган рақамлар ва бошқа белгилар билан ифодалаш керак бўлган битта ёки бир нечта ЛБлардан таркиб топган.

5.3.3 ИРдаги ЛБ миқдоридан келиб чиқиб оддий ва мураккаб ПР фарқланади.

Изох — Мураккаб ПР таркибидаги ЛБнинг синтагматик ташкил этилиши характерига боғлиқ ҳолда ПР таърифланадиган ва кўп аъзоли (шунингдек, комбинация қилинган) ПР фарқланади. Кўп аъзоли ПР сарлавҳа ва битта ёки бир нечта кичик сарлавҳалардан иборат.

5.3.4 Биргаликда ҳужжатнинг мазмунини акс эттирадиган битта ёки бир нечта ПР унинг ХҚО ташкил этади.

5.3.5 Муайян мавзу билан бирлаштирилган ПР йиғиндиси ПР комплексини ташкил этади. Тор ва кенг ПР комплекслари фарқланади.

5.3.6 Предметлаштирувчи АҚТ грамматик муносабатлари тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ҳавола-маълумотнома ашарати ёрдамида қайд этилган ЛБ ва ИР ўртасидаги парадигматик муносабатлар;
- предметлаштирувчи формулага мувофиқ ҳосил қилинган мураккаб ПР таркибидаги ЛБ ўртасидаги синтагматик муносабатлар.

## **6 Индекслашнинг технологик жараёнлари ва асосий қондалари**

### 6.1 Индекслашнинг умумий қондалари

6.1.1 Индекслаш қуйидаги ўзаро боғланган жараёнлардан иборат бўлиши керак:

- индекслаш объекти сифатида ҳужжат мазмунини таҳлил қилиш;
- ҳужжатнинг мазмунидаги маъно компонентларини аниқлаш ва танлаш;
- ХҚО таркиби тўғрисидаги қарорни қабул қилиш;
- ушбу АҚТ грамматик воситалари тизимига мувофиқ танланган маъно компонентларини индекслаш атамаларида тушунчалар сифатида расмийлаштириш;
- ХҚО таркибидаги индекслаш атамаларини таҳрир қилиш.

6.1.2 Ҳужжатни таҳлил қилиш унинг мазмуни, идеологик йўналтирилганлиги, шакли ва аҳамиятини аниқлаш имкониятини берадиган барча элементлар бўйича ўтказилади.



6.1.3 Хужжатнинг асосий мазмунида унинг предмет(лар) ва кўриладиган аспект(лар)ини акс эттирувчи компонентлар ажратилади. Ажратилган мазмун компонентлари дастлаб эркин сўз шаклида тузилиши мумкин.

6.1.4 ХҚО таркиби тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ва индекслаш атамаларини расмийлаштириш АҚТ қоидаларига мувофиқ ушбу АҚС учун керакли ва старлича бўлган чуқурлик, аниқлик ва кўп аспектилик билан ўтказилади.

Изоҳ — Марказлаштирилган индекс атамалари (таснифлаш индекслари ёки предметли рубрикалар)ни тўлдириш, аниқлаштириш ва, зарур ҳолларда, ўзгартиришга йўл қўйилади.

6.1.5 Индекслаш атамаларини таҳрир қилганда таплаган мазмун компонентларининг хужжат мазмунига мувофиқлиги, ХҚОдаги индекслаш атамалари ўртасидаги белгиланган алоқа ва муносабатларни ҳисобга олган ҳолда, уларни расмийлаштириш тўғрисидаги текширилади.

6.1.6 Намунавий характерга эга бўлган услубий қарорлар, шунингдек, индекслашнинг мураккаб ҳолатлари бўйича қарорлар аниқ АҚСда қабул қилинган қоидалар бўйича қайд қилиниши керак.

## 6.2 Тизимлаштириш қоидалари

6.2.1 Таснифловчи қарор хужжатнинг тўлиқ индекси кўрипишида ХҚОни ташкил этадиган битта ёки бир нечта таснифлаш индекслари орқали ифодаланади.

6.2.2 Қабул қилинган таснифловчи қарор асосида алифбо-предметли кўрсаткичнинг (АПК) предметли рубрикалари тузилади ва расмийлаштирилади.

6.2.3 Таснифловчи қарор ушбу ташкилотда қабул қилинган қоидалар бўйича хужжатнинг библиографик ёзувида, бир вақтда (зарур бўлганда) АПК ёзуви ва тизим назорат картотекаси (ТНК)ни расмийлаштириш билан қайд этилади.

6.2.4 Тизим каталоги учун (ТК) варақча шаклида белгиланган тартибда тўлиқ, каталог ва тоқча индекслари билан таъминланган асосий ва қўшимча варақчалари расмийлаштирилади.

## 6.3 Предметлаштириш қоидалари

6.3.1 Предметлаштирувчи қарор ХҚОни ташкил этадиган битта ёки бир нечта ПР билан ифодаланади.

6.3.2 Предмет ва унинг аспектиларини тақдим этиш аниқлиги даражасига боғлиқ ҳолда адекват ва умумлаштирувчи ПР фаркланади. ПРни расмийлаштириш жараёнида ЛБни охириги таплашда предмет ва унинг аспектла-

рини ушбу АҚС учун зарур ва етарли адекватлик даражаси билан белгилаш зарур.

6.3.3 Предметлаштирувчи АҚТда зарур ЛБ бўлмаганда АҚТга янги ЛБ киритиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Аини вақтда ПР рўйхатига ва бошқа маълумотнома-услубий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилади.

6.3.4 Мураккаб ПРда ЛБни ушбу АҚТда қабул қилинган, предметлаштирувчи формулада мавжуд бўлган синтагматика қоидаларига мувофиқ занжир тартибига келтирилади.

6.3.5 Зарур бўлганда ПР ушбу АҚТ парадигматик принципларига ва муайян АҚСда қабул қилинган услубий қарорларга мувофиқ бошқа ПРлар билан боғланади.

6.3.6 ПР кенг мажмуасини ташкил қилишда ҳавола-маълумотнома аппарати ёрдамида ушбу АҚТ парадигматик принциплари ва муайян АҚСда қабул қилинган услубий қарорларга мувофиқ боғланади.

6.3.7 ПРнинг тор мажмуасини ташкил қилишда максимал мазмун юкланишига эга бўлган сўзни ПРдаги етакчи сўз ёки кўп аъзоли ПР кичик сарлавҳасида биринчи сўз позициясига олиб чиқиб учун инверсияга йўл қўйилади.

6.3.8 Предметлаштирувчи қарор ушбу ташкилотда қабул қилинган қоидалар бўйича, ёзувни бир вақтнинг ўзида ПР рўйхатида расмийлаштирилиш билан [хусусан, иш картотекасидаги предметли каталог учун (ПК)] ҳужжатнинг библиографик ёзувида қайд қилинади.

ГОСТ 7.62-90

## ДАВЛАТЛАРАРО СТАНДАРТ

---

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича  
стандартлар тизими

**МАТННИНГ АСЛ НУСХАЛАРИГА БЕЛГИ ҚЎЙИШ,  
КОРРЕКТУРА ВА СИНОВ ОТТИСКЛАРИНИ ТУЗАТИШ  
УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН БЕЛГИЛАР**

Умумий талаблар

ГОСТ 7.62-90

Махсулот сифатини бошқариш ва стандартлар  
бўйича Давлат қўмитаси  
Москва

## Сўз боши

1 Мағбуот бўйича Давлат қўмитаси томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН  
ВА КИРИТИЛГАН

## ИШЛАБ ЧИҚУВЧИ

И.А. Еремина (мавзу раҳбари ва бажарувчиси)

2 Маҳсулот сифатини бошқариш ва стандартлар бўйича Давлат қўмитасининг 1990 йил 22 мартдаги 523-сон қарори билан ТАСДИҚ-  
ЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН

3 Биринчи текширув муддати – 1993 й.

Текширув давомийлиги – йилда 1 марта

4 Стандарт 2.2.6-2.2.12, 2.3.7, 2.3.8, 2.3.11, 2.3.17-2.3.20, 2.4.3-2.4.7,  
2.5.3-2.5.5-бандлари қисмида СТ СЭВ 5793-86га мос келади

5 Стандарт 2.3.4-2.3.6, 2.3.9-2.3.10, 2.3.12-2.3.15, 2.3.4, 2.4.8-2.4.16,  
2.5.1-2.5.2-бандлари қисмида ИСО 5776-1983 халқаро стандартига мувофиқ  
келади

6 ГОСТ 16347-76 ЎРНИГА

7 Ҳавола қилинган норматив-техник ҳужжатлар

Ҳавола қилинган НТХнинг белгиланиши	Банд рақами
ГОСТ 3489.1-71	2.2.1
	2.2.2

## ДАВЛАТЛАРАРО СТАНДАРТ

---

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича  
стандартлар тизими**

**МАТНИНИНГ АСЛ НУСХАЛАРИГА БЕЛГИ  
ҚЎЙИШ, КОРРЕКТУРА ВА СИНОВ  
ОТГИСКЛАРИНИ ТУЗАТИШ УЧУН  
МЎЛЖАЛЛАНГАН БЕЛГИЛАР**

**ГОСТ  
7.62-90**

### Умумий талаблар

System of standards on information, librarianship and publishing. Symbols for making-up manuscripts, galleys and proofs correction. General requirements

МУТ 0007

---

**Жорий этиш санаси 01.01.91**

Ушбу стандарт нашр учун мўлжалланган асл нусхалар, макетлар ва отгисklarнинг барча турига тегишидир.

Стандарт барча турдаги ноширлик (муаллифлик) матнли ва тасвирий асл нусхалар, макетларга белги қўйиб чиқиш, корректура ва синов отгисklarини тузатиш учун мўлжалланган белгиларга (бундан кейин — белгилар), уларнинг шакли ҳамда вазифасига қўйиладиган талабларни белгилайди.

Стандарт нашриётлар, нашр этувчи ташкилотлар ва матбаа корхоналари учун мажбурийдир.











### 1 Белгиларни таснифлаш

Белги қўйиб чиқиш ва тузатиш учун мўлжалланган белгилар қуйидагича бўлинади:

- 1) турли алифболар ҳарфларининг, рақамларнинг ёзилишини аниқлаштириш учун;
- 2) шрифтларнинг шаклини белгилаш учун;
- 3) матн элементлари ва иллюстрацияларни жойлаштириш учун;
- 4) ҳарфлар, сўзлар ва очик жойларни ўзгартириш (қўйиш, олиб танилаш, алмаштириш) учун;
- 5) теришдаги техник нуқсонларни тузатиш учун;
- 6) макеллар ва синов отгискларини (иллюстрацияларни) белгилаш ва тузатиш учун.

## **2 Белгиларнинг шакли ва вазифаси**

Белгиларнинг шакли ҳамда вазифаси жадвалда кўрсатилганларга мос келиши керак.













Белгининг шакли	Вазифаси	Қўлланиши
<b>2.1 Турли алифбolar ҳарфларининг, рақамларнинг ёзилишини аниқлаштириш учун мўлжалланган белгилар</b>		
2.1.1 	Грек алифбосидаги ҳарф қўлланилсин	Матнда (формулаларда) ва хошияда ҳарф қизил рангли доира ичига олинади. Хошияда юнён алифбоси ҳарфи ва ёнида кўк рангли сиёҳ (паста) билан унинг тўлиқ номи ёзилади, масалан,  — «хи»
	Готик алифбодоги ҳарф белгилансин	Матнда ва хошияда ҳарф кўк рангли доира ичига олинади. Хошияда готик алифбо ҳарфи ва ёнида кўк рангли сиёҳ (паста) билан унинг тўлиқ номи ёзилади, масалан, 
	Лотин алифбоси ҳарфидан фойдаланилсин	Матнда (формулаларда) ҳарф кўк рангли қалам билан тагига чизилиб, курсивда кўрсатилади. Хошияда лотин алифбоси ҳарфи ва ёнида қавс ичида (лот.) деб ёзилади, масалан, 
 	Рус ёки лотин алифбосининг ёзма ҳарфидан фойдаланилсин	Ёзма ҳарфлар оддий қалам билан доира ичига олинади, масалан,  русча ёзма ҳарф,  лотинча ёзма ҳарф
2.1.2 — —	Рим рақамлари қўлланилсин	Формулаларда (матнда) чизиқлар рим рақамларининг устидан ва тагидан чизилади, масалан, II, III, V, X, каби бош ҳарфлардан фаркли равишда I, II, III, V, X шаклида.









## Жадвалнинг давоми

Белгининг шакли	Вазифаси	Қўлланиши
=	Формулаларда шаклига кўра, кичик ҳарфлар билан, шунингдек, рим ёки араб ҳарфлар билан мос тушадиган рус алифбоси (ёки бошқаси)нинг бош ёки кичик ҳарфлари қўлланилсин	Бош ҳарфларнинг тагига иккита чизиқча чизилади, (З, О, П, У, Ш, Х). Кичик ҳарфларнинг устига иккита чизиқча чизилади (з, о, п, у, ш, х).
/	1 (бир) араб рақами белгилансин	«/» қия чизикни (паста билан юқори ўнг бурчакка ёзилади)
=	Дефисдан фойдаланилсин	Тире белгисига юқоридан «-» чизиқча ёзилади, белги ҳошияга чиқарилади ва оддий қалам билан бетда бир марта «дефис» деб ёзилади.
2.1.3 ( )	Думалок қавслар қўлланилсин	/ (қия чизиқ) белгисига юмалоқловчи чизиқлар қўшилади (матн).
[ ]	Квадрат қавслар қўлланилсин	/ (қия чизиқ) белгисига юқоридан ва пастдан горизонтал чизиқлар қўйилади [матн]
(000)	Рақамлари корректура отгисқларида қўйиладиган «номальтум» бетларга матн ҳаводалари белгилансин	Қавслар ичидаги жой, бетлар орасидаги вергул ва тиреларни ҳисобга олган ҳолда, зарур бетлар сонига мўлжалланган бўлиши керак (0), (00), (00, 000, 000 — 000)
<b>2.2 Шрифтлар шаклини белгиловчи белгилар</b>		
2.2.1 ЖБ А	ГОСТ 3489.1 бўйича кўрсатилган гарнитура шрифти билан терилсин	Ҳошияларда гарнитура белгиси қўйилади, масалан: ЖБ — журнал бўлинган А — академик


















Белгининг шакли	Вазифаси	Қўлланиши
2.2.2 /1 /2	ГОСТ 3489.1 бўйича тегишли шаклдаги гарнитура билан терилсин.	/1 — ингичка, нормал курсив шакл, масалан, Л/1 — адабий гарнитура, ингичка нормал курсив шакл
2.2.3 кг. 8	Кўрсатилган ўлчамдаги шрифт кегли билан терилсин.	«Кегль» сўзи қисқартирилиб, «кг» деб ёзилади, унинг ёнига пункта қўйилиб, шрифт ўлчами кўрсатилади: кг. 10. Тўлиқ кўрсатиш намунаси: Л/1 кг.10.
2.2.4          	Сарлавҳаларнинг тснг бўйсуниллиги вертикал чизиқлар билан кўрсатилсин.	Иккитадан ортиқ рубрикацияларнинг сарлавҳалари бўлганда қўлланилади.
	Сарлавҳаларнинг тснг бўйсуниллиги турли рангдаги битта вертикал чизиқча билан кўрсатилсин.	Шунинг ўзи
2.2.5 ———	Ярим қора шрифтда терилсин	-
2.2.6 ~~~~~	Курсив билан терилсин	-
2.2.7 - - - -	Разрядка қилиб (орасини очиб) терилсин	-
2.2.8 ∪ ∪ ∪	Разрядка қилиш олиб ташлансин	-
2.2.9 ——— ~~~~~	Ярим қора курсив билан терилсин	-

Белгининг шакли	Вазифаси	Қўлланаши
2.2.10 	Ярим қора разрядка қилиш билан терилсин	-
2.2.11 	Курсив разрядка қилиш билан терилсин	-
2.2.12 	Қора шрифт билан терилсин	 ,  , 
2.2.13  	Қора курсив билан терилсин	белгиларни хошия четига чиқариш ва бош ҳарфлар билан ажратиб кўрсатишдан фарқлаш учун сўзлар орқали изохлаш керак.
2.2.14  	Қора разрядка қилиш билан терилсин	
2.2.15  	Қора курсив разрядка қилиш билан терилсин	
<b>2.3 Матн элементлари ва иллюстрацияларни жойлаштириш белгилари</b>		
2.3.1 д{	Матн (жадваллар, формулалар) асосий матн териладиган шрифtdан бошқа кегль (ёки гарнитура) шрифти билан терилсин	Асл нусхада матн қавс билан белгиланади ва қизил қаламда «Д» (дубликаг) ҳарфи ёзилади
3-ил.   5-расм 2-схема   5-расм 7-чизик	Матн асл нусхасининг хошияларида расмлар, схемалар, жадваллар, чизмалар ва бошқа элементларнинг саҳифаланадиган жойи кўрсатилсин	Расм (схема, жадвал, чизма) рақами хошияда кўрсатилади ва кўк рангли қалам билан доира ичига олинади









Белгининг шакли	Вазифаси	Қўлланиши
2.3.3  24	Ҳошияларда расмлар ва бошқа элементларнинг параллел рақамланиши кўрсатилсин	Тўпламлар ва журналларда кетма-кет қўйиладиган рақам асосий рақам ёнида кўрсатилади ва кизил рангли қалам билан доира ичига олинади.
2.3.4  *	Ҳатбоши қилинсин	Белги ҳошияда такрорланади
<b>N</b>	Ҳатбоши қилинсин	Шунинг ўзи
2.3.5 	Ҳатбошисиз, қаторасига терилсин	«
2.3.6 $\rightarrow \leftarrow$	Ўртага олинсин	«
2.3.7 	Ҳарф, сўз, қатор, иллюстрация ва бошқа босма элементлар тўнтариб қўйилсин	
2.3.8 	Қўшни ҳарфлар ёки сўзлар ўрни алмаштирилсин	
2.3.9 	Қўшни бўлмаган ҳарфлар ёки сўзлар ўрни алмаштирилсин	-
2.3.10 	Турли сатрлар ўрни алмаштирилсин	-
2.3.11 	Матн (иллюстрация, жадвал, формула ва ш.к) ўнга сурилсин ва тўғрилансин	-






\* Белги биргаликда тайёрланган нашрларни чиқаришда қўлланилиши керак.











Белгининг шакли	Вазифаси	Қўлланиши
2.3.12 	Матн (иллюстрация ва ш.к.) чапга сурилсин ва тўғрилансин	-
2.3.13 	Сатр кўтарилсин ва тўғрилансин	-
2.3.14 	Сатр туширилсин ва тўғрилансин	-
2.3.15 	Матн (иллюстрация ва ш.к.) кўрсатилган чегарагача (чапга, ўннга, юқорига, пастга) сурилсин	-
2.3.16 	Сатр (сатрлар, хатбоши, иллюстрация, жадвал ва бошқа элементлар) олдинги устунга ёки бетга олиб қўйилсин (кўчирилсин)	-
2.3.17 	Сатр (сатрлар, хатбоши, иллюстрация, жадвал ва бошқа элементлар) кейинги устунга ёки бетга олиб қўйилсин (кўчирилсин)	-
2.3.18 	Ҳарф(лар), белги(лар) олдинги сатрга, устунга, бетга кўчирилсин	-
2.3.19 	Ҳарф(лар), белги(лар) кейинги сатрга, устунга, бетга кўчирилсин	-
2.3.20  1 2 3 4	Сўзларнинг кетма-кетлиги ўзгартирилсин	-

Белгининг шакли	Вазифаси	Қўлланиши
<b>2.4 Ҳарфлар, сўзлар ва очик жойларни ўзгартириш (қўшиш, олиб ташлаш, алмаштириш) белгилари</b>		
2.4.1 .....	Олдин қилинган тузатиш ёки белгилаб чиқиш бекор қилинсин	-
2.4.2 δ*	Ҳарф(лар), сўз(лар) чиқариб ташлансин	-
	Ортикча ҳарфлар, сўзлар, сатрлар ва бошқа босма элементлар чиқариб ташлансин	-
2.4.3 	Ҳарф, ракам, белги алмаштирилсин ёки қўйилсин	-
2.4.4 	Битта ёки бир нечта сўз қўйилсин	-
2.4.5 	Битта ёки бир нечта сатр (жадвал, формула, иллюстрация ва бошқа элементлар) қўйилсин	-
2.4.6 	Кетма-кет бир нечта сатр алмаштирилсин ёки олиб ташлансин	-
2.4.7 	Ҳарфлар, сўзлар орасидаги бўш жой қайташатирилсин	-






\* Белги биргаликда тайёрланган нашрларни чиқаришда қўлланилиши керак.

Белгининг шакли	Вазифаси	Қўлланиши
2.4.8 	Сатрлар, хатбошилар ва бошқа элементлар орасидаги бўш жой катталаштирилсин	-
2.4.9 	Иккита ҳарф, сўз орасидаги бўш жой бир хил қилинсин	-
2.4.10 	Сатрлар, хатбошилар ва бошқа элементлар орасидаги бўш жой бир хил қилинсин	-
2.4.11 	Иккита ҳарф, сўз орасидаги бўш жой кичиклаштирилсин	-
2.4.12 	Иккита сатр, хатбоши ва бошқа элементлар орасидаги бўш жой кичиклаштирилсин	-
2.4.13 	Ҳарфлар, сўзлар орасидаги бўш жой йўқотилсин	-
2.4.14 	Сатрлар, хатбошилар ва бошқа элементлар орасидаги бўш жой йўқотилсин	-
2.4.15 	Бир нечта сатр орасидаги бўш жой («коридор») олиб ташлансин	-
<b>2.5 Теришдаги техник нуқсонларни тузатиш белгилари</b>		
2.5.1 	Терилган матн чети текислансин	-

Белгининг шакли	Вазифаси	Қўлланилиши
2.5.2 	Шрифт линияси текислан- сип	Ҳарфлар ёки сўзлар усти ва таги- дан биттадан чизик тортилади <u>и</u> <u>и</u> <u>д</u> <u>н</u> <u>я</u>
2.5.3	Чизик тури ўзгартирилсин:	-
X	очик тусдаги	
XX	ингичка	
XXX	ярим қора	
XXXX	қора	
2.5.4 	Чизик узайтирилсин	-
2.5.5 	Чизик қисқартирилсин	-
<b>2.6 Макетлар ва синов отгискларини (иллюстрацияларни) белгилаш ва тузатиш белгилари</b>		
2.6.1 	Иллюстрациялар ва хошия- лар ўлчамлари кесингача миллиметрларда ёки макет- лардаги квадратларда бел- гилансин	-
2.6.2 	Иллюстрациялар ва хошия- лар ўлчамлари кесиндан сўнг миллиметрларда ёки квадратларда белгилансин	-

Белгининг шакли	Вазифаси	Қўлланиши
2.6.3	Бўёқ рангини белгилаш:	Катта ҳарф билан ёзилади ва доира ичига олинади
	сарик	
	тўқ кизил (қизил)	
	ҳаво ранг (кўк)	
	кул ранг	
	кора	
	қўшимча кўсқартирилган бўёқ шаклда ёзилади	
2.6.4 + %	Тон . . . фоизга* кучайтирилсин	-
2.6.5 - %	Тон . . . фоизга* камайтирилсин	-
2.6.6 	Контраст камайтирилсин	-
2.6.7 	Контраст кучайтирилсин	-
2.6.8 	Тон текислансин	-
2.6.9 	Чаплашиб кетган тасвир контури ва ноаниқ чети текислансин	-
2.6.10	Бўёқларнинг қўшилишидаги четга чиқиш бартараф қилинсин	-



Белгининг шакли	Вазифаси	Қўлланиши
2.6.11 	Тасвир детали олиб таъқлансин (мураккаб контурда — контур бўйлаб чизиб чиқилсин)	-
2.6.12 	Тасвир детали . . . бурчакка ёки градусга сурилсин (айлантирилсин)	-
2.6.13 P → N	Позитив неготивга айлаптирилсин	-
2.6.14 N → P	Негатив позитивга айлаптирилсин	-
2.6.15 	Тўғри тасвир икки томонлама тасвирга ёки аксинча, ағдарилсин (айлантирилсин)	
2.6.16 	Бутун тасвир бўйича (тон, ранг ва ш.к.) қисман бажариладиган тузатишлардан фарқли равишда ўзгартиришлар киритилсин	Бошқа белгилар билан биргаликда қўлланилади, масалан, 1) $\Sigma$ бутун тасвир бўйича контраст кучайтирилсин; 2) $\Sigma$ П бутун тасвир бўйича бўёқларнинг бир-бирига мос келишга кўра оғишларни барта раф этиш
2.6.17 П/Т	Деталлар ярим тонларда ишлансин	-
2.6.18 Т	Деталлар сояда ишлансин	-
2.6.19 	Деталлар ёруғликда ишлансин	-

### 3.1 Умумий қоидалар

3.1.1 Матннинг асл нусхаларига каби, корректура оттискларига ҳам илова қилинадиган алоҳида варақда бажарувчилар (муаллиф, муҳаррир, корректор, техник, бадиий муҳаррирлар) белги қўйган ёки тузатишлар киритган (қалам ёки ручка) ранги кўрсатилиши керак.

3.1.2 Турли ранглarda кўрсатилган белгилар асл нусха ва дубликатда ўхшаш бўлиши керак.

3.1.3 Белгилар бевосита матн, макет, иллюстрациянинг улар тегишли бўлган жойида кўрсатилиши, шунингдек зарур тузатиш ёнида ҳошияларда такрорланиши керак.

3.2 Матннинг асл нусхалари ва корректура оттискларига белги қўйиш ва тузатиш учун мўлжалланган белгиларни қўллаш қоидалари

3.2.1 Турли матн турлари (шу жумладан, шрифтли ва ажратиб кўрсатишнинг бошқа хиллари) ва нашриётнинг матнли асл нусхаларида дубликатлар кўк ёки бинафша рангли сиёҳ (наста ёки қалам) билан белги қўйилади.

3.2.2 Матн асл нусхасининг биринчи бетида ёзма равишда шрифтни матндан ажратиб кўрсатиш учун қўлланиладиган белгилар ёзма тушунтирилади.

3.2.3 Матн асл нусхалари ва корректура оттискларининг ҳар бир бети корректор томонидан имзоланиши керак.

3.2.4 Оддий қалам билан ҳар қандай тузатишлар қилишга йўл қўйилмайди.

3.2.5 Бир устунли теришда корректура оттискларида белгилар ўнг хошияга, кўп устунли ёки катга форматда бир устунли теришда ўнг ва чап хошиядан фойдаланишга, газеталарда эса, хошиядаги белгини матндаги белги билан чизик орқали бирлаштиришга йўл қўйилади.

3.2.6 Ҳошиялардаги барча белгилар, иложи борича, тузатиш қилинган сатр даражасида такрорланиши керак.

3.2.7 Битта сатр ва полосадаги ҳар хил тузатишлар турли белгилар билан кўрсатилиши ва хошияларда худди шундай кетма-кетликда такрорланиши керак.

3.3 Синов оттискларига белги қўйиш ва тузатиш учун мўлжалланган белгиларни қўллаш қоидалари

3.3.1 Иллюстрацияларнинг синов оттискларини тайёрлашда иллюстрациялар атрофида кенлиги 3 см бўлган хошиялар қолдирилиши керак.

3.3.2 Белгилар тасвир остига, улар бутун тасвирга тегишли бўлган ҳолдагина туширилади. Тасвирнинг айрим қисмларини тузатишда бу

қисмлар рамка (доира) ичига олинади, белги ҳошияга чиқарилади ва чизик орқали рамка билан бирлаштирилади.

3.3.3 Белгилар иллюстрацияларнинг рангли ва кўп бўёқли оттисқларида қора рангли қалам (шарикли ручка ёки фломастер) билан, қора бўёқли оттисқларда эса қизил рангли қалам билан қўйилади.

3.3.4 Кўп бўёқли иллюстрацияларнинг барча синов оттисқларида босиш жараёнини назорат қилиш шкалалари жойлаштирилиши керак.

3.4 Макетларга белги қўйиш ва тузатиш учун мўлжалланган белгиларни қўллаш қоидалари

3.4.1 Наприёт макетлари муқовалар (жилдлар, мукова жилдлари, титуллар) макетларига, териш макетлари ва босиш учун мўлжалланган макетларга бўлинади. Макетларга белги қўйиш белгилари оддий (қора) қалам билан кесишгача (кесишдан кейин) иллюстрациялар ёки ҳошияларнинг ўлчамларини белгилашда туширилади.

3.4.2 Кўп бўёқли макетларни тайёрлашда бўёқ ранги жадвалга мувофиқ (2.6.3-банд) белгиланади ва тегишли рангдаги доира ичига олинади. Бўёқлар сони бештадан кўп бўлганда (2.6.3-бандда кўрсатилган), бўёқ номи сўзлар билан қисқартирилган тарзда кўрсатилишига, масалан, бинафша ранг бўёқ бинаф., шунингдек, доира ичига олинишига йўл қўйилади.

3.4.3 Тузатишлар киритилган макетлар ва иллюстрацияларнинг синов оттисқлари муҳаррир, бадий тахририят мудир, бадий ва (ёки) техник муҳаррир томонидан имзоланиши керак. Иллюстрацияда матн бўлганда имзоларнинг сони кўп бўлишига, масалан, корректорнинг имзоси бўлишига йўл қўйилади.

**ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**

---

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича  
стандартлар тизими**

**КОНЛАРНИНГ ГЕОЛОГИК ЎРГАНИЛИШИ  
ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ**

**Мазмуни ва расмийлаштиришга қўйиладиган  
умумий талаблар**

**Маҳсулот сифатини бошқариш ва стандартлар  
бўйича Давлат қўмитаси  
Москва — 1992**

## Сўз боши

1 Геология вазирлиги томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН

Ишлаб чиқувчилар

Геология-минералогия фанлари доктори А.Н. Олейников; геология-минералогия фанлари номзоди Е.Б. Паевская; Л.И. Вакорина; Е.Н. Леонтьева

2 Маҳсулот сифатини бошқариш ва стандартлар Давлат кўмитасининг 1990 йил 02 августдаги 2358-сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН

3 ОСТ 41-09-259-85 ЎРНИГА

4 Ҳавола килинган норматив-техник ҳужжатлар

Ҳавола берилган норматив-техник ҳужжатнинг номи	Банд, кичик банднинг рақами
ГОСТ 1.25-76	3.2.2
ГОСТ 7.1-84	4.14.5
ГОСТ 7.12-77	4.1.13
ГОСТ 7.32-81	Кириш қисми; 1.2; 4.4.1; 4.9.1; 4.10
ГОСТ 8.417-81	4.1.13
ГОСТ 13.102-80	4.1.4
ГОСТ 15.011-82	4.17.2
ГОСТ 16263-70	3.2.2

---

**ДАВЛАТ СТАНДАРТИ**


---

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича**  
**стандартлар тизими**

**КОНЛАРНИНГ ГЕОЛОГИК ЎРГАНИЛИШИ**  
**ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ**

**ГОСТ**  
**7.63-90**

**Мазмуни ва расмийлаштиришга қўйиладиган**  
**умумий талаблар**

System of standards on information, librarianship and publishing. Report on geological study of the earth's interior. General requirements for the content and presentation

---

**Амал қилиш муддати 01.07.91дан**  
**01.07.96 гача**

Стандарт буюртмачи, бажарувчи ташиқлотларнинг идоравий ман-сублигидан катъи назар, геология-кидирув ишларининг барча турлари бўйича тайёрланадиган ҳисоботларга тааллуқлидир. У «Союзгеолфонд» бирлашмасига, шунингдек, ҳудудий геология фондларига топширилиши лозим бўлган, конларни геологик ўрганиш бўйича тугалланган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларнинг структурасига, тузилишига ва уларни рас-мийлаштиришга қўйиладиган умумий талабларни белгилайди.

Геологик ишларнинг айрим ўзига хос хусусиятларга эга бўлган тур-лари бўйича ҳисоботларнинг тузилиши ва мазмунига қўйиладиган талаб-лар норматив-техник ҳужжат (НТХ) да белгиланади.

Стандарт қурилиш учун мўлжалланган муҳандис-геологик изланишлар бўйича техник ҳисоботларга, қурилиш учун мўлжалланган муҳандислик изланишлар таркибидаги маҳаллий қурилиш материалларини излаб топиш бўйича ҳисоботларга, «Союзгеолфонд» бирлашмасида рўйхатга олин-ган, тугаллангандан сўнг босмага топширилиши лозим бўлган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларга тааллуқли эмас.

## 1 Умумий қондалар

1.1 Қонларнинг ўрганилиши тўғрисидаги ҳисобот тугалланган ишларнинг натижаларини (ёки мустақил моделештириладиган или босқичларини) аке эттирувчи илмий ишлаб чиқариш ҳужжати ҳисобланади.

1.2 Ҳисоботга киритиладиган материаллар қайта ишланган ва тизимлаштирилган бўлиши керак. Объективлик, аниқ, қисқа бўлишлик ва формулировкаларнинг, қатъий талқин этиш имконини берувчи аниқлиги, иш натижаларининг аниқ баён қилиниши, хулоса ва тавсияларнинг асосланганлиги ҳисоботга қўйиладиган умумий талаблар.

1.3 Ҳисобот ҳажми, таркиби ва тақдим этиш муддатлари геологик (техник) тошпирикда ёки ишлар асосланиб бажарилган бошқа ҳужжатда, иш даврида расман қабул қилинган барча тўлдиришлар ҳисобга олинган ҳолда, белгиланган бўлиши керак.

1.4 Ҳисобот бажарувчи ташкилотнинг коллегиял органи (Илмий техник кенгаш, илмий кенгаш ва ҳ.к) томонидан кўриб чиқилди ва ташкилот раҳбарияти томонидан тасдиқланади.

Фойдали қазилма қонларини тўла қидириб топиш тўғрисидаги ҳисобот, бажарувчи ташкилот томонидан кўриб чиқилганлик баённомалари билан бирга, захираларни тасдиқлашга захиралар бўйича Давлат комиссиясига, Геология вазирлиги фойдали қазилмаларининг захиралари бўйича ҳудудий комиссиясига ёки қидирув ишларини бажарган бирлашма (экспедиция) нинг илмий-техник кенгашига тақдим этилади.

1.5 Ҳисоботнинг биринчи нусхаси «Союзгеолфонд» бирлашмасига, иккинчиси иш рўйхатдан ўтган жойдаги ҳудудий геология фондига юборилади.

Ҳисоботнинг бир ёки икки нусхаси сақлаш учун бажарувчи ташкилот фондига ёки кутубхонасига берилади. Ҳисоботнинг буюртмасига кўра белгиланади.

1.6 Регионал геология фондларига эга бўлган икки ва ундан ортиқ ташкилот фаолият кўрсатадиган ҳудудда ишларни олиб борган бажарувчи ташкилот ҳисоботларни камида иккита фондга тақдим этади, бошқаларига эса, ҳисоботнинг тўлиқ матни қаердалигини кўрсатган ҳолда, олиб борилган ишларнинг натижалари тўғрисида қисқача маълумот беради.

1.7 Ҳисобот ҳар бир китобининг, жумладан унинг барча структуравий элементларининг, матнли иловалар ҳар бир китобининг ҳажми 300 бетдан ошмаслиги керак.

1.8 Мавжуд материални (локал таснифлагичлар, жадваллар, устулар, расмлар ва диаграммалар) тақдим этиш шакли ишлаб чикувчи томонидан белгиланади, агарда бу хусусда буюртмачи билан тузилган шартномада махсус келишилмаган бўлса.

## 2 Ҳисобот структураси

2.1 Ҳисобот куйидаги таркибий элементларни ўз ичига олиши керак:

- этикетка (муқовада);**
- титул варағи;**
- базарувчилар рўйхати;**
- реферат;**
- геологик топириқ (шартнома, техник топириқ) нинг нусхаси;**
- мазмун (мундарижа);**
- иллюстрациялар рўйхати;
- матнли иловалар рўйхати (агар бўлса);
- график иловалар рўйхати (агар бўлса);
- шартли белгилар, символлар, кам тарқалган атамалар ва қисқартмалар рўйхати (агар бўлса);
- матнли қисм (кириш, асосий қисм, хулоса);**
- фойдаланилган манбалар рўйхати (адабиётлар);**
- матнли иловалар;
- метрологик экспертиза хулосаси (маълумотнома);**
- патент тадқиқотлари тўғрисидаги хулоса (маълумотнома)**
- тақриз (тақризлар);**
- ҳисоботни кўриб чиқиш ва қабул қилиш баённомаси (баённомалари);**
- дастлабки материалларни архивга топириш далолатномаси;
- ишларнинг қиймати тўғрисидаги маълумотнома;**
- график иловалар (алоҳида папкада, график иловаларнинг рўйхати билан бирга).

Изоҳ --- Қора шриффт билан мажбурий структура элементлари ажратилган.

2.2 Ҳисоботга, мазмуни томонларнинг келишувига ёки тегишли иш турларига оид илмий-техник хужжатга қараб белгиланадиган бошқа структура элементлари ҳам киритилиши мумкин.



2.3 Асосий фактик маълумотларни ичига олган, лекин ҳисоботнинг асосий мағнига кирмаган кўшимча материал матнли илова сифатида китобнинг охирида, фойдаланилган манбалар рўйхатидан кейин жойлаштирилади, қатга ҳажмли ҳисоботда матнли иловаларнинг алоҳида мустақил китобига (китобларига) ажратилади.

2.4 Формати кўшалок босма қоғоз (А3) ўлчамларидан ошадиган расмли материаллар график иловалар таркибига киритилади.

### 3 Ҳисоботнинг матнли қисмига қўйиладиган талаблар

#### 3.1 Кириш

##### 3.1.1 Кириш ўз ичига қуйидаги ахборотни олиши керак:

1) тадқиқотларнинг мақсади ва асосий вазифалари;

2) ишларни ташкиллаштириш тўғрисидаги маълумотлар, уларни бажариш муддатлари ва жойи (ишлар олиб бориладиган жойнинг маъмурий жиҳатдан мансублиги, географик ўрни, листларнинг координаталари ва номрўйхати); дала ишлари ва камерал ишларда банд бўлган барча ходимларнинг фамилиялари, ишларни олиб боришнинг тақвимий муддатлари ва ҳажми;

3) бажарувчиларга ёрдам кўрсатган ёки маслаҳат берган ташкилотлар ва мутахассислар тўғрисидаги ахборот.

3.1.2 Киришда, шунингдек, рўйхати ҳар бир иш турига норматив-техник ҳужжатда белгиланадиган кўшимча махсус маълумотлар ҳам келтирилади.

#### 3.2 Ҳисоботнинг асосий қисми

3.2.1 Ҳисобот асосий қисмининг таркиби ва мазмунини ишларнинг берилган тури учун мўлжалланган норматив-техник ҳужжатга мувофиқ масъул бажарувчи (илмий раҳбар ва буюртмачи) белгилайди.

3.2.2 Ҳисоботнинг асосий қисми қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

1) масаланинг ҳолати (тадқиқ қилиниш тарихи, геологик жиҳатдан ўрганилганлик ва ш.к.);

2) ишларни олиб бориш шароитлари (табiiй-географик, иқтисодий, ташкилий ва б.);

3) ишларнинг услуги тўғрисидаги маълумотлар, фойдаланилган техник воситалар;

4) ишларнинг метрологик таъминоғи (1-иловада санаб ўтилган ҳисоботларда) — ГОСТ 1.25, ГОСТ 16263га мувофиқ, лойиҳа ва ҳисобот геологик ҳужжатларни метрологик экспертиза қилиш бўйича норматив-

техник хужжатда ўлчашлар рўйхати, йиғма жадваллар (2-илова), фойдаланилган маълумотлардан олинган адабиётлар рўйхати, шунингдек ишларни бажариш лойиҳасида (дастурида) белгиланган метрологик таъминот бўйича талабларнинг бажарилиши келтирилади;

5) бажарилган тадқиқотларнинг мазмуни ва натижалари, шу жумладан, кўплаб қўшимча излашлар натижалари (агарда, бундай ишлар олиб борилган бўлса).

3.2.3 Табiiй шароит ҳолатига таъсир этадиган ишларнинг барча тури учун конларни ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича бажарилган ёки тавсия килинган тadbирлар кўрсатилиши керак.

3.2.4 Тижорат аҳамиятига эга бўлган натижаларни, буюртмачи билан келишувга кўра, зарур маълумотни истеъмолчиларга бериш имконияти кўрсатилган ҳолда, умумий кўринишда баён қилишга йўл қўйилади. Муайян ишланмаларни бериш шартлари (кўпайтириш қоидалари, шартнома баҳолари ва б.) ҳулосада кўрсатилади. Бажарилган ишларнинг мазмуни бажарувчиларнинг муаллифлик ва ихтирочилик ҳуқуқларини, шунингдек, давлат сирини сақлаш талабларига риоя қилинган ҳолда, баён қилиниши керак.

### 3.3 Ҳулоса

Ҳулоса куйидаги ахборотдан иборат:

1) ўтказилган ишларнинг натижалари бўйича асосий назарий ва амалий ҳулосалар, жумладан техник, услубий ва геологик характердаги ютуқлар, улардан фойдаланиш бўйича таклифлар;

2) ишлар натижаларининг иқтисодий, илмий, халқ хўжалиги ва бошқа самарадорликни баҳолаш (агар бу геологик топшириқ билан боғлиқ бўлса).

## 4 Ҳисоботни расмийлаштириш қоидалари

### 4.1 Умумий талаблар

4.1.1 Ҳисобот рус тилида, А4 форматли оқ ёзув қоғозининг бир томонида 1,5 ёки 2 интервал орқали, қора тасма ва нусха кўчирувчи қоғоздан фойдаланиб босилади.

4.1.2 Ҳисобот матнини компьютер қурилмаларида, А4 ёки А3 форматни сақлаган ва 4.1.3–4.1.12, 4.4–4.6-бандларда кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда босишга йўл қўйилади.

4.1.3 Ҳошия ўлчамлари куйидагидан кам бўлмаслиги керак:

Чапдан – 30 мм; ўнгдан – 10 мм; юқоридан – 15 мм; пастдан – 20 мм.

4.1.4 Ҳисобот биринчи нусхасининг сифати ва ёркинлиги, унга кирадиган барча материалларнинг бажарилиши, ҳисоботни турли усуллар билан репродукция қилиш, жумладан, ГОСТ 13.102 бўйича микрофильмлаш имкониятини таъминлаши керак.

4.1.5 Ҳисобот матнига айрим сўзларни, формулалар, шартли белгиларни қора тушъ ёки паста билан киритишга йўл қўйилади.

4.1.6 Теришдаги хатоларни ва график чизмалардаги ноаникликларни тозалаш ёки ок бўёк ёки корректура қоғозининг оптикски билан, тузатилаган матни машинада ёки қўлда қора тушъ (паста) билан тушириш орқали тўғрилашга рухсат этилади.

4.1.7 Ҳисобот асосий қисмининг матни бўлимларга, кичик бўлимларга, банд ва кичик бандларга бўлинади. Бўлимлар ва кичик бўлимлар сарлавҳага эга бўлиши керак.

4.1.8 Ҳисобот бўлимлари бугун ҳисобот ичида тартиб рақамига эга бўлиши ва охирида нукта қўйилган араб рақамлари билан белгиланиши керак (1., 2., ва ҳ.к.). Кириш ва хулосага рақам қўйилмайди. Кичик бўлимлар, бандлар ва кичик бандлар, ҳар бир бўлим ичида охирида нукта қўйилган араб рақамлари билан рақамланади, масалан, 1.2, 1.2.1, 1.2.1.1.

4.1.9 Тўрттадан ортиқ иерархик даражани ичига олувчи рубрикация киритилишига йўл қўйилмайди.

4.1.10 Бандлар ёки кичик бандларнинг ичида қавсли араб рақамлари билан кўрсатиладиган санаб ўтишларга йўл қўйилади, масалан, 1); 2); 3)....

4.1.11 Ҳисобот бўлимлари, кириш ва хулоса янги бетдан ёзилади. Сарлавҳалар бош ҳарфлар билан ёзилади, охирида нукта қўйилмайди ва сатрнинг ўртасида жойлаштирилади.

Кичик бўлимларнинг сарлавҳалари кичик ҳарфлар (биринчиси бош ҳарф) билан ёзилади ва сатрнинг ўртасида, охирида нуктасиз жойлаштирилади.

Бандлар ва кичик бандларнинг (агар бўлса) сарлавҳалари хатбошидан (чап ҳошиядан 5 та босма белги таглаб), охирида нукта қўйилмасдан кичик ҳарфлар (биринчиси бош ҳарф) билан ёзилади. Сарлавҳа иккита жумладан иборат бўлса, биринчисининг охирида нукта қўйилади. Сарлавҳаларда сўзларнинг тагига чизишга ва кўчиришга йўл қўйилмайди.

4.1.12 Сарлавҳалар ва матн орасидаги масофа 3-4 интервал бўлиши керак.

4.1.13 Шартли белгилар ва қисқартмалар ҳисоботнинг бутун матни учун ягона бўлиши керак.

Янги ва кам тарқалган атамалар, шартли белгилар ва қисқартмалар алоҳида рўйхат кўринишида, маъноси ёритилиб берилади. Физик катталиклар бирликлари – ГОСТ 8.417 бўйича.

Матнда фойдаланиладиган русча сўзлар ва бирикмаларнинг қисқартмалари ГОСТ 7.12 га мос келиши керак.

4.1.14 Ҳисоботни ва унга кирадиган барча материалларни расмийлаштиришда фақат синтетик ёки ёғоч елимлардан (унга антисептиклар қўшган ҳолда) фойдаланишга йўл қўйилади. Ёпишқоқ ленталар, лейкопластидан, шунингдек, резина ёки силикат елимдан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

4.1.15 Ҳисоботнинг ҳар бир китоби каттик муқовага эга бўлиши керак. Ҳажми 30 бетгача бўлган ҳисоботларнинг муқоваси юмшоқ картондан бўлишига йўл қўйилади.

Муқовалашда китобларни жиддлаш фақат ип билан қилинади.

4.1.16 Бирлашмалар (экспедициялар) илмий-техник кенгашнинг ЭҲК ва ЗДК ларнинг фойдали қазилмаларнинг захираларини тасдиқлаш тўғрисида баённомалари, шунингдек, координаталар каталоги алоҳида муқоваланади.

Тақризларни ҳамда ҳисоботни кўриб чиқиш ва қабул қилиш баённомаларини алоҳида муқовалашга йўл қўйилади.

4.1.17 Титул varaқдаги имзолар, ҳисоботни кўриб чиқиш баённомалари, тақризлар ва ишларнинг қиймати тўғрисидаги маълумотнома ташкилот муҳри билан тасдиқланади.

## 4.2 Рақамлаш

4.2.1 Ҳисобот саҳифалари юқори ўнг бурчакка қўйиладиган араб рақамлари билан рақамланади. Титул varaғи умумий рақамлашга киритилади, лекин рақам қўйилмайди.

4.2.2 Матнда алоҳида саҳифаларда жойлаштирилган жадваллар ва расмлар, шунингдек, ҳисобот матни билан битта китобда муқоваланган матнли иловалар ва ҳужжатлар умумий рақамлашга киритилади.

Қўш форматли varaқларда бажарилган жадваллар, расмлар ва ЭҲМ распечаткалари кўшилади ва битта саҳифа каби рақамланади.

4.2.3 Ҳисобот бир нечта китобдан иборат бўлса, уларнинг ҳар бирида саҳифалар алоҳида рақамланиши керак.

## 4.3 Иллюстрациялар

4.3.1 Ҳисоботнинг «Союзгосфонд» бирлашмасига юбориладиган биринчи нусхасидаги барча иллюстрациялар штрихли, фотографик ёки полиграфик усулда кўнайтирилган ёки тушда бажарилган бўлиши керак.

Иллюстрациялардаги чизикларнинг минимал қалинлиги 0,2 мм, чизиклар ўртасидаги масофа камида 0,8 мм бўлиши керак.

Иллюстрациялар таркибий элементларини (чизиклар, шартли белгилар ва б.) кўк ва зангори ранглардан ташқари, барча рангда тасвирлаш мумкин.

Иллюстрациялар репродукция қилиш ва микрофильмлаш учун яроқли бўлиши керак.

4.3.2 Худудий геология фондларига ҳисоботнинг электрографик усулда қўнайтирилган иллюстрацияли, шунингдек, рангли суратли ва бўялган иллюстрацияли нусхаларини тақдим этишга рухсат этилади. Аммиакли қоғозда ва синькада бажарилган иллюстрацияларни тақдим этишга ҳам рухсат этилади.

4.3.3 Матндаги барча иллюстрациялар (фотосуратлар, расмлар, схемалар, чизмалар ва ш.ў.) «Расм» сўзи билан белгиланади ва бўлим ичида кетма-кет араб рақамлари билан рақамланади. Иллюстрация рақами бўлим рақамидан ва унинг «№» белгиси бўлмаган нукта билан ажратилган тартиб рақамидан иборат, мисол учун: «1.2-расм» (биринчи бўлимдаги иккинчи расм).

Ҳисоботда битта иллюстрация бўлса, у рақамланмайди ва «Расм» сўзи ёзилмайди.

4.3.4 Иллюстрациялар улар матнда биринчи марта тилга олингандан сўнг, уларга ҳавола қилинган жойга мумкин қадар яқинлаштирган ҳолда, китобни айлантирмасдан ёки соат йўналишида кўриш мумкин бўладиган тарзда жойлаштирилади.

A4 форматдан кичик ўлчамли иллюстрациялар A4 форматдаги оқ қоғозга слимланиши керак.

4.3.5 Иллюстрациялар номланиши ва зарур бўлганда, расм остида бериладиган матн билан тўлдирилиши керак.

Иллюстрация рақами, номи ва изоҳловчи маълумотлар (янги сатрдан) беvosита иллюстрация остида жойлаштирилади. Иллюстрация номи кичик ҳарфлар билан (биринчиси катта ҳарф), охирида нукта қўймасдан ва тагига чизмасдан ёзилади.

Зарур бўлганда, изоҳловчи маълумотларни алоҳида варақда «...расмга» деган ёзув билан жойлаштиришга рухсат этилади. Улар ҳам иллюстрациялар каби жойлаштирилади.

#### 4.4 Жадваллар

4.4.1 Рақамли, матнли ёки аралаш материални ичига олган жадваллар матн орасида ёки алоҳида варақларда жойлаштирилади (3-илова).

Ҳар бир жадвал сарлавҳага эга бўлиши керак.

4.4.2 Жадваллар ҳисоботнинг ҳар бир бўлими бўйича алоҳида рақамланади. Жадвал рақами нукта билан ажратилган бўлим рақамидан ва жадвалнинг тартиб рақамидан иборат. Масалан, «1.6-жадвал» (1-бўлимнинг олтинчи жадвали).

Киришда жойлаштирилган жадваллар бўлим кўрсатилмаган тартиб рақамига эга бўлади.

Агар ҳисоботда битта жадвал бўлса, у рақамланмайди ва «жадвал» сўзи ёзилмайди.

4.4.3 Жадваллар улар матнда биринчи марта тилга олингандан сўнг, кигобни айлантирмасдан ёки соат йўналишида айлантириб ўқиш мумкин бўладиган тарзда жойлаштирилади.

4.4.4 Жадвалларни бир интервал оралатиб, А3 форматдаги қоғозга ёзишга руҳсат этилади.

4.4.5 Кўп қаторли жадвални бошқа вараққа кўчиришга йўл қўйилади, бунда сарлавҳа унинг биринчи қисмида жойлаштирилади. Қолган қисмлар устида «жадвалнинг давоми» деб ёзиб қўйилади.

Жадвални кўчиришда биринчи вараққа унинг устунларини рақамлашга руҳсат этилади, барча кейинги варақларда жадвалнинг бошида фақат рақамларнинг ўзи ёзилади.

Устунлари кўп бўлган жадвални қисмларга бўлишга ва битта қисмни бошқасининг остида жойлаштиришга руҳсат этилади, ҳар бир қисм учун ён томонларини қайтарган ҳолда.

4.4.6 Агар жадвал устунда такрорланадиган матн битта сўздан иборат бўлса, у ҳолда уни кейинги сатрда қўштирноқ билан, агар иккита ва ундан кўп сўздан иборат бўлса, биринчи такрорланишда «шунинг ўзи» сўзлари билан, кейин эса қўштирноқлар билан алмаштиришга руҳсат этилади.

Такрорланадиган рақамларни, белгиларни, математик, кимёвий ва бошқа символларни қўштирноқлар билан алмаштиришга руҳсат этилмайди.

4.4.7 Жадвалнинг қайсидир устунда рақамли ёки бошқа маълумотлар бўлмаса, бу жойда чизиқча қўйилади.

#### 4.5 Формулалар

4.5.1 Формулалар ва тенгнамалар матндан алоҳида қаторларга ажратиб чиқарилиши керак. Агар тенглама битта қаторга сиғмаса, тенглик белгисидан ёки арифметик белгилар (+, -, :, x) дан кейин кўтарилиши мумкин.

4.5.2 Формулалар (улар биттадан кўп бўлса) ҳар бир бўлим ичида араб рақамлари билан рақамланади. Формуланинг бўлим рақамидан ва форму-

ланинг бўлимдаги тартиб рақамидан иборат рақами формула даражасида унинг ўнг томонидан қавс ичида кўрсатилади.

Мисол:

$$S(Q)=Q+E \quad (2.4)$$

(2-бўлимдаги 4-формула).

4.5.3 Символлар ва сонли коэффициентлар қийматларининг изоҳи бевожита формула остида, улар формулада қандай берилган бўлса, шу тартибда келтирилади. Изоҳнинг биринчи сатри «бу ерда» сўзи билан, икки нуктасиз бошланади.

#### 4.6 Ҳаволалар

4.6.1 Матридаги фойдаланилган манбаларга қилинган ҳаволаларда манбалар рўйхатидаги, қия қавсларга олинган тегишли рақам кўрсатилади.

Муаллифнинг фамилияси ёки сарлавҳанинг дастлабки сўзлари ва иш нашр қилинган йилни кўрсатган ҳолда, ҳаволалар қилишга руҳсат этилади; фонд ишларига ҳавола қилинганда, улар чиққан йилдан кейин, «Ф» ҳарфи қўйилади, масалан: / Петров, 1980/; /геологик ҳужжатлар..., 1984/; /Иванов, 1988ф/. Бу ҳолда, фойдаланилган манбалар рўйхатда рақамланмайди.

Ҳисоботдаги ҳаволалар бир хил бўлиши керак.

4.6.2 Матрида келтирилган барча цитаталар қавс ичига олинади, фойдаланилган манбага ва оригинал саҳифасига ҳавола қилинади, масалан: /15, т. 1, с. 80/.

4.6.3 Расмлар, жадваллар ва формулаларга ҳаволалар тегишли рақам кичик қавсда кўрсатилган ҳолда берилади, масалан: (3.2-расм), (4.1-жадвал), (4.1) – ҳисобот асосий қисми бўлимларида; (1.1-илова. расм.), (1.1-илова. жадвал), (1.1-илова) — иловаларда.

График иловаларга ҳаволаларда кичик қавсларда илова рақами, зарур бўлганда варақ рақами кўрсатилади. Масалан: (1-граф. илова, 2-в.) — биринчи график илованинг 2-варағи.

#### 4.7 Этикетка

4.7.1 Этикетка ўлчами (140–150) x (100–110) мм бўлган тўғри бурчак шаклида ҳисобот ҳар бир китобининг; муқованинг ўрта қисмида жойлаштирилади.

Ташкилот номи ва эмблемасини ўз ичига оладиган этикеткаларнинг бадиий безатилган босма бланкларидан фойдаланишга йўл қўйилади. Ўзгариб турадиган матн машинкада босилади.

4.7.2 Этикетка 4 — иловага мувофиқ расмийлаштирилади.

Этикетканинг юқори қисмида ташкилий тузилманинг камида учта даражаси санаб ўтилади (вазирлик, бирлашма, институт ёки экспедиция). Ҳисобот бир нечта ташкилот томонидан бажарилганда, фақат етакчи ташкилот кўрсатилади.

#### 4.8 Титул варағи

4.8.1 Титул варағи (Б илова) қуйидаги маълумотни ўз ичига олади:

1) ҳисобот бажарилган ташкилот (ташкилотлар)нинг номи.

Вазирлик (идора) номи бош ҳарф билан белгиладиган кичик ҳарфларда, бажарувчи ташкилот номи бош ҳарфлар билан ёзилади. Ташкилий тузилманинг камида уч даражаси кўрсатилади:

2) УЎТ индекси;

3) ҳисобот нусхасининг рақами;

4) «Союзгеолфонд» бирлашмасининг ёки ҳудудий геологик фондининг давлат рўйхатга олиш рақами;

5) тасдиқлаш грифи;

6) келишилганлик грифи (зарур бўлганда). Варақнинг чап қисмида «Союзгеолфонд» «\_\_\_\_\_сон» сатри остида жойлаштирилади ва «КЕЛИШИЛГАН» сўзидан, лавозими ва ташкилот, илмий даражаси, илмий унвони номидан, келишилган шахс имзосидан, имзонинг расшифровкасидан ва ҳисобот келишилган муддатдан иборат бўлади.

Иш хат орқали келишилганда «КЕЛИШИЛГАН» сўзи остида келишиладиган ташкилотнинг қисқартирилган номи, хатнинг чиқиш рақами ва келишилганлик санаси кўрсатилади.

7) масъул бажарувчининг фамилияси, исм-шарифи — қавс ичида кўрсатилган ҳолда (мас. бажарувчи), зарур ҳолларда, айниқса ҳисоботни, иккитадан кўп бўлмаган бажарувчиларнинг фамилиялари кўрсатилади.

8) ҳисоботнинг тўлиқ номи — рўйхатга олиш ҳужжатлари ва мувофиқ — бош ҳарфлар билан ёзилади;

9) ишнинг шифри (шартнома, мавзу рақами ва ш.к.);

10) китоблар ва папкаларнинг умумий сони (агар улар бир нечта бўлса);

11) китобнинг тартиб рақами (араб рақамлари билан) ва номи;

12) бажарувчи ташкилот илмий раҳбарининг (бор бўлса) ёки бош геолог (геофизик, гидрогеолог) имзоси, ишларнинг характериға боғлиқ равишда;

13) ҳисобот тузилган бўлинма раҳбарининг (экспедиция бош геологи, бош геофизиги, бош гидрогеологи) имзоси.



4.8.2 Агар ҳисобот иккита ва ундан ортиқ китобдан иборат бўлса, «КЕЛИШИЛГАН», «ТАСДИҚЛАНГАН» грифлари ва раҳбарларнинг имзолари фақат биринчи китобнинг титул varaғида жойлаштирилади.

#### 4.9 Бажарувчилар рўйхати

4.9.1 Бажарувчилар рўйхати ишларни бажаришда ижодий қатнашган барча шахсларнинг (иш муаллифларининг) фамилиясини ўз ичига олади.

Фамилиялар рўйхатда устун шаклида, масъул бажарувчи белгилайдиган тарғибда жойлаштирилади, унинг фамилияси «Масъул бажарувчи» кўринишида биринчи бўлиб ёзилади.

Чап томонда бажарувчининг лавозими, илмий даражаси ва илмий унвони кўрсатилади, кейин имзо, инициаллар, фамилия ва қавс ичида ушбу бажарувчи томонидан бажарилган бўлим (кичик бўлим) рақами кўрсатилади. Ҳамкор бажарувчилар учун ташкилот кўрсатилади.

Зарур бўлганда, бўлимларнинг муаллифлари мундарижада ҳам кўрсатилади.

4.9.2 Муаллифлар рўйхатидан қуйида имзосиз, ишда қатнашган шахсларнинг рўйхати келтирилиши мумкин (бажарилган ишнинг характери кўрсатилган ҳолда).

4.9.3 Муаллифлар ва ишда қатнашган шахслар рўйхатидан кейин, норма назоратчининг имзоси, текшириш ўтказилган муддат ва имзонинг расшифровкаси бўлиши керак.

Норма назоратчи ҳисобот тузилган ташкилот ходими ҳисобланади, у маъмурий томонидан, ҳисоботларнинг амалдаги давлат ва гармоқ стандартларига, раҳбарий ҳужжатлар, йўриқномалар ва бошқа норматив-техник ҳужжатлар талабларига мос келишини текшириш мақсадида тайинланади.

4.9.4 Агар ҳисобот иккита ва ундан кўп китобдан иборат бўлса, бажарувчиларнинг умумий рўйхати фақат биринчи китобда жойлаштирилади. Кейинги китобларда муаллифларнинг рўйхати келтирилади.

#### 4.10 Реферат

Реферат ахборот картанинг маълумотларини ўз ичига олади ва ГОСТ 7.9 бўйича расмийлаштирилади.

#### 4.11 Геологик топширик (шартнома, техник топширик) нусхаси

4.11.1 Ҳисоботда геологик топширик (шартнома, техник топширик ва ш.к.) нусхалари, пуниплек, уни аниқлаштирувчи ҳужжатларнинг (баённомалардан ва экспедициянинг объектлар бўйича тасдиқланган режаларидан кўчирмалар) нусхалари бўлиши керак.

4.11.2 Геологик топширик (шартнома, техник топширик) нусхаси ва уни аниқлаштирувчи ҳужжатлар варакнинг бир томонида босилади, нусха масъул бажарувчи томонидан имзоланади.

#### 4.12 Мундарижа

4.12.1 Мундарижа ҳисоботнинг сарлавҳага эга бўлган барча таркибий элементларнинг номи, шунингдек, ҳисоботга киритилган барча ҳужжатларнинг номи (2.1 ва 2.2-бандларга мувофиқ), матннинг тегишли рубрикалари ёки ҳужжатлар бошланадиган саҳифалар кўрсатилган ҳолда берилиши керак.

4.12.2 Агар ҳисобот бир нечта китобдан иборат бўлса ёки алоҳида китобга жойлаштирилган матнли иловаларга эга бўлса, ҳисоботнинг биринчи китобида ҳар бир китобнинг тўлиқ мундарижаси, кейингиларида фақат берилган китобнинг мундарижаси келтирилади.

#### 4.13 Иллюстрациялар, матнли ва график иловалар рўйхати

4.13.1 Иллюстрациялар ва матнли иловалар рўйхатлари уларнинг рақами ва ушбу материалларнинг матнда жойланган бетлари кўрсатилган ҳолда номлари билан келтирилади.

График иловалар рўйхатида, улар жойлаштирилган папканинг рақами кўрсатилган ҳолда, иловаларнинг рақами ва номи келтирилади.

4.13.2 Агар ҳисобот бир нечта китобдан иборат бўлса, биринчи китобда иллюстрациялар ва матнли иловалар (китоблар бўйича)нинг умумий рўйхати, кейинги китобларда — фақат ушбу китобга тааллуқли рўйхатлар жойлаштирилади.

#### 4.14 Фойдаланилган манбалар рўйхати (адабиётлар)

4.14.1 Рўйхатга ҳисобот матнида, график иловаларда ёки иллюстрациялар номларига ҳаволалар бўлган барча эълон қилинган ва қўлёзма (фонд) материаллар киритилади.

4.14.2 Рўйхатда аввал эълон қилинган материаллар, сўнгра фонд ишлари келтирилади. Бу бўлимларнинг ичида изчил тарзда алифбо тартибида рус тилидаги, хорижий тиллардаги ишлар жойлаштирилади.

4.14.3 Агар ҳисоботда фойдаланилган манбаларнинг рақамларига ҳаволалар олинган бўлса, у ҳолда бутун рўйхат учун яппи рақамлаш бўлиши керак.

4.14.4 Бир муаллифнинг бир нечта иши бўлганда, улар хронологик тартибда, напир этилган йиллари мос тушганда, номлари алифбо тартибида келтирилади. Сўнгра ҳаммуаллифликда ёзилган ишлар, алифбо тартибида ҳаммуаллифларнинг фамилиялари, муаллифлар жамоаси тўлиқ мос келганда — напирнинг хронологик тартибида келтирилади.

4.14.5 Манбаларнинг библиографик баёни ГОСТ 7.1 бўйича, библиографик баёнга мисоллар 6–иловада келтирилган.

#### 4.15 Матнли иловалар

4.15.1 Бошланғич ёки ҳисобот матниши тўлдирувчи материаллар (резларнинг, тоғ жинсларининг, бурғилаш қудуқларининг тавсифи, бурғулаш қудуқлари координатларининг каталоглари, органик колдиклар таърифи, аналитик таърифлаш натижалари, алгоритмлар ва дастурлар баёни, палеонтологик жадваллар ва б.) матнли иловалар ҳисобланади. Иловаларни расмийлаштириш учун сатрма-сатр босувчи алифбо-рақамли қурилмалардан фойдаланишга йўл қўйилади.

4.15.2 Матнли иловаларнинг рўйхати ва мазмуни амалдаги норматив ва услубий ҳужжатлар талаблари билан ёки масъул бажарувчи томонидан, ишларнинг ва ўрганилаётган объектларнинг спецификаси ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

4.15.3 Ҳар бир илова янги бетдан бошланади, унинг ўнг юқори бурчагида катта ҳарфлар билан ИЛОВА сўзи ва араб рақамлари билан бу илованинг тартиб рақами ёзилади. Масалан, 6-ИЛОВА.

Битта илова рақамланмайди.

4.15.4 Ҳар бир илова сарлавҳага эга бўлиши керак.

4.15.5 Ҳисобот матнининг давоми сифатида расмийлаштирилаётган иловалар саҳифаларни ялпи рақамлаш билан, фойдаланилган манбалар рўйхатидан кейин жойлаштирилади. Алоҳида китоб (китоблар)га киритилган иловалар ҳар бир китоб ичида рақамланади.

#### 4.16 Метрологик экспертиза хулосаси

4.16.1 Метрологик экспертизадан ўтиши лозим бўлган ҳисоботларда (1-иловага қараг), бажарилган иш метрологик таъминотининг лойиҳага, лойиҳа ва ҳисобот геологик ҳужжатларни метрологик экспертиза қилиш бўйича амалдаги норматив-техник ҳужжатлар дастури талабларига мувофиқ келишини текшириш натижаларини ўз ичига оладиган хулоса киритилади. Хулоса 7-илова шаклида расмийлаштирилади.

4.16.2 Лойиҳалаштириш босқичида, ишни метрологик экспертизадан ўтказиш шарт эмас деб топилса, ҳисоботга 8-илова шаклидаги маълумотнома қўшилади.

4.16.3 7- ва 8-иловалар шаклидаги эксперт хулосалар бош метролог ёки унинг ўрнига қолган шахс томонидан имзоланади.

7.17 Патент тадқиқотлари тўғрисида хулоса (маълумотнома)

7.17.1 Ишларнинг лойиҳасида патент тадқиқотларини олиб бориш кўзда тутилган бўлса, у ҳолда ҳисоботга патентшуноснинг 9-иловадаги шакли бўйича хулосаси киритилади.

4.17.2 Хулосада патентшунос ГОСТ 15.011 га мувофиқ расмийлаштирилган патент тадқиқотлари тўғрисидаги ҳисоботнинг қисқача мазмунини баён қилади ва ҳисобот асл нусхаси сақланадиган жойни кўрсатади.

Патент тадқиқотлари тўғрисидаги ҳисобот зарур бўлганда, асосий ҳисоботга илова сифатида киритилади.

4.17.3 Ишларнинг лойиҳасида патент тадқиқотларини олиб бориш кўзда тутилмаган бўлса, ҳисоботга 10-иловадаги шакл бўйича маълумотнома киритилади. Ташкилотда патентшунос бўлмаганда, маълумотнома масъул бажарувчи томонидан имзоланади.

#### 4.18 Рецензия (рецензиялар)

4.18.1 Қайта кўчирилган ҳисобот ташкилотда ўрнатилган тартибга мувофиқ рецензияга берилади.

4.18.2 Рецензияда жиддий камчиликлар кўрсатилган бўлса, ҳисоботга кўрсатилган камчиликлар бўйича ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги, масъул бажарувчи томонидан имзоланган маълумотнома ёки улар рад этган далил-исбот киритилиши керак.

4.19 Ҳисоботни кўриб чиқиш ва қабул қилиш баённомаси (баённомалари)

4.19.1 Ҳисоботни кўриб чиқиш баённомасида қуйидагилар ақс этиши керак:

- 1) ҳисоботни кўриб чиққан коллегиял органнинг номи;
- 2) кўриб чиқиш санаси;
- 3) баённома рақами;
- 4) мажлис иштирокчиларининг фамилия ва исм-шарифлари;
- 5) кун тартиби;
- 6) ҳисобот муҳокамаси;
- 7) ҳисобот баҳоси (агар у амалга оширилса);
- 8) тавсиялар;
- 9) ҳисобот кўриб чиқилган мажлис раиси ва котибининг имзолари, фамилия ва исм-шарифлари (қавсиз).

4.19.2 Баённомада бажарилган ишнинг топшириққа мос келиши, унинг сифати ва буюртмачига топширишнинг тайёрлик даражаси баҳоланади. Зарур ҳолларда, олинган натижаларнинг самарадорлигини баҳолаш келтирилади.

4.20 Бошланғич маълумотларни топшириш далолатномаси

4.20.1 Топшириш далолатномаси бажарувчи ташкилот талабларига мувофиқ расмийлаштирилади.

4.21 Ишларнинг қиймати тўғрисидаги маълумотнома

4.21.1 Маълумотномада ишларнинг смета қиймати кўрсатилади.

Барча босқичлардаги геологик-қидирув ишларнинг ҳисоботи учун ишларнинг лойиҳа ва ҳақиқий қиймати кўрсатилади. Масштаби 1:50000 бўлган геологик-суратга олиш ишлари бўйича ҳисоботлар учун бу маълумотлар геологик суратга олиш ва умумий қидирувлар бўйича алоҳида келтирилади.

4.21.2 Маълумотнома режа бўлимининг бошлиғи томонидан имзоланади.

4.22 Ҳисобот бир нечта китобдан иборат бўлса, у ҳолда метрологик экспертиза хулосаси, патент тадқиқотлари тўғрисидаги хулоса, (маълумотнома), рецензия (рецензиялар), ҳисоботни кўриб чиқиш ва қабул қилиш баённомаси (баённомалари), ишларнинг қиймати тўғрисидаги маълумотнома охириги матн китобида, фойдаланилган манбалар рўйхатидап кейин жойлаштирилади.

4.23 График иловалар

4.23.1 Турли мазмундаги хариталар, стратиграфик устувлар, профиллар ва алоҳида варақда тайёрланган, ҳисоботга илова қилинадиган папка (папкалар)га жойлаштирилган бошқа материаллар график иловаларга киради.

4.23.2 График иловаларнинг рўйхати ва мазмуни амалдаги норматив-техник ҳужжатлар талаблари билан, улар бўлмаганда, ишларнинг буюртмачиси ва масъул бажарувчиси томонидан белгиланади.

4.23.3 График илова алоҳида варагининг формати 700x850 мм дан ошмаслиги керак. Битта папкадаги график иловалар варақларининг сопи 50 тадан кўн бўлмаслиги керак.

График иловалар формати 210x300 мм, калинлиги 70—80 мм дан кўп бўлмаган папкаларга жойлаштирилади.

4.23.4 Геологик-суратга олиш ишлари бўйича ҳисоботлар график иловаларининг ўлчами 700x700 мм гача боғламлардаги халқаро разграфкали стандарт варақларда тақдим этилади.

Суратга олинган майдоннинг конфигурациясига мувофиқ, график иловаларни стандарт варақнинг 1/2 ёки 1/4 форматида тақдим этишга рухсат берилади.

4.23.5 Ҳисобот биринчи нусхасининг график иловалари (геологик мазмундаги хариталардан ташқари) контур-штрихли тарзда тақдим эти-

лади, улар калькада тушь билан ёки полиграфик усулда, ёки компьютер курилмалари ёрдамида картографик қоғозда бажарилади.

График иловалар элементларини тасвирлашга қўйиладиган талаблар 4.3.1-банд бўйича.

Кўшимча пимдирилган калькадан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

4.23.6 Ҳисоботнинг иккинчи ва бундан кейинги нусхаларига бўлган график иловалар электрографик курилмалар («Эра» апаратидан ташқари) ёрдамида ёки аммиакли қоғозда тайёрланиши мумкин.

4.23.7 Ҳисоботнинг барча нусхаларида типография топографик ёки географик асосда курилган геологик мазмундаги хариталар қора ёки рангли тушь билан, ёки полиграфик усулда картографик қоғозда, апилиб ёки бошқа ўткир бўёвчилар билан бўялган ҳолда, амалдаги норматив-техник ҳужжатларга мувофиқ тайёрланади.

4.23.8 График иловалар элементларининг тасвирланиши амалдаги норматив-техник ҳужжатлар ва йўриқномаларнинг талабларига мос келиши керак.

4.23.9 Иловалар кўпроқ анилин бўёқлар билан бўялиши мумкин. Кўшимча итрихлаш бўлганда, рангли қаламлар билан бўяшга рухсат этилади. Гуашдан фойдаланишга рухсат этилмайди.

4.23.10 Ҳар бир график иловада варақнинг пастки бурчагида ихтиёрий шаклдаги, қора тушь ёки полиграфик усулда қилинган бурчакли штамп қўйилади. Бурчакли штампнинг мазмуни 10-иловага мос келиши керак.

4.23.11 Бурчакли штампда бўлган график илова номини сарлавҳа кўринишида такрорлашга рухсат этилади.

4.23.12 Ўзида харитани ифодаловчи график иловалар бурчакли штампда ушбу иловани тузишда фойдаланилган типографик асос тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

4.23.13 Бурчакли штампда бирлашма, экспедиция ва ш.к. бош мутахассиси, бош геологи, бош муҳандис ва бошқа мутахассисларнинг имзоларини жойлаштиришга рухсат этилади.

4.23.14 Бир турдаги кўп варақли график иловалар учун бурчакли штампни фақат биринчи варақда жойлаштиришга рухсат этилади. Кейинги ҳар бир варақда график илова, варақ рақами, ишларни олиб борган ташкилотнинг қисқа номи, иш топшириладиган йил ва ишлаб чиқиш рақами кўрсатилиши керак.

4.23.15 Берилган варақ штрих билан ажратиладиган, варақларга тааллуқли иловаларнинг рақамлари кўрсатилган ҳолда, ҳар бир варақнинг

## ГОСТ 7.63-90

бўш ҳошиясида кўп варақли иловалар (хариталар, планлар)да варақларнинг жойлашиш схемаси киритилади.

4.23.16 Ҳар бир папка устки қисми (қопқоғи)нинг орқа томонида юқори ҳошия чизигига папкадаги график иловалар рўйхати елимланади. Рўйхат устунларида тартиб рақами, чизма номи, варақлар сони кўрсатилган жадвал кўринишида расмийлаштирилади.

4.23.17 Берилган папкага жойлаштирилган график иловалар рўйхатининг охирида иловалар ва варақларнинг умумий сони кўрсатилади, масалан, «жами 5 та варақда 4 та илова, шу жумладан, 2 та варақда 1 та илова».

**1-илова**  
(маълумот учун)

**Метрологик таъминот ва метрологик экспертиза хулосаси керак бўладиган ҳисоботлар рўйхати**

1. Геологик-қидирув (геологик сурагга олиш, қидирув, гидрогеологик, геофизик) ишларнинг барча турлари бўйича ҳисоботлар.

2. Ўлчаш маълумотларидан фойдаланилган ва метрологик экспертиза зарурлиги лойиҳа (дастур)ни экспертиза қилишда белгиланган мавзули ва илмий-тадқиқот геологик ишлар бўйича ҳисоботлар.

3. Фойдали қазилмаларнинг физик-механик тавсифларини, кимёвий хусусиятларини аниқлаш, шунингдек, конларни баҳолаш ва улардан фойдаланишчи техник-иқтисодий асослаш мақсадида олиб борилган, тугалланган ишлар бўйича ҳисоботлар.

4. Захираларни ҳисоблаш бўйича ҳужжатлардан иборат бўлган ҳисоботлар.

5. Геологик-қидирув ишларнинг топогеодезик ва маркшейдерлик таъминоти бўйича (қудуқларнинг огзини боғлаш ва альтитуасини аниқлаш, қазиладиган конларни жойга боғлаш ва уларни қазини пайтида тўғрилаш ва ҳ.к.) материалларни ўз ичига оладиган ҳисоботлар.

Изоҳ - Иловада келтирилган лойиҳа ва ҳисобот геологик ҳужжатларнинг рўйхати ташкилот (корхона, бирлашма) раҳбариятининг қарорига кўра, аниқ шарт-шароитларга мувофиқ деталлаштирилиши ва тўлдирилиши мумкин; ҳар қандай қўшимчалар ташкилот (корхона, бирлашма) бўйича чиқариладиган буйруқ билан расмийлаштирилади ёки ушбу стандартни ривожлантириш йўлида ишлаб чиқариладиган корхона стандартига киритилади.



2-илова (тавсия этиладиган)  
**Ўлчаш методлари, воситалари ва ўлчашнатижаларининг метрологик параметрларининг жамлама жадвали**


Тартиб рақами	Ўлчашлар объекти (қарилган ҳол, тоғ жинси, элсмент минерал)	Ўлчашнашган қатълик скаларлар, метр жинси, метр	Ўлчаш чар-чилик йуллари	Ўлчаш методлари (ўлчаш аспаплари)	Ўлчаш воситалари	Фойдаланилган ўлчаш методлари ва воситаларининг тавсифи		Ўлчаш воситалари ва воситаларининг охирги қарилган ҳоли	Ўлчаш-лар қим-томони-дан ва қарилган ўлчаш-ларнинг (лаборатория)	Ўлчаш-лар қим-томони-дан ва қарилган ўлчаш-ларнинг (лаборатория)	Ўлчаш воситалари ва воситаларининг охирги қарилган ҳоли	Ўлчаш воситалари ва воситаларининг охирги қарилган ҳоли	Ўлчаш воситалари ва воситаларининг охирги қарилган ҳоли	Ўлчаш воситалари ва воситаларининг охирги қарилган ҳоли
						Дойиҳа бўйича талаблар	Ушбу мақсадда қўлланиладиган							
						Аниқдан нақил-катталиқ-тартиби-интервал-лари бўйича	Мун-лазам хатolik қойилти	Ўлчаш воситалари ва воситаларининг охирги қарилган ҳоли	Ўлчаш воситалари ва воситаларининг охирги қарилган ҳоли	Ўлчаш воситалари ва воситаларининг охирги қарилган ҳоли	Ўлчаш воситалари ва воситаларининг охирги қарилган ҳоли	Ўлчаш воситалари ва воситаларининг охирги қарилган ҳоли	Ўлчаш воситалари ва воситаларининг охирги қарилган ҳоли	Ўлчаш воситалари ва воситаларининг охирги қарилган ҳоли
1	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари
2	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари
3	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари
4	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари
5	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари	Ўлчаш объектлари

Изоҳлар

1. Қўлланмадан (таърих маълумотлар бўлмаган) усунларда «...» белгиси бўлиши керак.
2. 17-устунда ўлчашнатижа алоҳида шартлари қўрилганда мунча қала, станционлар, атмосфера ва ш.к.
3. Хусобота қарилганда жамлама жадвалда, ишларнинг турини боғлиқ ҳўда, унбу ишдан мўжааланган натижане одиша Бевосита тавсир қўрилганда, ўлчашлар бўйича маълумотлари келтириши Хусобота усунлар сони ва маълумотлар ўзгаришилар миллийнинг мўжип.
4. Аттестациялан лабораторияларда (аттестациялан туринидаги гуноҳоқа бўлганда) баъриладиган аналитик ишлар узун 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10-устунлар таърихида, 17-устунда эса, лаборатория аттестациялан узкантига сана ва аттестациялан туринидаги гуноҳоқнинг аквал қилини мўжипага қўрилганда.
5. Билвосита ўлчашларда 3-устунда ўрнатилган параметрлари, Хусоботани форумласи келтирилган.

**3-илова**  
(маълумот учун)

**Жадвални расмийлаштириш намунаси**



Изоҳ -- Олдинги қаторни диагональ бўлишга йўл қўйилмайди. Битта варақда жойлашган жадвал ўстунларига матнда ҳавола бўлмаса, улар рақамланмайди.

Сарлавҳалар кичик ҳарфлар билан (биринчиси бош ҳарф), охирида нукта қўйилмай, таъига чизилмай жадвал устига, ўртада ёзилади.

Жадвал рақами ўнгда, сарлавҳадан юқорида бўлади.

**4-илова**  
(мажбурий)

**Ҳисобот этикеткаси**

Вазирлик (идора)	
ташкilotнинг тўлиқ номи (қавс ичида – қискартирилган номи)	
_____ нусхада	
Масъул бажарувчи Фамилия, исм-шарифи	
----- ҳисоботнинг рўйхатга олиш ҳужжатларига	
мувофик тўлиқ номи	
Китоб _____ рақами	
Чиқарилган жой	йил

**5-илова**  
(мажбурий)

**Ҳисоботнинг титул варағи**

Вазирлик, идора

Ташкилотнинг тўлик номи (қисқартирилган номи)

УЎТ \_\_\_\_\_  
«Союзгеолфонд» (ХГФ)нинг  
давлат рўйхатга олиш рақами

\_\_\_\_\_ нусхада  
**ТАСДИҚЛАЙМАН**

Бажарувчи ташкилот раҳбари,  
илмий даражаси, илмий унвони  
\_\_\_\_\_ Фамилия, и.ш.

имзо  
200\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ **Масъул бажарувчи**

\_\_\_\_\_ **бажарувчилар**

**ҲИСОБОТНИНГ ТЎЛИҚ НОМИ**

Ишнинг нифри (шартнома, мавзу рақами)

Китоблар ва папкаларнинг умумий сони

\_\_\_\_\_ **китоб рақами ва номи**

Илмий раҳбар ёки  
бажарувчи ташкилотнинг  
бош геологи

(имзо ва сана)

Фамилия и.ш.

Бўлима раҳбари ёки  
экспедициянинг бош геологи

(имзо ва сана)

Фамилия и.ш.

Ҳисобот тайёрланган жой йил

**6-илова**  
(маълумот учун)

**Манбаларнинг библиографик таърифи мисоллари**

1. Заварицкий А.Н. Изверженные горные породы. М.: Наука, 1961, 479 с.
2. Методика изучения гидротермально метасоматических образований / Е.В. Плющев, О.П. Ушаков, В.В. Шатов, Г.М. Беляев, Л.: Недра, 1981, 262 с.
3. Геологическая документация при геологосъемочных и поисковых работах / А.И.Бурде, А.А. Высоцкий, А.Н. Олейников и др. Л.: Недра, 1984, 271 с. (Методическое пособие по геологической съемке масштаба 1 : 50 000. Вып. 14 Всесоюз. научн.-исслед. геол. ин-т).
4. Биостратиграфия пермских отложений Южного Приморья./ В.И.Бураго, А.В. Киселева, Г.В. Котляр и др./Матер. по стратиграфии верхней Перми. Казань: Казан. гос. ун-т, 1977, с. 250—268.
5. Соловьев С.П. Главнейшие химические особенности основных магматических горных пород/Зап. Всесоюз. Минерал. о-ва, 1965, вып. 6, ч. 94, с. 625—641.
6. Современное состояние терминологии и номенклатуры изверженных пород/В.С. Коптев-Дворников, С.В. Евимова, Ф.Р. Апельцин и др./ Матер, IV Всесоюз. петрографического совещания, Ч. 2.М.: Наука, 1972. С. 87—100.
7. Задачи и правила изучения и описания опорных стратиграфических разрезов: Инструкция Межвед. стратиграф. комитет и др. Л.: ВСЕГЕИ, 1963, 33 с.
8. Агрогеохимическая карта Ленинградской области. Масштаб 1:600 000/ Гл. ред. Ф.Я.Сапрыкин. М., 1978 (Аэрогеология; РИС ВСЕГЕИ).
9. ГОСТ 7.32-81. Отчет о научно-исследовательской работе. Общие требования и правила оформления. Взамен ГОСТ 19600-74. Введ. 01.01.82.М.: Изд-во стандартов, 1981, 14 с. УДК 001.891 (007):006.354 Группа Т62.
10. Б.М. Михайлов (научный руководитель), В.А. Николаев, А.П. Харлашин. Разработать и внедрить методику оценки прогнозных ресурсов рудоносных выветривания. Отчет ВСЕГЕИ, Л., 1988; 162 с.

**7-илова**  
(тавсия этиладиган)

**Метрологик экспертиза хулосаси**

ишнинг

ҳисоботига

тўлиқ номи

Муаллиф \_\_\_\_\_

Ишнинг метрологик таъминоти бўйича қуйидаги эътирозлар ва таклифлар бор:

Тартиб рақами	Эътирозлар	Таклифлар
---------------	------------	-----------

Хулоса: \_\_\_\_\_

Сана

Бош метролог

Имзо

Сана

Фамилия, и.ш.

ГОСТ 7.63-90

**8-илова**  
(тавсия этиладиган)

**Метрологик экспертиза бўйича маълумотнома**

Хисобот \_\_\_\_\_  
ишнинг

\_\_\_\_\_ тулик номи

Муаллиф \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ метрологик экспертизадан ўтказилиши зарур эмас.

Бош метролог

Имзо  
Сана

Фамилия, и.ш.

**9-илова**  
(тавсия этиладиган)

**Объект бўйича патент тадқиқотлари**  
**тўғрисида хулоса**

Шарғнома \_\_\_\_\_  
рақами, номи

Масъул бажарувчи \_\_\_\_\_

Патентшунос хулосаси \_\_\_\_\_

Патентшунос

Имзо  
Сана

Фамилия, и.ш.



ГОСТ 7.63-90

**10-илова**  
(тавсия этиладиган)

**Объект бўйича патент тадқиқотлари тўғрисида маълумотнома**

шартнома рақами, номи

бўйича

Масъул бажарувчи

Патент тадқиқотлари

нима асосда

ўтказилмади

Патентшунос  
(масъул бажарувчи)

Имзо  
Сана

Фамилия, и.ш.

**II-илова**  
(мажбурий)

**Ҳисоботнинг график иловаларига қўйиладиган  
бурчакли штамп**

Ҳисобот тузилган таш- килотнинг номи	Ҳисоботнинг номи*	
	Масъул бажарувчи  Фамилия, и.ш.	Ҳисоботни топшириш йили
Илова Варак	Илованинг номи	
Илова масштаби	Фойдаланилган топографик манба (масштаби, нашри, йил)	
Тузди (имзо)	Фамилия, и.ш.	
Чизди (имзо)	Фамилия, и.ш.	
*Ҳисобот номи жуда узун бўлганда, уни қисқартирилган шаклда беришга рухсат этилади.		

ГОСТ 7.66-92

## ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

---

Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши бўйича  
стандартлар тизими

### ҲУЖЖАТЛАРНИ ИНДЕКСЛАШ

Координатли индекслашга қўйиладиган  
талаблар

ГОСТ 7.66-92  
(ИСО 5963-85)

Россия Давстандарти  
Москва

## Сўз боши

1 Фан ва технологиялар бўйича Давлат кўмитаси ва «Илмий-техник ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши» ТҚ 191 Техник кўмита томонидан ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН

Ишлаб чиқувчилар

В.И. Белоозеров, филол. фан. номз. (мавзу раҳбари); Н.Д. Кравченко, пед. фан. номз.; И.В. Тростникова; Н.А. Сливницина; Г.Н. Хонджариан; В.Н. Казаков, техн. фан. номз.

2 Стандартлаштириш ва метрология кўмитасининг 1992 йил 27 мартдаги 297-сон қарори билан ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН

Ушбу стандарт халқ хўжалиги талабларини ақс эттирувчи кўшимча талаблар билан ИСО 5963-85 «Документация. Методы анализа документов, определения их тематики и выбора терминов индексирования» стандартини тўғридан-тўғри қўллаш методи билан ишлаб чиқилган

3 Биринчи текширув муддати — 1995 й.

Текширув давомийлиги — 5 йил

4 БИРИНЧИ МАРТА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

5 ҲАВОЛА ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ТЕХНИК ҲУЖЖАТЛАР

Ҳавола берилган НТХ белгиланиши Банд, илованинг рақами

ГОСТ 7.0-84	Кириш қисми
ГОСТ 7.25-80	4.2; 4.6
ГОСТ 7.26-80	Кириш қисми
ГОСТ 7.27-80	Кириш қисми; 1-илова
ГОСТ 7.52-85	Кириш қисми; 5.7-банд
ГОСТ 7.59-90	Кириш қисми; 1-илова

## ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

---

**Ахборот, кутубхона ва нашриётчилик иши  
бўйича стандартлар тизими**

**ХУЖЖАТЛАРНИ ИНДЕКСЛАШ**

**ГОСТ  
7.66-92**

**Координатали индекслашга қўйиладиган  
талаблар**

**(ИСО 5963-85)**

System of standards on information, librarianship and  
publishing. Indexing of documents. General requirements  
for coordinate indexing

---

**Жорий этиш санаси 01.01.93**

Ушбу стандарт хужжатларни координатали индекслашга, жумладан хужжатнинг қидирув образини шакллантириш қодаларига қўйиладиган умумий талабларни белгилайди.

Хужжатларни тизимлаштириш ва предметлаштиришга қўйиладиган специфик талаблар — ГОСТ 7.59 бўйича. МЕКОФ коммуникатив форматидаги хужжатнинг қидирув образини тақдим этиш шакли — ГОСТ 7.52 бўйича.

Стандарт хужжатларнинг мазмуни ахборот-қидирув тилининг лексик бирликлари билан қисқа шаклда тақдим этилган ахборот-қидирув тизимларига тааллуқлидир. Стандарт маълумотларнинг фактографик базаларидаги фактографик ёзувларни шакллантиришга тааллуқли эмас.

Атамалар ва таърифлар — ГОСТ 7.0, ГОСТ 7.26, ГОСТ 7.27, ГОСТ 7.59 ва 1-илова бўйича.

Халқ хўжалигининг эҳтиёжларини ақс эгтирадиган қўшимча талаблар 1-иловада келтирилган.

### 1 Умумий қодалар

1.1 Индекслаш жараёни куйида кўрсатилган кетма-кетликда амалга ошириладиган куйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- индекслаш объекти сифатида ҳужжат мазмунини таҳлил қилиш ва аниқлаш;
- ҳужжатнинг мазмунини тавсифловчи тушунчаларни танлаш;
- тушунчаларни белгилаш учун индекслаш атамаларини танлаш;
- индекслаш атамаларидан ҳужжатнинг кидирув образини шакллантириш.

Санаб ўтилган босқичлар ҳар бир босқичнинг керакли даражада бажарилиш шарти билан технологик процедураларнинг таркибда бирлаштирилиши мумкин.

1.2 Ҳужжатнинг кидирув образи (ХҚО) танланган индекслаш атамаларидан ахборот-кидирув тили (АҚТ)нинг грамматик воситалари ёрдамида шакллантирилади.

1.3 Индекслаш жараёнида ҳужжатни физик объект сифатида (унинг шакли, ҳажми ва б. нуктаи назаридан) таърифлаш тавсия этилмайди. Ушбу ахборотни ХҚОда ақс эттиришга йўл қўйилади, агар у тизим фойдаланувчисининг ахборот эҳтиёжларига ҳужжатнинг мувофиқлигини янада аниқ белгилаш имкониятини берса.

## 2 Ҳужжатни таҳлил қилиш

2.1 Ҳужжатни таҳлил қилишда индексаторга ҳужжат билан тўлиқ ҳажмда танишиш имконияти берилиши керак. Ҳужжат билан тўлиқ танишиш имконияти бўлмаганда индексатор ҳужжатнинг мавжуд матнли қисмлари (индекслашнинг асосий манбалари)ни ўрганиши керак:

- ҳужжатнинг маълумотнома ашпарати — сарлавҳа (номи), аннотация, реферат, мундарижа, сўз боши, хулоса ва ҳ.к.;
- кириш;
- қисм ва боблар сарлавҳалари;
- боб ва параграфларнинг биринчи жумлалари;
- иллюстрациялар, схемалар, жадваллар ва уларга тегишли бўлган имзолар;
- матнда таги чизилган ёки полиграфик воситалар ёрдамида ажратилган сўзлар ва сўзлар гуруҳлари.

Фақат сарлавҳалар бўйича индекслаш тўлиқ ҳисобланмайди. Рефератлар ва аннотациялар бўйича индекслашда уларда ҳужжат мазмунини бериш адекватлигини кузатиш керак.

2.2 Ўқишдан ташқари кўриб чиқишни, эшитишни ва объектни ҳарakatда синашни ҳамда шунга ўхшаш бошқа процедураларни талаб қилади-

ган матнли бўлмаган (аудиовизуал ва бошқа) ҳужжатларни таҳлил қилишда мавжуд матн компоненти (номи, қисқача таърифи ва ҳ.к.) бўйича уларни индекслашга йўл қўйилади, аммо бу ҳолда ҳам агар матнли материал етарлича тақдим этилмаган бўлса, индексаторга ҳужжат билан тўлиқ танишиш имконияти берилиши керак.

### 3 Ҳужжат мазмунини тавсифловчи тушунчаларни танлаш

3.1 ҲҚОда аке эътирилган тавсифлар ва тушунчаларнинг сони унинг тўлиқлигини белгилайди ва индекслашнинг муҳим сифат кўрсаткичи ҳисобланади.

3.1.1 ҲҚОда тизим фойдаланувчилари учун қимматга эга бўлиши мумкин бўлган барча тушунчаларни аке эътириш зарур.

Ҳужжатда фойдаланувчиларнинг қизиқишлари соҳасидан биттадан кўп бўлган мавзу аниқланиши мумкин. Ушбу мавзулар алоҳида кўриб чиқилиши керак.

3.1.2 Индекслашда аке эътириладиган мавзу АҚС фойдаланувчилари бевосита қизиқишларининг тор доиралари билан чекланмаслиги керак. ҲҚОга, шунингдек, ҳужжатнинг қўшимча аспекти билан боғлиқ бўлган тушунчаларни ҳам қўшиш керак (масалан, илмий-техник тадқиқотларнинг ижтимоий ва иқтисодий аспекти).

3.1.3 Тушунчаларни танлашда асосий мезон бўлиб, ҳужжатнинг мазмунини ифодалаш ёки унинг қидируви учун тушунчанинг потенциал қиймати ҳисобланади. Бунда АҚСга нисбатан типик сўровларга қараб иш гутилади:

— АҚС фойдаланувчилар жамоасида энг кўп фойдаланиладиган тушунчаларни танлаш;

— фойдаланувчилар билан тесқари алоқа асосида АҚТ лексикасининг таркиби ва грамматик қоидаларини аниқлаштириш.

АҚТга киритиладиган ўзгартиришлар уни яратишда асос солинган умумий тузилма ва мантиқни бузмаслиги керак.

3.1.4 Битта ҳужжатга ёзиладиган индекслаш атамаларининг сони ҳужжатдаги маълумотларнинг миқдори билан аниқланади. Атамаларнинг сонини чеклаш муҳимроқ бўлган тушунчаларни аҳамиятли танлашга асосланиши керак.

3.2 Ҳар бир АҚСда қабул қилинган индекслаш тўлиқлиги унинг функционал вазифаси билан белгиланади. Ҳужжатнинг ҳажми ҳам индекслаш тўлиқлигига кучли таъсир қилади.

Кўрсатилган омилларни ҳисобга олиш зарур ва улар асосида ҳужжатда барча айтиб ўтилган тушунчаларни ҲҚО киритишга ҳаракат қилмай, ундаги тушунчаларнинг эксперт танловини ўтказиш зарур.

3.3 ҲҚОнинг спецификлиги ҳужжатнинг тушунчалари индекслаш атамалари томонидан қайси даражада аниқ акс эттирилганлиги билан белгиланади, шунингдек, индекслашнинг сифат параметрларидан бири бўлиб ҳисобланади. Тушунчани кенгрок тушунчани акс эттирган атама билан алмаштириш спецификликни йўқотишга олиб келади. Алоҳида ҳолларда янада кенгрок атамалардан фойдаланишга йўл қўйилади:

— агар хаддан ташқари специфик бўлган атама фойдаланувчиларга тушунарсиз бўлса, айниқса тегишли тушунча фаолиятнинг фақат чегаравий соҳаларида қўлланиладиган бўлса;

— агар ҳужжатдаги тушунча етарлича очиқ берилмаган бўлса ёки ҳужжат мазмунини баён қилиш учун ёрдамчи ҳисобланса.

3.4 Ҳар бир АҚСда ҲҚОда акс эттириш учун муҳим бўлиб ҳисобланадиган тавсифлар рўйхатларини ишлаб чиқиш тавсия этилади. Барча тизимлар учун ГОСТ 7.52 бўйича роли кўрсаткичларининг рўйхати тавсия этилган бўлиши мумкин. Аниқ АҚС эҳтиёжига боғлиқ ҳолда бу рўйхат кенгайтирилиши ва қисқартирилиши мумкин.

#### 4 Индекслаш атамаларини танлаш

4.1 Индекслаш атамаларини танлаш жараёнида ҳужжатнинг мазмунини тавсифловчи тушунчалар қуйидагилар билан тақдим этилади:

— аниқ АҚТ коидалари бўйича танланган афзал лексик birlikлар (дескрипторлар ёки асосий сўзлар);

— луғатлар, энциклопедиялар, маълумотномалар, таснифлаш жадваллари, ахборот-қидирув тезауруслари, атамашунослик стандартлари ва ушбу соҳада обрўли деб тан олинган бошқа манбалар бўйича уларнинг аниқлиги ва мақбуллиги текширилган, янги тушунчаларни акс эттирадиган атамалар.

4.2 Индекслаш атамаларини танлаш АҚС учун сўровларни тузишда фойдаланиладиган, рўйхатга олинган (ГОСТ 7.25) ёки нашр қилинган ахборот-қидирув тезауруси асосида амалга оширилади.

Тезаурусдан фойдаланганда ҳужжат қидируви босқичида ёки тезаурус бандларидаги ҳаволалар асосида қидирув белгиланишини тузиш босқичида жалб қилиниши мумкин бўлган умумий тушунчаларни чиқариб



ташлаш ҳисобига ХҚОга киритиладиган атамалар сонини кискартиришга йўл қўйилади.

4.3 Индекслаш луғатида берилмаган, лекин ХҚОни шакллантириш учун зарур бўлган тушунчалар қуйидаги иккита усуддан биттаси орқали ифодаланади:

ХҚО ва луғатга киритиладиган янги специфик атама орқали;

АҚТда мавжуд бўлган янада умумий атама орқали; бунда специфик атама луғатга киритиш учун номзод сифатида АҚТни юритиш хизматига юборилади.

Янги тушунчалар АҚТда мавжуд лексик birlikларидан энг яқин бўлган birlikлар билан тақдим этилади, шунинддек, қидирув нуктаи назаридан луғатга янги атамаларни киритиш фойдалилиги баҳоланади.

4.4 Ҳужжат матнидан олинган эркин асосий сўзларни индекслашда уларни ГОСТ 7.25 бўйича қоида шаклига келтирилиши керак. Сўз бирикмаларининг узунлигини икки-уч сўз шакллари билан чеклаш тавсия этилади.

Ахборот-қидирув тезаурусидан фойдаланган ҳолда индекслаш схемаси 2-иловада келтирилган.

## **5 Ҳужжатнинг қидирув образини шакллантириш**

5.1 ХҚО ушбу АҚСнинг АҚТ грамматик воситалари ёрдамида ташкил этилган индекслашнинг танланган атамаларидан таркиб топган.

5.2 ХҚО таркибига муайян АҚСни индекслаш технологияси билан кўзда тутилган маълумотларнинг қуйидаги тоифалари киритилиши мумкин:

— индекслаш атамаларини нормаллаштириш даражаси ва бунинг учун қўлланиладиган луғат;

— индекслаш атамасининг индивидуал тавсифлари;

— ХҚО синтактик конструкцияларидаги индекслаш атамаларининг алоқаси.

ХҚОга фактографик маълумотларни кўшиш учун 6-бўлимда кўрсатилган грамматик тоифалар қўлланилади.

5.3 Нормаллаштириш даражаси бўйича координатали индекслаш атамаларининг икки тури фаркланади: дескрипторлар ва асосий сўзлар.

5.4 Индекслаш атамалари табиий тил тизимида фойдаланиладиган орфографик қоидаларга мувофиқ ХҚОда тақдим этилиши керак.

5.4.1 Дескрипторларни индекслашнинг фойдаланиладиган луғатида кўрсатилган шартли кодлар билан тақдим этишга йўл қўйилади. Бу ҳолда

АҚС дескрипторларнинг кодлари бўйича орфографик шакллари­нинг автоматик кидирувини таъминлаши керак.

5.4.2 Кўп тилли ахборот тизимларидаги, турли миллий тиллар асосидаги ХҚО билан асосий сўзлар, у ёки бу табиий тилга тегишлилиги тўғрисидаги белгилар билан таъминланган бўлиши керак.

5.5 Индекслаш атамаларининг индивидуал тавсифлари ХҚОнинг факультатив элементлари ҳисобланади ва улардан ҳужжат мазмунини аниқлаштириш, ахборот кидируви процедураларини ташкил қилиш ёки тизимда ҳужжатларни кейинги аналитик-синтетик қайта ишлаш учун фойдаланилади.

Индивидуал таърифларга индекслаш атамасининг семантик ва морфологик тоифаси, унинг роли ва ахборот жиҳатдан аҳамиятлилиги, олиш усули ва келажакда фойдаланиш тўғрисидаги маълумотлар киради.

5.5.1 Индекслаш атамасининг семантик тавсифи уни қуйидаги лексикографик тоифаларга киритишдан иборат:

- 1) илмий-техник тушунчани ифодалайдиган атама;
- 2) атоқли от, идентификатор;
- 3) параметрнинг номи;
- 4) параметрнинг аҳамияти (матн ёки номланган катталиқ билан ифодаланган);
- 5) сонли ифодаланиши;
- 6) катталиқ бирлигининг белгиланиши.

5.5.2 Индекслаш атамасининг морфологик тавсифи уни қуйидаги лексикографик тоифаларга киритишдан иборат:

- 1) ясама сўз;
- 2) мураккаб сўз;
- 3) сўз бирикмаси;
- 4) аббревиатура;
- 5) сўз фрагменти.

ХҚОда морфологик тавсифлардан АҚСда лексик birlikларнинг мазмун таҳлилини уларнинг формал белгилари асосида амалга ошириш учун фойдаланилади.

5.5.3 Индекслаш атамасининг роли ХҚОда ҳужжатнинг мазмунидаги тегишли тушунчанинг жойини аниқлаштириш учун кўрсатилади. Бунинг учун АҚСда қабул қилинган ролнинг алоҳида кўрсаткичлари билан ҳужжатнинг қуйидаги аспектиларини акс эттирадиган индекслаш атамалари белгиланади:

- 1) тадқиқот, таъриф объекти;

- 2) объектнинг тавсифлари, хусусиятлари, параметрлари;
- 3) тадқиқот методлари ва воситалари, технологик ускуна;
- 4) объектнинг таркибий қисмлари, узеллари, деталлари;
- 5) объектни қўллаш соҳаси (хўжалик, техника, фан тармоқлари);
- 6) объектнинг вазифаси;
- 7) тадқиқот, ишлаб чиқиш, таъриф мақсади;
- 8) тадқиқот, ишлаб чиқиш натижалари.

5.5.4 Индекслаш атамасининг ахборот жиҳатдан аҳамиятлилиги ушбу ҳужжат учун бу тушунчанинг муҳимлигини ХҚОда акс эттиради. Ахборот жиҳатдан аҳамиятлилиги градацияларининг сони аниқ АҚС эҳтиёжлари билан белгиланади. Қуйидагиларни фарқлаш зарур:

- 1) ҳужжатнинг бош мавзусини ифодаловчи тушунчалар;
- 2) ҳужжатнинг қўшимча мавзуларини ифодаловчи тушунчалар;
- 3) ҳужжатда, унинг мавзусини баён қилиш учун ёрдамчи сифатида фойдаланилган тушунчалар.

Ҳужжатда ушбу тушунча кўрилмаётганлигини кўрсатиш учун индекслаш атамаларини белгилайдиган салбий аҳамиятlilik кўрсаткичидан фойдаланиш йўл қўйилади.

5.5.5 Индекслаш атамаларини олиш усулини кўрсатиш учун зарур бўлган белгилардан индекслаш технологик жараёнини ташкил қилиш учун фойдаланилади. Қуйидаги белгиларни фарқлаш керак:

- 1) атама индексатор ихтиёри бўйича белгиланган, лекин ҳужжатда мавжуд эмас;
- 2) атама тезаурусда кўрсатилган алоқалар асосида ХҚО га киритилган, лекин ҳужжатда мавжуд эмас;
- 3) автоматик индекслашда олинган атама.

5.5.6 Индекслаш атамасидан тахминий фойдаланиш тўғрисидаги белгилар ХҚОга кейинчалик ахборотни аналитик-синтетик қайта ишлаш жараёнларида махсус ишлов берилиши керак бўлган лексик бирликларни ажратиш мақсадида киритилади. Қуйидаги белгиларни фарқлаш керак:

- 1) атамадан кўрсаткичларнинг предметли рубрикаси сифатида фойдаланилади;
- 2) ушбу индекслаш атамасида ХҚОда кўрсатилган фактографик маълумотлар мавжуд;
- 3) атамадан фақат бошқа атамаларга аниқлаштирувчи аниқловчи сифатида фойдаланилади.

5.6 Индекслаш атамалари ХҚОда уларни синтактик конструкцияларга бириштирадиган, қуйидагиларни акс эттирадиган алоқа кўрсаткичлари билан таъминланиши мумкин:

1) ҳужжатда индекслаш атамаларнинг кетма-кетлик тартиби ва ўзаро жойлашиши;

2) ҳужжатдаги тушунчаларнинг мазмун жиҳатдан алоқалари;

3) тезаурусдаги дискрипторларнинг парадигматик алоқалари.

Синтактик конструкциялар индекслаш атамалари билан бир қаторда ХҚОнинг тўлиқ бирликлари сифатида кўриб чиқилади. Улар бошқа синтактик конструкциялар ёки алоҳида индекслаш атамалари билан юқори тартибдаги конструкцияларга бирлаштирилиши мумкин.

Синтактик конструкциялар иерархиясининг даражалари сони аниқ АҚС эҳтиёжлари билан белгиланади. Тўртинчи ва юқори тартибдаги конструкцияларни қўллаш тавсия эгилмайди.

Синтактик конструкциялар аҳамиятлилиги, роли ва келажакда фойдаланиш кўрсаткичлари орқали индекслашнинг индивидуал атамаларига ўхшаш тарзда тавсифланиши мумкин (5.5.3-, 5.5.4-, 5.5.6-бандларга қар.).

5.7 АҚС хотирасида ХҚО ёзиш ушбу бўлим ва ГОСТ 7.52 талабларини ҳисобга олган ҳолда унда қабул қилинган кодлашнинг усули билан таъминланган.

## 6 Ҳужжатни фактографик индекслаш

6.1 Ҳужжатни фактографик индекслаш (ҲФИ) ҳужжатда мавжуд бўлган аниқ маълумотлар (хабарлар)ни ифодалайдиган маълумотларни ҳужжатда аниқлаш ва ХҚОга киритишдан иборат.

ҲФИ натижалари асосида фактографик АҚСда ахборот бирлиги фактографик ёзув бўлган маълумотлар массивлари шакллантирилади.

6.2 ҲФИ ХҚОда индекслаш атамалари икки тоифасининг қуйидагиларни ифодаловчи формал фарқланишини кўзда тутади:

1) хабар мавзулари ёки объектлари;

2) хабарнинг мазмуни ҳисобланган бу объектларга белгиланган хусусиятлар.

Индекслашнинг тегишли атамалари бир-бири билан объектнинг номи, унинг тавсифлари, уларнинг аҳамиятлари, катталик бирликларини бирлаштирувчи ва ҳужжатдаги тушунчаларнинг мазмун алоқаларини акс эттирувчи синтактик конструкцияга боғланган бўлиши керак.

Кўшимча равишда бундай синтактик конструкция қуйидагича тавсифланиши мумкин:

1) модаллик кўрсаткичи орқали;

2) ҳақиқийлик шарти орқали.

6.3 Фактографик хабарнинг модаллик кўрсаткичи куйидаги турдаги хабарлар ўртасидаги фаркни аниқлайди:

- 1) кузатиладиган факт;
- 2) йўл кўйиладиган киймати;
- 3) стандарт талаби;
- 4) режа кўрсаткичи;
- 5) тақиқ;
- 6) тавсия;
- 7) тахмин;
- 8) шарт.

Агар ахборот тизимда модаллик кўрсаткичларидан фойдаланилмаса, барча фактографик хабарларга тизимнинг эксплуатацион ҳужжатида кўрсатилиши керак бўлган битта модалликка тегишли сифатида қаралади.

6.4 Фактографик хабарнинг ҳақиқийлиги шarti биринчиси билан юқори турувчи даражадаги синтактик конструкцияга боғланган бошқа фактографик хабар ҳисобланади.

Масалан:

X = маҳсулотнинг оғирлиги

Z = 150г.

V = 45 % дан кўп бўлмаган намлик,

бунда X — объектнинг тавсифи,

Z — тавсифнинг киймати,

Y — ҳақиқийлик шarti.

Ҳақиқийлик шarti бўлган фактографик хабар шартнинг модаллик кўрсаткичи «агар»га эга бўлиши керак, масалан:

(маҳсулотнинг оғирлиги=150г) (агар (намлик 45 фоиздан кўп бўлмаса)).

6.5 Хабарнинг мавзуси (объекти)ни ифодаладиган индекслаш атамалари 5.5.1-бандда кўрсатилган 1- ва 2-тоифаларга тегишли. 1-тоифадан фойдаланишда индекслаш атамасига қўшимча равишда объектнинг ягоналик ёки умумийлик (квантор) кўрсаткичи берилиши мумкин.

Умумийлик кванторидан тегишли тушунчанинг ҳажмига кирадиган барча объектлар тўғрисидаги тасдиқлаш ифодаланган хабарларда фойдаланилади.

Ягоналик кванторидан ушбу ҳужжатда кўриб чиқилаётган бу тушунчанинг таркибига кирадиган объект тўғрисидаги ахборот ифодаланган хабарларда фойдаланилади.

6.6 Хабар мазмунини ташкил этадиган объектларнинг хусусиятларини акс эттирувчи индекслаш атамалари 1-, 2-, 3-тоифаларнинг лексик birlikлари (5.5.1-бандга қар.) ёки параметрли конструкция (5.6-бандга қар.) билан ифодаланиши мумкин.

6.7 Параметрли конструкция иккита формал жиҳатдан ифодаланган қисмлардан: битта синтактик конструкцияга бирлаштирилган параметр помидан ва параметр қийматлари рўйхагидан (6.8-бандга қар.) иборат.

6.8 Параметрли конструкцияда қийматлар рўйхати параметрларнинг қийматлари тўшмаи ва муқобиллик ёки бир вақтlilik(симультанлик) тўғрисидаги кўрсатмаларни ўз ичига олиши керак.

Қийматлар тўшмаи санаб ўтиш ёки ўртасида параметр томонидан қабул қилинадиган (қийматлар интервали) қийматлар жойлашадиган икки чегаравий қийматларни кўрсатиш орқали берилади. Қийматлар интервалини беришда қийматлар интервали учун қийматлардан қайси бири бошланғич, қайси бири охириги эканлиги, шунингдек, чегаравий қийматларнинг кўрсатилган интервалга кириш-кирмаслиги формал равишда кўрсатилади. Агар параметрнинг қиймати фақат битта томондан чегараланган бўлса, интервалнинг чегаравий қийматларидан бири бўлмаслиги мумкин.

Битта вақтlilik тўғрисидаги кўрсатмадан хабарнинг битта объектида параметрнинг барча берилган қийматлари кузатилганда фойдаланилади.

Муқобиллик тўғрисидаги кўрсатмадан битта хабар объектининг параметрлари берилганлар сонидан танлаб олиниши керак бўлганда фойдаланилади.

6.9 Ҳисоб ёки сонларни таққослаш операцияларини ўтказиш зарур бўлганда параметрнинг қийматлари иккита индекслаш атамалари — сон орқали ифодалаш ва катталиқ бирлигининг номидан иборат синтактик конструкция билан тақдим этилган бўлиши керак.

## 7 Автоматлаштирилган индекслаш

7.1 Индекслашни автоматлаштириш мақсади индекслаш процедура-сига сарф қилинадиган, моддий ва одам ресурсларини минималлаштириш, шунингдек, унинг натижаларининг барқарорлиги ва бир хиллигига ети-шиш ҳисобланади.

7.2 Автоматлаштирилган индекслаш (АИ) қуйидагилар бўйича амалга оширилади:

- 1) бирламчи ҳужжатнинг матни бўйича;
- 2) ҳужжатнинг сарлавҳаси ва аннотацияси ёки реферати бўйича;

АИ бирламчи хужжатнинг матни бўйича ХҚОни ихчамлаштириш процедурасини ўз ичига олиши керак.

7.3 Ҳисоблаш техникасидан фойдаланган ҳолда АИнинг қуйидаги мазмунли босқичлари амалга оширилади:

- 1) хужжатнинг ахборот қисмларини аниқлаш;
- 2) матн сўзларини идентификация қилиш ва уларни нормалаштирилган кўринишга келтириш (морфологик таҳлил қилиш ва синтез);
- 3) бошланғич матннинг асосий сўзлари рўйхатини шакллантириш;
- 4) тезаурус бўйича дескрипторларни танлаш;
- 5) ХҚОни шакллантириш.

7.4 Хужжатнинг ахборот қисмларини аниқлаш

АИ технологияси 2.1-бандда кўрсатилган рўйхатидаги энг ахборотли фрагментларни идентификация қилишни ва индексатор ёки индекслаш дастурига тақдим этилишини назарда тутиши керак. Бошқа формал мезонлар бўйича, шунингдек, мутахассис-индексатор қарори бўйича ахборот фрагментларини аниқлаш алгоритмлари кўзда тутилиши мумкин.

7.5 Матн сўзларини идентификация қилиш

7.5.1 Матн сўзларини идентификация қилиш жараёни қуйидагиларни ўз ичига олиши керак: битта сўзнинг сўз шаклларини бир-бирига тенглаштириш ва матннинг ахборотли сўзларини белгилаш.

Бунда синтактик конструкцияларни аниқлаш ва уларни қайта ишлаш, омонимияни аниқлаш ва ҳал қилиш каби масалаларни ҳал этиш учун интеллектуал процедуралардан фойдаланиш зарур бўлиши мумкин.

7.5.2 Матннинг сўзларини идентификация қилиш учун машина луғатлардан (асослар, парадигмалар, сўз бирикмалари ва ҳ. луғатлари) фойдаланилади. Луғатлар тизимнинг маълумотлар базасида тақдим этилган бўлишлари ва визуализация ҳамда юриштиш воситалари билан таъминланган бўлиши керак.

7.6 Матннинг асосий сўзлари рўйхатини шакллантириш

7.6.1 Матннинг асосий сўзлари рўйхатини шакллантириш жараёнида ушбу табиий тил грамматик категорияларининг боғлиғини қоидаларини ҳисобга олган ҳолда матннинг синтактик таҳлили ўтказилади.

7.6.2 Матннинг синтактик таҳлили қуйидаги масалаларни ҳал этади:

- 1) берилган мезонлар бўйича матнни фрагментларга бўлиш;
- 2) матннинг сўз шакллари ўргасида синтактик тобеликни белгилаш;
- 3) сўз бирикмаларини бир-бирига тенглаштириш;
- 4) аниқланган асосий сўзларни нормалаш.

7.7 ХҚОни автоматик равишда шакллаштириш

7.7.1 АИ процедурасида эркин асосий сўзлар ёки ушбу соҳада фойдаланиладиган ахборот-кидирув тезаурус дескрипторларидан ХҚО шакллантиришга йўл кўйилади.

7.7.2 Ахборот-кидирув тезаурус дескрипторлари орқали АИда ХҚО-ни шакллантириш босқичида асосий сўзларни тезаурусда кўрсатилган дескрипторларга алмаштириш амалга оширилади.

7.7.3 Дескрипторлардан ХҚОни шакллантиришда ахборот-кидирув тезаурусининг юқори турувчи атамалари билан тўлдириш ҳисобидан ХҚО бойитилиши мумкин.

7.7.4 АИ процедураси ХҚОга намунавий грамматик воситалар кўшишни назарда тутиши керак (5-бўлимга қар.).

7.7.5 АИ тизимларига қуйидаги талаблар кўйилади:

1) тузилиш модуллиги, яъни АИ алоҳида масалаларини ҳал этиш процедуралари мустақил блоклар ёки модуллар ёрдамида амалга ошириладиган тизим лингвистик ва дастурий таъминотининг ташқи ташкил этилиши;

2) намунавий дастурий ва техник воситаларга ориентация қилиш;

3) координатли индекслаш бўйича амалдаги норматив-услубий ҳужжатларнинг мувофиқлиги.



**1- илова**  
(маълумот учун)

**Атамалар ва таърифлар**

1. Автоматлаштирилган индекслаш — технологияси ҳисоблаш техникаси ёрдамида амалга ошириладиган формал процедуралардан фойдаланишни назарда тутадиган ва қидирув образининг таркиби тўз рисидаги асосий қарорларни қабул қилишда интеллектуал процедураларнинг қўлланишини ўз ичига олиши мумкин бўлган индекслаш.

2. Автоматик индекслаш — ҳисоблаш техникаси ёрдамида амалга ошириладиган ҳужжат матнини қайта ишлаш ёки сўровнинг фақат формал процедураларидан фойдаланган ҳолда қидирув образини тузиш.

3. Ахборотлаштирилган сўз — ҳужжат ёки сўровнинг матнидаги катта маъно юкланишини элтувчи сўз ёки сўз бирикмаси.

4. Назорат қилинадиган индекслаш — матннинг ахборотлаштирилган сўзларини муайян ахборот-қидирув тезаурусига ёки индекслашнинг бошқа луғатида кўрсатилган дескрипторлар билан алмаштириш назарда тутилган индекслаш.

5. Координатали индекслаш — мақсади ҳужжат ёки сўровнинг мазмунини ҳар томонлама ақс эттириш учун қидирув образига зарур бўлган индекслаш атамаларини киритиш йўли орқали индекслаш.

6. АҚТ лексик бирлиги (ЛБ) — ушбу АҚТда элементар бирлик сифатида қараладиган, ҳужжатлар ёки сўровларнинг қидирув образларида маълум тушунча, объект ёки параметр қийматларини тақдим этиш учун фойдаланиладиган символларнинг кетма-кетлиги, сўз, сўз бирикмаси, сўзнинг фрагменти ёки шартли белгиси.

7. Эркин индекслаш — технологияси матннинг ахборотлаштирилган сўзларини махсус индекслаш луғатининг тавсияларига кўра алмаштирилишини назарда тутмайдиган индекслаш.

8. Специфик атама - - ҳужжат мазмунини энг кўп даражада ақс эттирадиган ахборотлаштирилган сўз бўлиб, ундан фойдаланиш ушбу ҳужжатни мавзуси ўхшаш бошқа ҳужжатлардан ажратиб туради.

9. Индекслашнинг спецификлиги — қидирув образигадаги специфик бўлмаган атамаларнинг сонига специфик атамалар ва фактографик маълумотлар сонининг нисбати билан аниқланадиган индекслаш сифатининг тавсифи.

10. Индекслаш тўлиқлиги – кидирув образига киритилган специфик атамаларининг ва фактографик маълумотлар сонининг ҳужжат ва (ёки) сўров матнида мавжуд бўлган шундай атама ва маълумотлар сонига нисбати сифатида белгиланадиган кидирув образига ҳужжат ёки сўров мазмунининг акс эттирилиш даражаси.

11. Фактографик индекслаш – ҳужжатнинг мазмуни бўлган ҳужжатнинг аниқ маълумотлар (хабарлар)нинг ушбу ҳужжатнинг кидирув образига акс эттирилишини назарда тутган индекслаш.

**2-илова**  
(маълумот учун)

**АХБОРОТ-ҚИДИРУВ ТЕЗАУРУСИ БЎЙИЧА ИНДЕКСЛАШ  
СХЕМАСИ**

1. Ҳужжатни ўрганиш ва АҚС спецификасини ҳисобга олган ҳолда унинг мазмуни учун аҳамиятли бўлган тушунчалар рўйхатини тузиш.

2. Биринчи тушунчани кўриб чиқиш.

3. Ушбу тушунчани акс эттирган лексик бирликни тезаурусда топиш. Агар у бўлмаса, 11-бандга ўтиш мумкин.

4. Агар топилган лексик бирлик — аскриптор бўлса, уни ҳаволада кўрсатилган дескриптор (ёки дескрипторлар комбинацияси) билан алмаштириш.

5. Ушбу дескриптор (дескрипторлар) учун тезаурусда кўрсатилган ҳаволаларни кўриб чиқиш.

6. Брилган тушунчани ифодалаш учун ҳаволаларда кўрсатилган дескрипторлар янада специфик эмаслигини текшириш. Агар шундай бўлса, 10-бандга ўтиш мумкин.

7. Топилган лексик бирликларни АҚТ коидалари бўйича зарур грамматик кўрсаткичлар билан таъминлаган ҳолда уларни қидирув образига ёзиб қўйиш.

8. Қидирув образида акс эттирилмаган ҳужжатдаги тушунчалар борлигини текшириш ва кейинги тушунчани кўриб чиқиш. 3-бандга ўтиш.

9. Агар ҳужжат тушунчаларининг рўйхати тугаган бўлса, ишни тугатиш.

10. Бошланғич дескрипторни тезаурусдаги ҳавола кўрсатмасига мувофиқ янада специфик дескрипторга алмаштириш. 7-бандга ўтиш.

11. Қидирув образига биргаликда киритилиши ушбу тушунчани акс эттирадиган дескрипторларни тезаурусда топиш. Агар улар бўлмаса 12-бандга ўтиш, агар бўлса — 5-бандга ўтиш мумкин.

12. Тушунчани ифодаловчи ва ГОСТ 7.25 бўйича дескрипторларга қўйиладиган талабларини қондирувчи атамани белгилаш.

13. Топилган атамани АҚТни юритиш хизматига тезаурусга киритиш учун номзод сифатида юбориш. 7-бандни бажаришга ўтиш.

14.Охири

Ахборот-қидирув тезауруси бўйича индекслаш блок-схемаси чизмада кўрсатилган.

Индекслаш алгоритми блок-схемаси

А.Ходжаев., М. Мухитдинов., А. Ишматов., М.Махмудов.

**АХБОРОТ-КУТУБХОНА  
ФАОЛИЯТИГА ОИД  
СТАНДАРТЛАР  
ТЎПЛАМИ**

Босишга рухсат этилди: 23.05.08й.  
Бичими 60x84 1/16 нашр.т. 30. Адади 1000 нусха.  
Буюртма № 088

“Ўзбекистон маркаси” нашриёти

МЧЖ “ALOQA PRINT” босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш., Гавхар кучаси, 125.

ISBN 978-9943-335-03-5



9 789943 335035